Бу сонда:

Хаёлпараст мухбир ва хаёлотдаги ҳаёт дарслари ҳақида.

Қатортолга мактублар

Поэзия

Мутолаа

Кўча болалари

Садриддин Айний: «Муқанна исёни»

Аниқ фанлар академияси

Обуна — 90

ЁШ КУЧ

9 1989

ISSN 0235—1277

www.ziyouz.com kutubxonasi

В. И. Ленин музейининг Тошкент филиали. Бу ер республикамиз аҳолиси учун мўътабар, муқаддас даргоҳ. Музейга ҳар куни юзлаб кишилар ташриф буюрадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕЛАЖАК — БИЛИМДОН ЁШЛАРНИКИ!



Мана, куз келиб мактабларимизда, ўрта ва олий билим юртларида янги ўқув йили бошланди. Ҳолбуки, халқ таълимини ривожлантиришга халал бераётган эски муаммолар ғиж-ғиж. Бу эски муаммоларни бартараф этишга янги тузилган халқ таълими министрлиги қандай тайёргарлик кўрмоқда? Мухбиримиз Ўзбекистон ССР халқ таълими министрининг ўринбосари Ҳамидулла Қаюмович Йўлдошев билан шу хусусда суҳбат қурди.

Ҳ. Йўлдошев: Муаммолари чирсиллаб турган учта министрлик бирлашгач, масъулиятимиз янада кучайди. Энди турғунлик давридан мерос қолган муаммоларга келсак, улар чиндан ҳам талайгина. Қишлоқ мактабларимизнинг жуда кўпини бемалол музейга айлантириб, чет эллик меҳмонларга «эски мактаб» сифатида «намойиш» қилиш мумкин. Фақат авария ҳолатига келиб қолган 700 дан ортиқ бундай мактабларимизни сайёҳлар журъат қилиб кўришса бўлгани. Ҳунар мактабларида ёшларни халқ хўжалиги ишларига планли равишда тайёрлаш борасида ҳам чалкашликлар мавжуд...

Мухбир: Дарвоқе, редакциямиз бу хусусда ўқувчиларидан жуда кўп шикоят олади. Билим юртини битириб иш тополмай сарсон юрган бу ёшлар ҳунар мактаби ҳамон ўқувчилар қабул қилишда давом этаётганлигини куюнчаклик билан маълум қиладилар.

Ҳ. Й: Биз ўтган йили республикамизнинг барча регионларида ишчи кадрларга бўлган ҳаққоний эҳтиёжни ўрганганимизда ачинарли манзарага дуч келдик. Маълумотлар шуни кўрсатдики, XII беш йиллик бошида тасдиқланган план кўрсаткичлари амалий эҳтиёжга мутлақо мос тушмас экан. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш хом планлар асосида амалга оширилган. Яъни асл шартномага кўра, 62.400 киши ўрнига ҳунар-техника билим юртларида 98.600 мутахассис тайёрланган. Демак, кимларнингдир планлаштиришдаги хатоси туфайли оз эмас-кўп эмас, нақ 36 мингдан ортиқ ёш сарсон бўлиб қолган. Министрлигимиз шунинг учун 1989 йилги ёшлар қабули план топшириқларини 54,5 минг кишига камайтиришга муваффақ бўлди.

Энди қишлоқ мактабларининг моддий-техника базасини ўнглаш хусусида ҳам тўхталиб ўтсак, қишлоқ мактаблари республикамиздагина эмас, иттифоқ миқёсида ҳам ночор аҳволда. СССР Министрлар Советининг «Қишлоқларни социал ривожлантириш ҳақида» чиқарган бу йилги қарорида ҳам айни шу муаммо таъкидланиб ўтилган. Қарорда қишлоқларни социал ривожлантириш асосида мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини ҳам жадал қуриш режалаштирилган. Республикамизда ҳам кейинги йилларда мактаблар қурилиши бир ярим бараварга кўпайиши кўзда тутилмоқда.

М: Гап ҳунар мактабларида тайёрланаётган мутахассислар ҳақида борар экан, яна бир муаммога янги министрлик эътиборини қаратишни истар эдик. Маълумки, республикамиздаги кўпгина завод-фабрикаларга бошқа республикалардан малакали ишчилар келтириляпти. Ҳолбуки, уларни ўзимизда тайёрлаш имкони мавжуд. Ана шу имкониятдан самарали фойдаланиш керак.

Ҳунар мактаби ўқувчилари малакали, билимдон бўлиб етишишларида уларга замон талаби даражасида дарсликлар етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги ишларидан озод қилиш муҳим аҳамият касб этади...

Ҳ. Й: Дарсликларимиз талаб даражасида эмаслиги аниқ. Биз республика мактабларини дарсликлар билан таъминлаш масаласини атрофлича ўрганиб чиқдик. Ҳозирги кунда «Ўқитувчи» нашриётига 1990 йилда нашр қилиш учун 53 номда янги дарсликлар рўйхати ва қўлёзмалари топширилган. Яна бу муаммони ҳал қилиш учун «Дарслик» мақсадли комплекс программасини яратиш устида иш олиб боряпмиз. Мана бу йил ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва бошқа фанлардан дарслик яратиш бўйича республика конкурсини эълон қилдик. Мактабларни дарсликлар билан таъминлашни яхшилаш бўйича мутасадди ташкилотлар билан келишиб олдик. Ўйлаймизки, яқин 2—3 йил ичида бу соҳада албатта тартиб ўрнатилади. Энди, ўқувчиларни ҳуда-беҳуда қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш масаласига келсак... Ўз келажагини ўйламайдиган халқгина ёш авлоднинг чуқур билим олишига монеълик қилади. Хабарингиз бор, ўқувчиларни пахтага оммавий равишда жалб қилиш бекор қилинган. Лекин шунда ҳам 1988 йилда Фарғона ва Қашқадарё областлари халқ таълими бошқармалари томонидан республика ҳукуматининг буйруғини қисман бажармаслик ҳоллари содир бўлди. Ўша областларда маҳаллий партия ва совет органлари томонидан бир қанча ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари пахтага жалб қилинди. Бу йил бундай ҳол такрорланмаслиги керак. Зеро, бундан жамият ҳам, халқ таълими ҳам ниҳоятда катта маънавий зарар кўрадиларки, унинг қийматини пул билан ўлчаш асло мумкин эмас.

М: Домла, пул ҳақида сўз очиб қолдингиз. Редакциямиз бир нозик иллат ҳақида ўз ўқувчиларидан кўп шикоят хатлари оляпти. Бу — олий ва ўрта махсус билим юртларидаги таниш-билишчилик, порахўрлик масаласидир. Олий ўқув юртларида ҳақиқат, адолат тикланмас экан, ёшларни қайта қуриш руҳида тарбиялаш қийин кечаверади. Олий мактабларда «Социализмнинг ёвуз уч душманидан бири» саналмиш порахўрликнинг пайини қирқиш учун янги министрлик қандай самарали кураш йўлларини белгилаяпти?

Ҳ. Й: Порахўрлик ҳақиқатан хунук иллат. Бироқ унга қарши ҳамма бирдай изчил кураш олиб бормайди. Айтайлик, сизларга — редакцияга шикоят йўллаган ўқувчилар «фалон институтда мендан шунча пора талаб қилишди» дегандан кўра бу гапни ички ишлар бўлими бошқармасига айтса ва улар билан келишиб «пора берса», қанча порахўрлар тумшуғидан илинарди. Зеро, қайта қуришни ҳамма ўзидан бошлаши керак, деган гапда катта маъно бор. Агар олий ўқув юртлари ва техникумларга кириш имтиҳонларининг қонун-қоидалари биронбир марта бузилиш ҳоллари бизга маълум бўлса, министрлик бу ишга принципиал баҳо беради. Мабодо порахўрлик фактлари аён бўлса, тегишли органлар уларнинг чорасини кўрадилар.

Масалан, Жиззах Давлат педагогика институти сиртқи бўлимининг масъул котиби Неъмат Исматов порахўрлик қилиб қўлга тушди. Ҳозир унинг иши терговда. Худди шундай ҳол Тошкент Давлат педагогика институтида ҳам содир бўлди. Кечки бўлимнинг техник котиби жиноят устида қўлга тушди.

Кириш имтиҳонларини ҳаққоний ўтказиш масаласи қайта кўрилмоқда. Масалан, шу йилдан бошлаб Бутуниттифоқ олимпиадаларининг ғолиблари бўлмиш битирувчи синф ўқувчилари шу соҳа бўйича республика халқ таълими министрлиги системасидаги олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинмоқдалар. Сиртқи бўлимларга баъзи соҳаларда — ўқитувчи вазифасида ишлайдиганлар, тарбиячилар, методистлар, пионервожатийлар, музика раҳбарлари, маданий-оқартув ходимлари, тренерлар, ҳарбий-таълим раҳбарлари, болалар ва ўсмирлар тарбия ишлари ташкилотчи-педагоглари, мактаблардаги ишлаб чиқариш таълими мастерлари, СПТУ, болалар уйлари ходимлари танлаган ихтисослар бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлсалар имтиҳонларсиз суҳбат натижалари асосида қабул қилинадилар. Қабул комиссияси ишини ҳам ошкоралик асосида ўтказиш амалга оширилляпти. Энди «оддий ишчи, колхозчининг аълочи боласи техникумгаям киролмасаю, раис бувамизнинг чаласавод ўғиллари институтларга қабул қилинса...» деган фикрларингизда жон йўқ. Чунки, минглаб ишчи-колхозчиларнинг болалари олий мактабларда ўқишяпти. Қолаверса, ҳар қандай ҳолатда ҳам «раис бувалар фарзандлари»га бир хил андоза билан баҳо бериш унча тўғри эмас. Улар орасида ҳам яхши, аъло ўқиганлар бўлади.

М: Порахўрларнинг уруғини қуритиш керак, лекин уруғликка уларни битта-иккита қуритишдан наф кам. Халқ янги министрликнинг бу соҳада

(Охири 9-бетда).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАЁЛПАРАСТ МУХБИР ВА ХАЁЛОТДАГИ ХАЁТ ДАРСЛАРИ ҲАҚИДА

Янги ўқув йили! У эскисидан қай жиҳатлари билан фарқ қилади? Тоб ташлай деб турган мактаб биноларига қўрқмай бош суқса бўладими? Ўтган қишда исимаган синф хоналари бу йил исийдими? Чаккачи, чакка ўтмасмикан? Дарслар ҳалиям 45 минуту, танаффуслар 5 минутми? Компьютерлар-чи? Нуқул номини эшитамиз, ўзини кўрмаймиз, бор нарсами ўзи?

Мана шундай ўй ва ҳадиклар билан янги ўқув йилининг эшигини очдик. Очдигу...

Ахир икки ойда нимаям қилиб бўларди? Яхшиям мактабнинг доимий заҳматкашлари: ўқитувчи, ўқувчи, ота-она бор. Бу йил ҳам амал-тақал қилинди. Ўзинг учун ўл етим деганларидек... Қизиқ, мактаб ислоҳоти бошланганда туғилган гўдаклар мактаб ёшига етиб қолибдию, лекин бизда бирон ўзгариш сезилмаяпти. Тушкунликка тушманг, сезилади. Мана кўрасиз, ҳадемай бутун кўрган-кечирганларимиз мактаб бўлиб қолади. Болалар каникулга чиқишдими бас, эртасигаёқ қурилишу, таъмирлаш идоралари ҳар қандай шошилинч ишларни ҳам тўхтатиб, билим масканларини янги ўқув йилига тайёрлашга киришадилар. Ҳа, ҳа, бу ишларни улар ўз билгиларича, касб бурчлари деб, бировларнинг буйруқларини кутмай келажак эгалари бўлган фарзандлари учун шундай қиладилар. Уларнинг сафига хўжалик ҳисобига ўтиб, фойда кўра бошлаган хўжаликлар, хусусий кооператорлар, ижарачилар ҳам қўшилишади. Уша биз айтаётган компьютерларни, кўргазмали қуролларни сотиб олиб мактабларга совға қилишади. Олаётган даромадлардан ҳеч бўлмаса ўндан бирини болалар саводхонлигига хайрия қиладилар. Улар шундай қилишга бурчлилар. Чунки биз бугунги кунда орзулаётган чинакам ижарачиларни, инсофли кооператорларни, менеджер — иш юритувчиларни ким етиштириб беради? Мактаб! Энг нўноқ деҳқон ҳам уруғлик донни тап-тақир ерга сепмайди. Ер соғлом, бақувват бўлиши керак. Мактаб эса ана шу ҳур фикрлар уруғини сочадиган бирдан-бир ошиён. Ҳадемай қайта қуришимизнинг шамоллари шу томонга эсиб қолса ажаб эмас. Яна таълимнинг ҳалиҳануз яшаб келаётган эски қолипларим чок-чокидан ажралади. Ажралади-ю, янгиси ясалмайди. Умуман таълимни у ёки бу таълимотчининг «қолипига» солмаслик керак. Ахир таълим лой эмаску, қолипга уриб, эни-бўйи бир хилдаги «ғишт»ларни чиқараверсак. Алломалар уни кенг сайхонликда эркин, яйраб ўсадиган абадий яшил дарахтга ўхшатишади. Таълим боғбонлари — муаллимлар эса бу дарахтга дид билан тинимсиз шакл берадилар, қуриган шохларини кесадилар, беморларини даволайдилар...

Эй мухбир ака, бунчалар хаёлпарастсиз. Ҳолва деган билан оғиз қачон чучиган. Еппасига сафарбарликни гапирасиз, мактаб деса оталиқ ташкилотларнинг тиззаси қалтирайди-ку. Қолипни синдириш дейсиз, дарсни 30 минутга айлантириб кўрингчи. Конспектсиз ўқитувчи — ўқитувчи эмас. Маорифимиз нафақат темир қолипларга, шундай темир изларга тушиб қолганки, сал чеккага чиқилса ҳалокатга учрайди, деб таъна қилишингиз мумкин.

Биз мана шу гапларни шу йилнинг май ойида, қайсиким Халқ депутатларининг I ошкоралик съезди айни жунбишга келган кунларда Тошкентдаги 169-

— Мен кўп йиллардан бери дарс бераман,— ниҳоят анчадан бери сукут сақлаб ўтирган **Нажмиддин ҒУЛОМОВ** суҳбатга қўшилди, — лекин кўп афсусларим бор. Биз кўп нарсани болаларга бир томонлама ўргатганмиз. Хатони энди тушуниб турибмиз. Ахир революциягача ўлкамиз аҳолисининг икки фоизигина саводли деб айтардик. Ўзимизни саводсиз деб савалардик. Энди билсак бизга қараганда ўша аждодларимиз юз карра саводлироқ экан. Ахир улар ҳеч қачон уйидаги ахлатини кўчага чиқариб тўкмаган. Обиҳаёт сувга мағзава оқизишмаган. Биров-бировининг бетига чопмаган. Бир-бировининг бўйича тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси Муроджон Раҳмонов бош қотирган. Қаранг, программа бўйича Ўзбекистон ССР тарихини ўрганиш бир йилга 7- синфда 14 соат, 8- синфда 6 соат, 9- синфда 22 соат, 10- синфда 8- соатгина экан. Товуққа тариқ сочгандег-а? «Мен,— деб ёзади ўқитувчи,— 10- синфда Ўзбекистон ССР тарихини кенгроқ ўқитиш мақсадида «Энг янги тарих»даги 5- боб — «Жаҳон социализм системасининг ташкил топиши ва ривожланиши»— 17 соатлик дарсни обзор тариқасида ўтаманда, унинг ўрнига Ўзбекистон тарихини ўргатаман. Аммо ўқувчилар ўша 5- бобдаги темаларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

Суҳбат иштирокчилари:
Мурод Раҳимов, Шохида Имомназарова, Гўзал Пўлатова, Нажмиддин Ғуломов, Гулнора Раҳматиллаҳўжаева, Санталат Зокирова, Муқаддам Бобоева ва Саодат Ниғмоновалар.

мактаб ўқитувчилари, юқори синф ўқувчиларига тўкиб солдик. Ўшанда бўлажак янги ўқув йилининг ташвишлари билан яшадик. Гоҳ дардлашдик, гоҳ хаёлпарастликка ҳам берилдик.

...Синф хоналарида дарслар борарди. Кутилмаганда қуёшнинг мунаввар нурларини нимадир тўсиб қўйди. Синф хоналарига, дарс тинглаб ўтирган болалар юрагига ҳаяжонли бир кўланка сизиб кирди. Дарахтларнинг шохлари шиддат билан дераза кўзларини сийпалаб, улкан таналари безовта чайқала бошлади. Шамол болаларнинг ҳам хаёлларини сочиб юборди. Боз устига чақмоқ чақнаб бутун борлиққа оппоқ қўрларини ҳовучлаб, ҳовучлаб сочиб юборарди. Бу ўт болалар кўзида ҳам акс этарди. Момақалдироқ ҳар гал гулдираганда болалар синфга сиғмай қолишарди. Шундай бир паллада ўқитувчиларнинг амирона овозлари эшитилиб турарди:

— Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари деб...

— Икки номаълум соннинг кўпайтмаси...

— Машқда қанча қийин бўлса, жангда шунча осон бўлади деб ким айтган?

Хўш, бунақа пайтда ўқитувчи нима қилиши керак?

— Дарсни тўхтатиб, ташқарига — табиат бағрига чиқиш керак,— дейди мактаб директори **Ҳайрулла Юнусов.**— Она табиат шу тобда ҳамма воситалардан устун келиб турибди. Жим турган олам бирдан қўзғалиб кетди. У ҳамма жонсиз, жонли нарсаларга ўз ҳукмини ўтказиб улгурди. Ким қўрқув, ким ҳаяжон, ким қизиқиш билан она табиатга қўшилиб кетди. Нимага бундай бўлди? Шамол қаердан пайдо бўлди? Булутчи? Чақмоқчи? Нимага ҳаво тездан совуб кетди? Ҳавода қандайдир бошқача ҳид бор? Буларни ўрганиш фан эмасми! Еки бўлмасам шамолнинг тезлигини ўлчаш, ҳавога неча юз минг тонна чанг кўтарилишини ҳисоблаш, ёмғир миқдорини, тузлик даражасини аниқлаш, чақмоққа қараб нур тезлигини, момақалдироқни эшитиб овоз тезлигини билиб олиш... Ахир булар бутун бошли лаборатория ишларику. Бундай табиий ҳолатлар ва у билан боғлиқ танишувдан кейин мактабда бошқа дарс ўтмаслик керак. Табиатдек қўзғалиб, жунбишга келган ҳиссиётлар аввало табиатнинг ўзидек тиниши, совуши, осойишталикка қайтиши керак. Ана ундан кейин ўтиладиган дарслар бола онгига қумга сингандек сингиб бораверади.

— Қайдамов,— дейди **Муҳаррам БОБОЕВА,**— мен учун хаёлотга ўхшайди бу гаплар. Биз ўрта мактабда ўқиб юрганимизда геометрия ўқитувчимиз кўпинча шундай қиларди. Биз машғулотларни ташқарида ўтардик. Чизма-чизиқларни ерга чизардик. Дарахтларга қараб учбурчакларнинг бурчагини аниқлардик. Жуда қизиқ бўларди. Ўзим ҳам ўқитувчи бўлгач шундай қилмоқчи бўлдим. Аммо «қирқ беш минутлик дарсни ҳаром қилма» деган танбеҳ билан бу шаштдан қайтдим.

— Ўқитувчининг шаштини кесишдан ёмони йўқ,— суҳбатга қўшилади **Диля ҲАЙДАРОВА.**— Бир куни дарсга кирсам ўқувчиларнинг руҳи паст, чарчашган, сездимки, менинг гапларим деворга урилган нўхотдек ўзимга қайтиши аниқ. Дарс ўтадиган бўлсам баттар чарчашади. Мендан кейинги ўқитувчиям кўзлаган мақсадига эришолмайди. Дабдурустдан тилимга мана шу гаплар келиб қолди: «Сизларга қўшиқ айтиб берайми болалар?» Ўқувчилар ишонмагандек ғалати қилиб қараб қўйишди. Эшикни зичлаб ёпдимда, ўзим хиргойи қилиб юрган узоқ бир қўшиқни паст оҳангда бошлаб юбордим. Ўқувчилар кутилмаган ғайритабиий бу ҳолатдан қотиб қолишди. Ахир қайси ўқитувчи дарсда ўз ўқувчиларига ашула айтиб беради? Яна рус тили ўқитувчиси! Ўқитувчи жаҳлдор бўлмасаям сиёсатли бўлиши керак. Бўлмаса обрўсини кетказиб қўяди. Кечирасизу, мен мана шунақа бўлмағур чегараланишлар тарбиянинг заволи деган бўлардим. Ўқитувчи қўшиқ айтадими, рақсга тушадими ўз дарсини боғда, тоғда, томда ўтадими, болага билим бериши керак. Аммо менинг бу қўшиқ айтишим ҳам юқоридаги ўқитувчининг кунига тушди. Завучдан яхшигина танбеҳ эшитиб олдим.

қонини тўкиш у ёқда турсин, чумолига ҳам озор беришмаган. Ўғрилик деган нарсалар, эшикка қулф тушиш деган нарсалар бўлмаган. Демак, ота-боболаримиз бизнинг иборамиз билан айтганда юксак маданиятли бўлганлар. Маданиятга эса фақат саводхонлик билангина эришилади. Менга қолса бундан буён ҳар бир дарсни ўша ўтмиш маданиятимизни ташвиқот қилишдан бошлардим. Биз таълим ва тарбия деган сўзни кўп гапирамиз. Аксинча, тарбия ва таълим дейишимиз керак. Ҳа, тарбия таълимдан бир қадам олдин юриши керак.

— Бир хилда дарс программасини кўриб ёниб кетасан киши,— дейди **Бурхон НИҒМОНОВ.**— Республикамизда экология чирсиллаб турган бир пайтда у ҳақда маълумот бериш учун беш соатгина вақт ажратилган. Эллик соат, ҳатто беш юз соат ҳам камлик қилади, деган бўлардим менга қолса.

— Маорифимизда тушуниб бўлмайдиган жумбоқлар жудаям кўп,— дейди **Гўзал ПЎЛАТОВА,**— бир қарасанг шундай-шундай қилиш керак, деб буюришади, хўп деб ишга киришай десанг, қўлинг боғлиқ эканлигини сезиб қоласан. Мана мактабимизга компьютер олиб келинди. Болаларда қизиқиш жуда катта. Аммо ҳафтасига бир соат дарс. У ҳафта билан бу ҳафта оралиғида ўқувчи ўрганганини ҳам эсидан чиқариб қўйяпти. Мен компьютер машинасини бекор туриб қолганига ачинаман. Қайсидир фанлар ҳисобига бу дарсни кўпайтириш керак ахир.

Ниҳоят суҳбатимизга ўқувчилар қўшилишади:

Шерзод АЗИМОВ — Мен ўн йил ўқидим. Тарихдан Жанна д'Аркни, Спартакни, Пугачёвни, Суворовни яхши биламан. Лекин бобомиз Амир Темирни, Бобурни, Муқаннани, Берунийни, яна қанчадан-қанча ўзбек алломаларини билмай кетяпман. Шунинг учун рози эмасман.

Барно ЭГАМБЕРДИЕВА:— Лаборатория машғулотлари билан боғлиқ фанларда биз фақат назарий билим оламиз. Ўқитувчимиз химиявий реакцияларни бир марта кўрсатиб беради. Ўзимиз уни мустақил такрорлай олмаймиз. Сабаби — химикатлар, приборлар етишмайди. Бунақа номигагина ўқишни кимга фойдаси бор?

Нилуфар КАМОЛОВА:— Ҳисоблаш машинасидаги ҳарфларни ўзбекчалаштириш ҳақида ҳам ўйлаш керак. Бу анча қийинчилик пайдо қиляпти бизга.

Насиба ИСМОИЛОВА:— Шерзод тарихдан кўпгина тарихий шахсларни билмай кетаётганлигини айтди. Мен худди шу гапни адабиёт бўйича ҳам айтмоқчи эдим. Бобомиз Алишер Навоий ўз давридаги беш юзта шоиру, илм эгалари ҳақида маълумот беради. Ундан кейин яна қанча-қанча илм эгалари ўтган. Ҳеч ким билмайди.

Мухлиса ИСМОИЛОВА:— Биология ўқитувчимиз Йўлдош ака зоология, биология, география дарслари бир кунда ўтилишини, шу кунги машғулотлар синфда эмас, ташқарида бўлишини орзу қилиб кўп гапирадилар. Лекин гап гаплигича қоляпти. Ҳеч ким бу ҳақда бош қотирмайди. Бир кун синф «тузоғ»идан қутилсак бизга ҳам яхшику. Дарсларни шунақа қилиб жойлаштириш қийинми?

Шоҳиста АЗИЗОВА:— Туристик саёҳатларга чиқишни жудаям хоҳлаймиз. Путёвкаларнинг нархи эса осмонда. Болалар мактабда катта куч. Ишлайлик, ўз жамғармамиз бўлсин.

Абдуҳафиз ИСЛОМОВ:— Пул ва пулни сарф-ҳаражат қилиш, сув қувурларини улаш, электр асбобларини тузатиш, бўёқчилик, сувоқчилик дарслари бўлишини орзу қилардим.

Орзулар... Юқоридаги гаплар бир қараганда ҳа, орзугагина ўхшаб кетади. Аммо диққат қилинса уларда ҳақиқий ҳаёт яшаяпти. Мактабларимизда тарбия ва таълим ишларимиздан қачон ўз ўрнини топади улар? Наҳотки хаёлни ҳақиқатга кўчириш шунчалар душвор бўлса? Салгина жасорат, салгина қатъийлик, салгина ўзидан кечиш бўлса мактабларимизга тоза ҳаво кирмасмиди?

Ушбу суҳбатдан кейин орадан бир ҳафталарча вақт ўтди. Мактабдан бир варақ қоғоз олиб келиб беришди. Унда асосан Шерзоднинг норозилиги

мустақил ўрганишлари керак. Бунга улар рози бўлишди. Нафақат рози бўлишди, шартнома тузиб, ваъда ҳам беришди. Энди мен ёз бўйи 18—20 соат дарс учун материаллар тўплайман».

Биз юқорида дадиллик, ўзидан кечиш деганда мана шунақа қарорни кутган эдик. Хўш, бошқа фанлардан ҳам шунақа имкониятлар топиб бўлмасмикин? Тўғри, бу ерда оғирлик ўқитувчигаям, ўқувчигаям тушаяпти. Ўқувчи ўқитувчи обзор қиладиган темани мустақил ўрганади. Ўқитувчи қўшимча материал тўплайди. Куч ва вақт сарфлайди.

Бу гаплар бир қараганда чиндан ҳам хаёлпарастликка ўхшаб кетади.

Лекин энг яхши кашфиётларнинг бошланмаси хаёлпарастликдан бошланади. Инсоннинг энг яхши туйғулари, орзу-умидлари хаёлда пишади-да, кейин бамисоли соғлом гўдакдек туғилиб дунё кўради. Биз юқоридаги мушоҳадалар, орзу ва ўйларни янги ўқув йилида қанот ёзишига, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бу йўлдаги жасоратларига ишонгимиз келади.

Эркин МАЛИКОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУСТАҚИЛ ОДИМЛАР

Республиканинг марказидан олис районларда яшаётган комсомолларнинг турмуш тарзи билан танишгани борган мухбир эски анъаналарга мувофиқ намунали корхона, ҳунар-техника билим юрти ёки мактабларга таклиф этилади. Оқибатда қолоқ бошланғич комсомол ташкилотлари дабдабали шиор битилган алвон ортидаги вайронадек кўздан четда қолаверади. Андижон область Комсомолобод район комсомоллари ҳаётини ўрганиш, яхшики юқоридаги тартибда кечмади.

Район марказига келган киши турғунлик йилларида бунёд этилган шаҳар типидаги посёлка — Бўзнинг меъморий жиҳатдан «мукаммал»лигидан ҳайратга тушиши шубҳасиз. Андижон-Қўқон катта йўлининг икки четига чиройли ва кўп қаватли бинолар моҳирлик билан қурилганки, уларни кўрган одам «Бўз ҳам шаҳар бўлиб қолибди-я», деб хурсанд бўлади. Дабдабали бинолар ҳамда улкан шиор ортига ўтиб ҳақиқий шароитнинг гувоҳи бўласиз: халқ қандай жиҳозланган уйларда яшаяпти ва қанақа кўчаларда юрибди.

Район комсомол комитети секретари Сирожиддин Холдавлатов ҳамроҳлигида иморатлар соясидаги қишлоқларни оралаб юрар эканмиз, бу ердаги комсомоллар съездларда, пленумларда сўзланган нутқларни тинглаб ҳар доимгидай бош иргаб, маъқуллаб қўяверганликларини тасаввур этдим.

Беқарорлик

Районда 13326 комомол аъзоси бўлиб улардан 7014 таси мактаб ўқитувчиси ва ўқувчиларидан иборат. Албатта, бу ердаги ўсмир ёшлар ҳам республика бошқа районларидаги тенгдошлари сингари қишлоқ хўжалиги ишларида фаол қатнашишни ўзларининг бурчлари деб билишади. Чунки уч-тўрт йил аввал пахта далаларига мактаб комсомол ташкилоти ва дирекция ташаббуси, талабига биноан чиқишган бўлса, энди ота-оналари жалб этишяпти. Биринчидан, ҳар бир оилада мактаб ўқувчисининг иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашига кўникиб қолинган. Иккинчидан, ота-она олти-еттита фарзандини боқиши ва кийинтиришини ҳозирги қишлоқ шароитида тасаввур қилиш ҳам қийин. Аммо болаларнинг катталар қатори далада ишлашлари ва бир хил иш ҳақи олишлари социалистик қонунга зиддир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1984 йил 12 апрелида қабул қилган «Ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси ҳамда касбга йўналтирилишини яхшилаш ва ижтимоий фойдали ишлаб чиқаришдаги меҳнатини ташкил этиш ҳақида»ги қарори амалга оширилганида қишлоқдаги мактаб муаммоларининг биттаси ҳал этилган бўларди.

Бу қарорга асосан,— дейди Сирожиддин Хондавлатов,— 1988 йили районимиздаги 46 мактабдан ўнтасидагина ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари тузишга эришдик. Тўртта пахтачилик, учта пилла-чилик, биттадан боғдорчилик, маккачилик ва сабзавотчилик бригадаларида ўқувчилар яхши ҳосил етиштиришди. Лекин оилавий звено ва пудрат усули кенг тарқалиши оқибатида кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларини балоғат ёшига етмай туриб ўз ерларида ортиқча ишлатишяпти. 1987 йили район комсомол комитети ва район прокуратураси биргаликдан пахта далаларида рейд ўтказиб, бундай ҳолларга чек қўйиш учун тегишли чоралар кўрганди. 1988 йилда яна бу ҳодиса такрорланди. Чунки Мирзаахмедов номли, «В. И. Ленин 100 йиллиги», Дўстлик, «Комсомол» каби совхоз раҳбарлари ўқувчилар учун ер ажратиб беришни тўғридан-тўғри рад этишгани сабаб, ўнга яқин мактабда ўқув-ишлаб чиқариш бригадалари тузилмай қолиб кетди. 1988 йил ноябрда, Комсомолобод район партия конференциясида ҳар бир мактабда шундай бригада ташкил этиш ғояси илгари сурилди. Балки масъул раҳбарлар энди ташаббусни қўллаб-қувватлашар?!

Бу борадаги асосий муаммо — ўқув ишлаб чиқариш бригадаларининг колхоз-совхозлар структурасига киритилмаганлиги сабаб ҳанузгача бригадалар иш ташкил этилишининг мазмунига кўра тўла мустақилликка эга эмас. Натижада мактаб ва хўжаликлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келаверади. Қишлоқларда ўқув-ишлаб чиқариш бригадалари хилма-хиллиги ниҳоятда чекланган, дейиш қийин.

Тўғри, завод, фабрикалар йўқ. Бироқ район соғлиқни сақлаш бўлими, чорвачилик фермалари, турли корхоналар ва ташкилотлар билан яқиндан алоқа ўрнатиш ВЛКСМ XX съездининг резолюцияларида таъкидланган фикрларига мувофиқдир. «Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари йил бўйи ишлаш жараёнига ўтказилиб, янада ривожлантирилиши таъминлансин, ўқувчилар база-корхона структурасидаги мактаб заводлари учун стационар, меҳнат ва дам олиш лагерлари барпо этишга кўмаклашилсин» (174 бет).

Аммо бу борада республикамиз қишлоқларидаги бошланғич комсомол ташкилотлари ҳам, корхона, муассасаларининг раҳбарлари ҳам ўйлаб кўришганича йўқ. Ўқув-ишлаб чиқариш бригадалари фақат қишлоқ хўжалиги соҳасидагина тузиляпти, холос.

«Ким ишлайди, ким...»

Бир неча йиллардан буён республикамиз ёшларининг ҳарбий хизматга тайёр эмаслиги қайта-қайта таъкидланяпти. Комсомолобод район комсомол комитети бу камчиликни бартараф этиш учун анчамунча режалар тузиб, иш бошлади. Бироқ...

Ўтган йили май ойида область комсомол комитети топшириғига биноан Совет Армияси сафига чақирилган ёшларни хизматни ўташ жойларига қадар кузатиб бордим ва ҳақиқий аҳволнинг гувоҳи бўлдим,— дейди Сирожиддин.— Бизнинг эшелонда Наманган, Тошкент ва Гулистондан ҳам кўпгина ёшлар бор эди. Ҳақиқатан, ёшларимизнинг кўп қисми жисмонан етук эмас ва рус тилини яхши билишмайди. Ҳарбий командирларнинг таъкидлашича, юртдошларимиз икки йил мобайнида катта қийинчиликларни бошидан кечирмоқдалар. Бунга ким сабабчи? Ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Биров ўрта мактабда рус тили ўқитиш савияси паст деса, кимдир ҳарбий таълим қониқарли эмас, кимдир комсомол комитети ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда кўнгилдагидек ишламаяпти, дейди. Аслидачи, аҳволнинг шу даражага етишида ҳамма айбдор. Масъулиятни кимнингдир елкасига ошириб қўйиш нотўғри. Биз ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашни такомиллаштириш юзасидан ҳарбий-ватанпарварлик клублари тузишни мақбул топдик. 1988 йили Маяковский номли 5-ўрта мактабда «Ватанпарвар», 24-ўрта ҳунар-техника билим юртида «Самбочи» клублари ташкил этилди, ягона форма ва методик қўлланма билан таъминланди.

Тажрибали спортчилар Я. Туманов ва А. Тўхтасинов ҳеч қандай иш ҳақисиз ёшларга рус тили ва спорт сирларини ўргатишмоқда. Агарда уларга маълум миқдорда маош белгиланганида, мазкур ташаббус бутун область, республика миқёсида оммалашиб кетар эди. РСФСР ва бошқа республикалардаги шу каби клуб раҳбарлари моддий рағбатлантирилади, бизда эса ҳозирча комсомол топшириғи сифатида иш юритилмоқда. Ахир иш қилмай нон еётганлар озми?

Сирожиддиннинг гаплари тўғри. Меҳнатсиз даромад олаётганларни шу районнинг ўзидаёқ учратиш мумкин. Ҳар бир колхоз, совхоз, касаба союз комитети қошида ўсмирлар клуби раҳбари штати бор экан. Бироқ қишлоқ ёшлари ўзларининг шундай «ҳомий»лари борлигидан бутунлай бехабарлар. «Оқ олтин», «Партия XXIV съезди», «Комсомол» совхозларининг касаба союз комитети қошидаги ўсмирлар клуби ходими ўз вазифаси нималардан иборатлигини ҳам билмайди.

Шунданми, баъзи колхоз-совхозлардаги раҳбарият ўттиз фоизга қисқартилсада, иш аввалгидек давом этяпти. Афсуски, юқори касаба союз органлари ўсмирлар клуби штатли ходимини белгилайдилару, бироқ назоратни унутиб қўйишади.

Конкурслар, конкурслар...

Райондаги 14-ўрта мактабнинг пионер ва комсомоллари район миқёсида иншолар конкурси уюштириш ташаббуси билан чиқишди. Бу, шубҳасиз, бошқа мактаблар ўқувчилари томонидан қўллаб-қувватланди ва «Комсомолобод тонги» район газетасида конкурс шартлари, тахминий анкета саволлари эълон қилинди. Район комсомол комитети бу таклифга ўзига хос ҳайрихоҳлик ила ёндошди. Ғолибларга Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар таъсис этилди. Асосийси, конкурс давомида мустақил фикрли комсомол ёшлар аниқланиб, район комсомол комитети қошида «Ошкора мулоқот маркази» аъзоларини саралаш режаси тузилди. Бу ерда бугунги қишлоқ ёшларининг олдида турган турфа муаммоларни қай тарзда бартараф этиш хусусида баҳс-мунозара ўтказадилар, мустақил фикрлашни ўрганадилар.

Шунингдек, республикамизнинг турли тарафларида яшаётган ўқувчилар ўз қишлоқлари, районлари тарихини, ўша жойда илк бор комсомол ячейкаларини ташкил этган биринчи қалдирғочлар ҳаётига оид воқеаларни ўрганишлари ва шундай мавзулардаги конкурслар уюштирилиши ҳам болаларда оталар юртига меҳр-муҳаббат уйғотади.

Афсуски, кўп ўқувчилар юртимиз тарихини яхши билмаганликлари устига-устак, ҳатто, ўз қишлоқларнинг нега шундай аталиши сингари оддий тарихий ҳодисалардан бехабарлар.

Комсомолободдаги 18-ўрта мактабда «Ёшлик» болалар қўғирчоқ театри ташкил этилганидан буён икки йилдан зиёд вақт ўтди. Санъат ихлосмандлари бошланғич комсомол ташкилоти раҳбарлигида ўзлари маблағ йиғиб қўғирчоқлар ва техника асбобускуналари сотиб олишганди. Улар тез орада болалар боғчалари, санаторийлари ва мактаблардаги жажжи томошабинларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлдилар. Аммо на район халқ таълими бўлими, на бошқа бирор масъул раҳбарлар қўғирчоқ театри коллективига ёрдам кўрсатишди. Мабодо область марказида ёки қўшни районда бирон тадбир ўтказилгудек бўлса, албатта алоҳида автобус ажратиб, «Ёшлик» ўша ерга олиб борилади ва баъзи раҳбарлар текин раҳматни эшитиб қайтишади. Ёрдамга келганда эса... Худди шу мактабда тузилган юқори синф ўқувчиларининг «Наргис» ашула ва рақс ҳаваскорлари ансамблининг аҳволи ҳам ачинарли. Улар концерт беришдан аввал район Маданият уйидан рақ̆қосалар кийим-бошларини вақтинчаликка олиб туришади. Санъатларидан баҳраманд бўлаётган айрим раҳбарларнинг қулайлик яратишларидан улар умидларини узиб қўйишган. «Ёш ленинчи» номли 6-ўрта мактаб комсомоллари амалга ошираётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Улар район комсомол комитети томонидан ўтказилган «Тежамкорлик — коммунистик ҳислат» мавзуидаги плакатлар конкурсида фахрли биринчи, 11-ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари иккинчи ўринни эгалладилар. Сараланган тўртта плакат область конкурсига юборилди. Асосийси, истеъдодли мўйқалам усталари кашф этилди.

Умуман, райондаги мактабларда мустақил ва ижодий фикрлашга интилувчи ўқувчилар кўпчиликни ташкил қилади. Район миқёсида турли мавзуларда ўтказилаётган конкурслар шундай ўқувчиларнинг мактабдаги нисбатан тор муҳитни ёриб чиқишга, ҳамфикр дўстлар орттиришларига кўмак бўлаётгани қувончлидир. Бироқ қишлоқ мактабларидаги шароитнинг ёмонлиги, шунингдек, ВЛКСМ XX съездида таъкидлаб ўтилгандек «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисидаги гап-сўзлар билан ўзимизни аллалаб ўтирмаймиз. Тўғрисини айтсак, бугунги кунда ислоҳот ҳозирча жойидан жилмай турибди». Шу сабаб юзлаб истеъдодли болалар мактаб партасиданоқ орзу-умидларини унутиб қўйишяпти. Мактабда билимга чанқоқлик ва меҳнатсеварлик, ижодийлик муҳити яратилмай қоляпти. Ташаббускорларнинг барчаси ҳам рағбатлантирилмаётир.

Ҳумоюн АКБАРОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОРАДАН БИР ЯРИМ ЙИЛ ЎТДИ...

Ёдингизда бўлса, «Ёш куч»нинг 1988 йил февраль сонида «Техникум директорининг ташвишлари» деган мақола босилган эди. Унда Сирдарё область, Оқолтин район Сардоба посёлкасидаги Гидромелиорация техникумида ўқув-таълим ишларини янада яхшилаш йўлида учраётган қийинчиликлар ҳақида фикр юритилганди. Мана, орадан бир ярим йил вақт ўтди. Шу ўтган давр ичида мақолада кўтарилган муаммолар ҳал қилиндими! Биз бу ҳақда гапириб беришни шу техникум директори Евқочди Ҳайдаровдан сўрадик.

Гапнинг очиғини айтсам, ҳеч қачон мен янги ўқув йилини бу йилчалик бетоқатлик билан кутмаган эдим. Ие, дейман ўзимга ўзим, шу даргоҳда йигирма йилдан буён ишлаётган бўлсам, нега бунча ҳаяжонланаман? Лекин ўқув йилини бетоқатлик билан кутаётган биргина мен эмасдим. Талабаларимизнинг ҳам, педагогларимизнинг ҳам фикри-зикри ҳадемай бошланадиган ўқув йилида, далада етилаётган ҳосилимиз-да. Ана энди сирни очай: ўтган йили техникум тарихида биринчи марта махсус ўқув хўжалигида амалий машғулотлар олиб бордик ва деҳқончилик қилдик. Шунинг учун ҳам, аввало, бу имкониятни яратиб бергани учун «Ёш куч»га раҳмат деймиз, чунки бизни кўпдан бери қийнаб келган муаммо — ер муаммоси мақола журналда босилиб чиққач, ниҳоят, ижобий ҳал бўлди. Район ижрокоми техникум учун II гектар ер ажратиб берди. Энди савол туғилади: Хўш, ер техникумга нимага керак эди? Модомики гап ер ҳақида кетар экан, сизларга уч-тўрт йил олдин бўлиб ўтган бир воқеани гапириб берай. Бир куни техникумга зардали хат келди. Хат муаллифи техникумни битириб чиқиб кетган бир ёш мутахассиснинг ўзига топширилган ишнинг уддасидан чиқа олмаётганини айтиб, бизнинг шаънимизга аччиқ таъна тошларини отибди.

Бундай хатлар олиш ёқимсиз албатта. Лекин илож қанча. Суриштирдик, бордик, ўргандик. Биласизми, ўша мутахассис техникумда анча дуруст ўқиган экан. Гап шундаки, яхши ўқишга ўқигану, аммо амалий ишларда кўзи пишмаган экан. Бунга ким айбдор? Ким бўларди: биз, албатта. Лекин...

Лекин бу камчиликнинг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бор. Мен бу сабаблар ҳақида гапиришдан олдин техникумимизда қандай мутахассисликлар тайёрлашимизни икки оғиз айтиб ўтай. Бизда жумладан ерни мелиоратив ҳолатини яхшилаб ҳосилдорликни оширишга ёрдам берадиган, қишлоқ хўжалигини механизациялаштирадиган, қишлоқ хўжалиги саноати ва ходимлари учун иморатлар барпо этадиган қурувчилар тайёрланади. Республикамиз ер майдонининг мелиоратив ҳолати кўпчиликка маълум. Унинг катта қисми «даволаниш»га муҳтож. Шундай бўлгач, техникумимизда тайёрланган кадрларга эҳтиёж катта. Демак, бизнинг вазифамиз талабга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар етказиб бериш. Бунинг учун эса бой моддий база лозим. Айни мана шу масалада биз яқингача жиддий оқсаб келаётган эдик. Ахир ер илмини ўрганаётган талабалар ўқиш, ўрганиши учун ўқув-тажриба ер участкаси бўлиши керак-ку. У эса йўқ эди. Бир йилда бир-икки марта бўладиган ишлаб чиқариш практикаси билангина бу муаммони ҳал қилиш қийин. Шунинг учун ҳам амалий иш, яъни практика биз талаб қилганимиздек ўтмаётганидан кўнглимиз тўлмаётган эди. Бу ишнинг оқибати юқорида айтиб ўтганимиздек зардали хат билан тугади. У гарчи аччиқ бўлсада, бизга туртки берди. Олма пиш, оғзимга туш деб қўл қовуштириб туриш билан иш битмаслигига ишонч ҳосил қилдик ва ер ажратиб беришларини сўраб мутасадди ташкилотларга қайта-қайта мурожаат қила бошладик. «Ёш куч» мухбирига ҳам айни ўша пайтда дардимизни айтгандик.

Агар ер беришса бизга ҳам, бизга ер берган хўжаликка ҳам фойдали бўлишини ҳисоб-китоблар билан исботладик. Биз, биринчидан, мутахассис тайёрлашда сифат жиҳатдан ўзгариш бўлишига эришамиз, ўқувчиларнинг кўзи пишади, хўжалик эса ишчи кучи, техника ва ёқилғидан бошқа участкаларда фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Хуллас, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий манфаат кўрамиз.

Шунинг учун ўтган йили район раҳбарлари:

— Ер берсак, ҳосил чўғи қанақа бўлади деб сўраганда.

— Совхоз олиб келган ҳосилдан кўп бўлса бўладики, кам бўлмайди,— дедик биз.

Ўқиш, ўқитиш ишларидан қониқмаслигимизнинг, юқори малакали мутахассислар етказиб беришда гоҳо қоқилаётганимизнинг яна бир жиддий сабаби бор. Урни келиб қолди, шу ҳакда ҳам қисқача тўхталмоқчиман.

Маълумки, фан-техника бир жойда тўхтаб турмайди. У ҳамиша ўсишда, ривожланишда. Биз, педагоглар эса талабаларга фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида таълим беришимиз керак. Ана шундагина ёш мутахассис ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топиб, ҳар қандай вазифани уддасидан чиқа оладиган бўлади. Хўш, бугунги ўқув тарбия ишларимизга худди шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, мамнуният ҳис қиламизми? Йўқ. Биз гўё ёш мутахассисларни эртанги кун учун эмас, кечаги кун учун тайёрлаётганга ўхшаймиз. Мана ўзингиз ўйланг: мутахассисликлар бўйича мавжуд дарсликлар одатда корхоналарда ўн йиллар давомида фойдаланиб келинаётган иш усули ва технологияни ўзида мужассам этади. Амалий ишлар умумлашаётган, программа ва дарсликлар яратилаётган пайтда фан-техника фикри анча илгарилаб кетади. Оқибатда техникумни битириб ишлаб чиқаришга борган собиқ талаба янги илғор технология бўйича ишлашга бошқатдан тайёргарлик кўришга мажбур. Бунинг устига унда ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишда мустақиллик, қатъийлик етишмаса иш чатоқ деяверинг. Бундай вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — фан ва амалиётда эришилган энг янги ютуқларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этган ҳолда ўрганиш керак. Техникум учун ер ажратиб берилганлиги ўқув жараёнини ана шу тарзда қайта қуриш имконини берди. Бироқ бунинг учун жуда чуқур томир отиб кетган инструкциялар чангалзорини ёриб, синдириб ўтиш лозим экан. Республика сув хўжалиги давлат комитетидаги масъул ўртоқларнинг ёрдами билан бу мушкул вазифанинг уддасидан чиқдик.

Энди ўқув жараёнини қандай қайта қурганимиз ҳақида. Таълимнинг I ва II курслари жараёнини ўзгаришсиз қолдирдик. Яъни 8- синф ҳажмида ўқиб техникумга ўқишга келганлар I курсда асосан умумтаълим фанларини ўқийдилар. Урта мактабни тугатиб келган талабалар II курсда асосан умумтехникавий ва касбга яқин бўлган фанларни ўқиб-ўрганадилар. Улар техникумдаги устахоналар ва лаборатория кабинетларидаги, гидротехник лаборатория корпусидаги жиҳозлардан фойдаланиб III курсда ўтиш керак бўлган практикага малака ҳосил қиладилар. Назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаб борадилар. Бу борада ўқитувчилардан К. Пак, Р. Намова, С. Норинов, Р. Юсупов, Э. Юнусов, Д. Усмонов, Б. Сапаров, М. Гаген ва бошқа ўқитувчилар жонбозлик кўрсатишди.

III курсдан бошлаб то битиргунга қадар талабалар қайта ишланган ўқув плани асосида шуғулланадилар. Бу машғулотлар бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ўтказилади. Буларга жумладан нормалаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация ишлари, қурилиш ишлаб чиқариши ва бошқа касбларни ўрганувчи группалар киради. Бунда барча экиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (пахта, пиёз, карам, ерёнғоқ)нинг экиш олди ишлари, экиш ишлари, ишлов бериш даври, суғориш даври, ҳосилни йиғиштириб олиш, ташиш, экиндан бўшаган ерларга ишлов бериш ишларининг муддатлари аниқланди. Аниқланган муддат бўйича группалар ўқув хўжалигида практика ўтадилар. Практика ўтиш жараёнида (бутун ўқув йили давомида) барча мутахассислар ўз касбларига қараб ишларини бажарадилар. Масалан, ерни ҳайдайдилар планлаштирувчилар ёрдамида ерни текислайдилар, ерга яхоб суви берадилар ва ҳоказолар.

Ўқув жараёнини рационал ташкил қилиш учун группаларни иккита кичик группаларга бўлдик. Ҳар бир икки звенодан иборат кичик группа эса участкада нормалаш, технология, хавфсизлик техникаси, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, қурилиш экономикаси группаларидан бирини ташкил қилади. Ўқувчиларнинг бир қисми ишлаб чиқариш ишлари зонасида бўлади — ишчи касбларини эгаллайдилар. Фанларнинг ўрганилишига қараб кичик группалар ўқув графигига кўра хизматларни алмаштирадилар. Шундай қилиб, ҳар бир кичик группа маълум вақт фақат битта фанни ўрганади. Группаларни кичик группаларга бўлиш муносабати билан ўқув планига қўшимча вақт талаб қилинмади. Гап шундаки, участкада таълим методикаси ҳам ўзгарган эди. Ўқитувчилар ишчи программаларни шундай ишлаб чиқдиларки, бунда ўқув вақтининг ярми ўқувчиларнинг мустақил ишларига, қолгани эса ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида ишлашлари учун ажратилди.

Ўқувчилар таълимнинг бундай шаклини яхши қабул қилдилар, у ҳақда, гарчи бундай шароитларда ишлаш уларга мураккаброқ бўлсада, ижобий фикр билдиришмоқдалар.

Хўш, кўрилган бу тадбирлар қандай самара берди. Биринчидан, талабалар ҳамма имтиҳон ва зачётларни муваффақиятли топширдилар. Шу қисқа вақт ичидаёқ уларнинг билими ва кўникмаларида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бунинг сабаби шуки, ўқув тарбия ишларида назария ва амалиётнинг бирлиги таъминланди. Масалан, ўқитувчи ўқув хўжалигида талабага конкрет ишни бажаришни топширди. Агар талаба топширикни қандай бажаришни билмаса, у ҳолда ўқитувчи буни дарҳол шу ернинг ўзида кўрсатади, тушинтиради. Бу талаба хотирасига қаттиқ ўрнашиб қоларкан.

Аудитория машғулотларида эса бунга эришиш қийин.

Юқорида айтилганлардан техникумимизда ҳамма ишлар силлиққина бораяпти экан, деган тасаввурга бормаслик керак. Ҳали қийинчиликларимиз кўп. Лекин биринчи қадам қўйилди. Ўйлаймизки, мутахассислар тайёрлашнинг бундай формаси анча истиқболлидир. Шундай экан бизнинг тажрибамиз бошқа ўқув юртларининг раҳбарларини, талабаларини ҳам қизиқтириб қолса ажаб эмас.

Евқочди ҲАЙДАРОВ,
техника фанлари кандидати, Сирдарё область, Оқолтин районидаги Гидромелиорация техникумининг директори.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз ушбу мақолани журналда эълон қилар эканмиз, республикамиздаги бошқа ўқув юртларининг талабалари, педагоглари мақолада илгари сурилган муаммолар ҳақида фикр билдиришларини, ўқув юртларидаги ўқув-таълим жараёни қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида ўз тажрибалари билан ўртоқлашишларини сўраймиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАТОРТОЛГА МАКТУБЛАР

Додимизни кимга айтамиз...

Салом редакция! Сизларга бу хатни ёзишимдан мақсад уйимиз ёнидан ўтувчи Булунғур каналига Россия совхозида жойлашган чўчқахонанинг «шарбат»лари оқизилишидир. Бу аҳвол шу йил февраль ойининг дастлабки кунларидан бошланди. Бу ахир тоза сувни булғаш-ку! «Шарбат»лар фақатгина сувни булғабгина қолмай, одамларни «ич терлама» касалига ҳам йўлиқтиряпти. Одамлар азалдан Булунғур сувидан ичишарди. Наҳотки буни Россия совхозидаги чўчқахона мудирлари, совхоз раҳбарлари билишмаса, бунинг олдини олишмаса?.. Бизнинг қишлоққа ҳалигача водопровод келмаган. Одамлар шу каналдан сув ичмоқда. Врачлар бу сувни текширишгач, уни ичишни таъқиқлаб қўйди. Энди қишлоққа тракторда бир кунда бир марта сув келтирилмоқда. Мен хатим орқали «Еш куч»имдан мадад сўрайман! Аҳволимиз оғир, агар ёрдам бермасанг бундан ҳам баттар бўлиши мумкин.

Булунғур район «Красногвардейск» совхозида яшовчи аҳоли номидан
Шавкат ИСМОИЛОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Муаммони бартараф қилиш учун район ва хўжалик раҳбарлари осонгина йўл топишибди. Акс ҳолда улар каналдан сув ичишни таъқиқлаш ўрнига, водопровод қурилишини пайсалга солмай, чўчқахона шарбатларини бошқа жойга оқизишган бўлармиди. Е «каналдан сув ичиш таъқиқланган»лигини тушунмайдиган ёш болаларни касалликларга гирифтор этиш район раҳбарларига «керак»микин?.. Биз мазкур саволларга улардан жавоб кутиб қоламиз.

Коммунизмни ким қуради?

Мен яқинда «Еш куч» журналида «Турғунлик йилларининг асоратлари» номли мақолани ўқиб қолдим. Мақолада ТошМИ студентлари пахта давридаги қийинчиликларини ёзишган экан. Уни ўқиб таажжубландим. Ўша турғунлик йилларидаги студентларни ҳеч тасаввур қилолмадим. Нормани бажармаган студентларни ярим тунгача ишлатишса, трактор чироқлари ёруғида пахта теришга мажбурлашса-ю, улар ломмим дейишолмаган бўлса?... Қизиқ, ўша пайтларда талабаларни пахтада зириллатган ўқитувчилар ҳозир ўқитувчилик қилиб юришибдимикин? Наҳотки уларнинг виждони қийналмаса? ТошМИ студентлари айтган сўзларни ўқиб «олдинроқ қаерда эдинглар» дегим келади. Институтни тугатмай туриб шу сўзларни айтса бўларди. Улар эса институтдан ҳайдалиб кетишдан қўрқишган. Ҳақиқатни айтишдан чўчимаслик керак. Мен ҳунар-техника билим юртини тугатиб Тошкентдаги педагогика институтига кириш имтиҳонларини топширдим. Лекин омадим чопмади. Мана 10 ой бўлибдики, ишламайман. Сабаби — ҳеч жойда иш йўқ. Биз томонда менга ўхшаб ҳунар-техника билим юртини тугатганларнинг ҳаммаси ишсиз, десам адашмасман. Ахир биз қачонгача ишсиз юрамиз? Биз ҳам ўқишимиз керак. Ўқиш учун бирон-бир ташкилотда ишлашимиз керак. Институтлар таниш-билиш эди, энди ишга кириш ҳам таниш-билиш бўлса... у ҳолда бизга ўхшаганлар ишсиз, ўқишсиз юраверадими? Бу тартибсизликларга қачон чек қўйилади? Сиз ёшлар коммунизм қурасизлар, дейишганди. Ишсиз юраверсак коммунизмни ким қуради? 2000 йилга ҳам оз қолди. Аҳвол шу тарзда кетаверса, бизда ҳам чет эллардагидек ишсизлар урчиб кетмайдими?!

Ойсоат ҚОДИРОВА,
Сурхондарё область, Шеробод райони.

Дилдаги гаплар

Республикамизнинг севимли ёшлар журнали «Еш куч» саҳифаларида эълон қилинаётган дадил мақолалар, тилга олинаётган мавзулар бизни қувонтирмоқда. Қайта қуриш шарофати билан мана, турғунлик йиллари иллатларини, 37-йиллардаги репрессия қурбонларини, умуман ўз ўтмишимизни яхши билиб оляпмиз. «Еш куч»нинг ўтган сонларидан бирида «Тошкент гўзали» конкурси ҳақида Алижон ака исмли кишининг ёзганларини ўқиб жуда ҳайрон бўлдим. Бу акахонимиз журнал саҳифаларида қизларимизнинг чўмилиш либосида тушган расмларини эълон қилишга тиш-тирноқлари билан қарши чиқиб, бу ҳол шармандалик, миллий удумларимизга зид нарса, дебдилар. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Ахир бундай яланғоч расмлар киши кўзини қувонтириб, уларга эстетик завқ бағишлайди-ку. Иложи борича доимо журнал ва газеталарда шунақа суратларни чиқариб бориш керак! Ахир биз ёшлар шуни хоҳлаймиз-ку. Қачонгача миллийлик деб Европа санъати ҳаётидан орқада қолишимиз керак? Яна ўша акамиз «Тошкент гўзали», «Ўзбекистон маликаси» деган гўзаллик конкурсларини республикамиздан қатағон қилиш керак, дебдилар. Бунақанги нарсаларни хоҳламас экансиз, шоир таъбири билан айтганда гўзаллик конкурсини кўрсатаётган телевизорингизни ўчириб қўйинг, журналда гўзалларнинг сарвқомати тасвирланган расмлар чиққан бўлса ёпиб қўйинг, асабингизни бўғиб нима қиласиз. Сиз кўрмасангиз фарзандингиз кўриб завқлансин. Сиздақа тескари фикрлайдиганлар туфайли жаҳон маданиятидан орқада қолиб кетдик. Уят бўлсаям айтай, ёшларимиз ҳаттоки никоҳ кунигача жинсий ҳаёт ҳақида ҳеч нарса билмай ожизлик қилиб қолишмоқда умр йўлдошлари олдида.

Яна ҳаё, ибо, диёнат деб лоф урасиз. Гапнинг қисқаси ошкоралик замонасида бу каби ўткир муаммоларни матбуотда ёритиш керак. Токи ёшларимиз ҳаётда қоқилмасинлар.

Абдулла АҲМЕДОВ,
Термиз район
Октябрь 40 йиллиги колхози аъзоси.

Айб кимда?

Аёл тўғрисида ҳар балоларни гапириш, эркак кишига, йигит кишига хос нарса эмас.

XX аср инсоний қадр-қимматларнинг тубанлашуви даври ҳам бўлди, десак адашмаймиз. Мени бир фикр ўйлантиради. Аёлларимизнинг шу кейинги 20—30 йил ичида ўзгариб кетишига сабаб нима? Наҳотки «ожиза»ларимизнинг бошқа тусга кириб кетишига фақат кино, видео сабаб бўлса? Йўқ, бу масалага бир томонлама ёндошишдан бошқа нарса эмас. Бу ерда яна бир сабаб борки, у ҳақда ҳеч ким жўяли бир фикр билдирмаяпти.

Йигитларнинг ҳаммасига сочи узун, қоши қалин, атласга бутун жамолини буркаган аёл ёқадими, ёки уларга ҳам давр ўз таъсирини ўтказганми? Эҳтимол уларнинг бир қисми ҳам сочини қирқиб, юзини минг бир рангда чаплаб, «шайтоннинг кийимини» ўзига либос қилиб олган гўзалларга мафтун бўлар?..

Табиийки, уларни ҳам икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи хил гуруҳга кирувчи йигитлар Бобур ўз ғазалларида севиб куйлаган қизларни ёқласа, иккинчи хил тоифага «ҳозирги давр қизи — «Тошкент гўзаллари» ёқади.

Демак, «аёлнинг бузилишига» «тасаввури кенгайган» эркакларимизнинг талаб-эҳтиёжи ҳам сабабчи экан-да?.. Зеро аёлнинг барча хатти-ҳаракати, қилиқлари, ноз-карашмаси, одати, хуллас аёл жинси учун хос бўлган барча одатлари фақат бир нарсага — қандай бўлса ҳам эркакка ёқишга қаратилган бўлади-ку?! Бу абадий қонуният — эркак талаби, хоҳишига бўйсуниб аёл ўз ҳолатини ўзгартиради. Фақат эркаккина Аёлнинг бутун ишларини «бошқариб туради». Демак, айб кимда?!..

Мен ҳозирги кунда ўлкамизда «аёлларимизни тузатишга» нисбатан қўлланилаётган қўпол, разил чораларга қаршиман. Ўзбекчиликда аёл кишига бундай муносабатда бўлмайдилар. Бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас!

Б. ТЎХТАБОЕВ,
ТошДУ студенти.

Сарсонгарчиликнинг чеки борми?..

Баъзан шундай зерикиб кетасанки, тенгдошларинг, дўстларинг билан давра қуриб суҳбатлашгинг, чиройли кийиниб чароғон клубларда кино, концертлар томоша қилгинг келади. Аммо қани у нарсалар?

Қишлоғимизда талантли ёшлар кўп, аммо улар юзага чиқмай қолиб кетяпти. Қишлоғимизда кўп камчиликлар мавжуд. Масалан, хонадонлардаги телевизорлар «Ўзбекистон программалари»ни кўрсатмайди. Қишлоғимиз совхоз марказидан 15 км. узоқда жойлашган. Автобус йўқ, йўл ёмон. Биз талабалар дўстларимизни меҳмонга чақиришга уяламиз. Чунки меҳмонни пиёда шунча жойга олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Тўғри, совхоз қишлоғимизга машина қўйган — халқни олиб тушиб, олиб чиқиш учун. Лекин у кеч соат бешдан кейин юрмайди. Қишлоқ аҳолиси сут, гўшт етказиб, пилла қуртини боқиб берса-ю, лоақал автобусга ёлчимаса?.. Биз Тошкентда ўқиётган талабалар байрам кунлари уйга боргимиз келади, ота-онамиз бағрига. Шамолдек елиб югурамизу аммо кўпинча машинага ета олмай она сутимиз оғзимизга келади. Уйга пиёда кеч соат 9—10 ларда кириб борамиз.

Ота-оналаримизнинг бу ҳақда совхоз, район, область раҳбарларига қилган мурожаатлари фойда бермаяпти. Охирги нажот сендан «Еш куч»!

Шодиёр ХУРРАМОВ.
Самарқанд область Советобод район
Жом совхозидаги «Чўнқаймиш» қишлоғи.
Политехника институтининг 6-курс студенти.

Сиз бахтсиз эмассиз!..

Мен Севарахон ўрнида бўлганимда («Еш куч», 1989 йил, 1-сон), ўзимни жуда бахтли ҳис қилган бўлардим. Чунки мен бир бахтсиз қизман. Ўз уйимга сиғмай қолдим. Отам, опам, акам — укаларим мени сиғдирмай қўйишди. Ҳар куни улар «Эр топиб, тегиб кет» деб мен билан уриш қилишади. Энди 23 га кирдим. Лекин менга совчилар келмади, келмайди ҳам. Сабаби — мен дардисарман. Қўл-оёқларим, баданларим ола-була. Энди юзим ҳам оқариб бораяпти. Халқ тили билан айтганда «пес». Тақдир мени шунчалар кам қилиб яратган экан, айбим нима ахир?! Қани айтинглар-чи, шундай қизни ким ҳам оларди?! Ҳамма ҳам ёрининг гўзал бўлишини хоҳлайди! Севарахон! Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда ўша йигитга турмушга чиққан бўлардим. Ҳаётда ҳеч кимга керак эмаслигингни билиб яшаш қанчалар оғирлигини билсангиз эди...

Феруза К... Самарқандлик бахтсиз қиз

Пиянистанинг азоби бизга...

«Ҳурматли редакция! Мен учун дунё қоронғи. Ўзимни ўлдиришга тайёрман. Еки уйдан қочиб кетмоқчи бўлиб юрибман. Фақат оқ сут берган онамни, ука-сингилларимни ўйлаб бу ниятимдан қайтиб юрибман.

Бунга отамнинг ароқхўрлиги, ҳар куни

www.ziyouz.com kutubxonasi

маст бўлиб келиб онамни, биз қизларини калтаклаши сабаб. Нима қилай? Тезроқ маслаҳат беринглар. Дардимизга ким қулоқ солади?!

Фақат бир илтимос — исми-шарифимни, уй адресимни зинҳор ёзманглар».

Салом билан...»

РЕДАКЦИЯДАН: Бундай мазмундаги хатлар почтамизда талайгина йиғилиб қолди. Хўш, нима қилмоқ керак? Аҳвол — аён. Вазият таранг. Ёш қизалоқ ёки ўғил маслаҳатга муҳтож. Одатда бундай мактуб эгаларига (аксариси адрессиз келган) зудлик билан ёрдамга ошиқиш зарур. Бироқ хат муаллифи ўзининг ошкор бўлишини мутлақо истамайди. Маломатдан ва ҳоказо таъналардан чўчийди у.

Жавоб бермасак, хатларни ташлаб қўяверсак — виждон азобда қолади. Шу боис, бундай мактуб эгаларига айтадиган гапимиз шу: обрўли, ибратли қўни-қўшни, отахон-онахонлардан ёрдам, маслаҳат сўраб мурожаат қилинглар. Яқин қариндош-уруғларингга айтинглар. Шунда ҳам наф бўлмаса, начора, отангизнинг иш жойига, ҳатто милиция органларига ёзма шикоят хати ёзинглар. Ахир жони ачийдиган, ўзганинг ташвиши, дардига куюнадиган кишиларимиз ҳам йўқ эмаску!..

Қишлоқ — меҳнатнинг кони-ку?..

Ҳурматли «Ёш куч»! Биз ёрдамингга муҳтожмиз. Мана ёзги таътилимиз ҳам тугай деб қолди. Яқинда мактабга қайтамиз. Таътилда кўп тенгдошларимиз дам олиш учун лагерларга, тоғ бағирларига саёҳатларга чиқишгандир. Бизчи? Имтиҳонларни топшириб бўлганимиздан кейин кўрпа-ёстиғимиз билан далага — 16 кунлик меҳнат практикасини бажаришга борамиз. 16 кунлик меҳнат практикасини ўтаб уйимизга қайтганимизда ота-оналаримиз лагерларга юбормай далага чиқариб юборишади. Биз 16 кунлик меҳнат практикасини бажаришимиз шартми? Радио ҳамда газета-журналларда «ўқувчилар далага чиқарилмасин, биз бунга нуқта қўйдик» дейишади. Мактабимиздан биз ҳар йили пахта даласига чиқамиз. Ҳойнаҳой «об-ҳаво чатоқ келди» деган баҳона билан бу йил ҳам ўқувчилар пахтага чиқарилса керак.

«Ёш куч»! Биз сенинг ёрдамингга муҳтожмиз! Саволларимизга аниқ жавоб бер. Ёшлар ўлиб-тирилиб ишлайди-ю, уларга дам олиш, маданий савияларини ошириш учун шароит яратиб бериш ҳақида ҳеч ким жон куйдирмайди. Клуб, кинотеатрни қўя турайлик, қишлоғимизда лоақал почта йўқ. Хат ёзадиган бўлсак, қўшни қишлоққа бориб ташлаб келамиз. Бу аҳвол қачонгача давом этади? Биз ўқувчиларни 16 кунлик меҳнат практикасидан озод қилинглар, қишлоқларда шусиз ҳам ўқувчилар далада, оилада меҳнат тарбиясини ортиғи билан оляптилар!

Қашқадарё область Қарши районидаги
16-мактабнинг бир гуруҳ
8-синф ўқувчилари.

Қинғир ишнинг қийиғи...

Мен «Ёш куч»ни ўқисам ўқувчилик пайтларимни кўп эслайвераман. 1984—85-йиллар эди. Ўшанда биз 7-синфда ўқир эдик. Сентябрь келиши билан пахтага жўнардик. Биз болаларга 3 ой пахта тергизар эдилар. Муаллимларимиз Жаббор Эрназаров, Пўлат Ғойимов, Нарзулла Номозовлар 10-синф болаларига чўпонларнинг қўйидан ўғирлаб келишни буюрарди. Ўқувчилар мол ўғирлаб келиб, «эвазига» пахта термасдилар. Яъни, устозларимиз 7,8, 9-синф болалари терганидан 3—4 кило пахтани мол ўғирлаб келган болаларга ёзиб юборишарди. Кечқурунлари оз пахта терган болаларни кайфликда калтаклашарди. Кўпроқ ичиб қўйишган кунлари эса 10-синф болаларига «кучинг етганини ур» дердилар. Шунда мактабни битирувчилар — биз 7, 8, 9-синф ўқувчиларини муаллимларга ёқиш, яхши аттестат олиш илинжида роса урардилар. Нега ҳозир шундай тубан, виждонсиз муаллимларни суд қилмаймиз? Булар шундай лоқайдлик билан қолаверадими? Мен бундай муаллимларни мактабдан четлатишни сўрайман. Ушбу ёзганларим эса ёш авлодга сабоқ бўлсин дейман.

Уткамжон ҲУШМАТОВ,
Қашқадарё область Деҳқонобод район
Белибойли совхози. С. Раҳимов номли мактаб.

Онамни соғиндим

Ҳурматли редакция, мактубимни журналда босиб чиқаришингизни истайман, зора ўшанда менинг онам ҳам инсофга келиб уйга қайтсалар.

Мен 1975 йил 25 апрелда туғилганман. Уч акам, икки опам бор. Тўнғич акам Тошкентда ўқийди. Ўртанчаси Совет Армиясида хизмат қилади. Кенжаси институтда ўқийди. Катта опам уй бекаси — икки фарзанди бор. Мен ҳам 7-синфда ўқийман. Эс-эс биламан, илгарилари аям сўрида ўтириб дўппи тикар, бизга ширин аллалар айтардилар. Ўша кезлар жуда бахтли яшардик. Кейинчалик аямнинг опаси бизнинг ширин турмушимизни бузди. Мен ўшанда 3 ёшли бола эдим. Холам аямни олиб кетиб қолди. Аям икки йилча келиб-кетиб юрди. Аям бутунлай кетиб қолганларида мен беш ёшли қизча эдим. 9 йилдирки мен она меҳрига зорман. 9 йилдирки она сўзини дилимда такрорлайман холос. Ҳозир аямлар Сирдарёда яшайдилар, аниқ адресларини билмайман. Мана, катта опам ҳам бахтли бўлолмадилар. «Онаси ташлаб кетган» деган тамға опамни бахтсиз қилди.

Ҳурматли редакция! Онамни уйга қайтаришда менга ёрдам беринглар. Сиздан илтимос, азиз онажонлар, фарзандларингиз биздай меҳрга зор бўлишмасин. Сизни соғиндим, онажон! Редакция, менинг адресимни тўлиқ ёзишингизни сўрайман. Зора шунда онам лоақал хат ёзсалар...

Одина ЭРГАШЕВА,
Андижон область Пахтаобод район Коммунизм колхози
Ойбек номли 18-мактабнинг 7 «А» синф ўқувчиси.

Оқларнинг мағлубият келтирган ғалабаси

Ҳурматли бош муҳаррир!

Журналингизнинг шу йилги дастлабки сонларида, муқовада берилган рассом А. Умаровнинг «Оқлар юришни бошлайди ва... ғалаба қозонади?» деб аталган расми бизга жуда маъқул бўлди. Ҳатто 3-синфда ўқиётган ўғлим ҳам унда айтилмоқчи бўлган фикрни тушунди. Юз марта гапиргандан бир марта кўрган афзал деганларидек, пахта монокультураси республикамиз аҳлига нечоғлик моддий ва маънавий зарар келтирганлиги эндиликда барчага аён. Аммо, барибир, бу расм ўзининг чуқур маъноси, кўримлилиги, таъсирчанлиги, бўёқларнинг танланиши билан диққатга сазовордир. Менга расмдаги кўп нарсалар — помидорларнинг майдалиги ва оқ доғлари борлигидан тортиб, изоҳнинг охиридаги савол аломатигача — чуқур рамзий маъно касб этгандек кўринди. Расмга қўйилган изоҳ ҳам тўғри, ўринли ва тушунарли. Бироқ мен яна унга бу «Оқларнинг мағлубият келтирган ғалабаси» деб қўшиб қўйгим келди. Рассомнинг топқирлиги ва маҳоратига тасанно! Фарғоналик кўп минг сонли журналхонлар номидан ўқувчини фикрлашга ундаётган санъаткорга раҳмат!!!

И. СОЛИЖОНОВ.

Навоий бобомиз ҳаёт бўлгандайди ...

Биз Навоий шаҳрида яшаб таълим оламиз. Яқинда шаҳримизнинг 30 йиллигини нишонладик. Мана 30 йил бўлибдики, бобокалонимиз Алишер Навоийга атаб бирорта ҳайкал қўйилгани йўқ. Унинг ўрнига «Сармиш» ресторани ёнида 9 та яланғоч аёлга ҳайкал ўрнатилди. Биз шаҳарга чиқиб, ҳайкал олдидан ўтганимизда ёнимизда отаонамиз ёки бирор ўртоғимиз бўлса уятдан юзимиз қизариб кетади. Мана шу яланғоч аёллар ҳайкаллари Навоий шаҳрига бирор бир гўзаллик киритмоқдами?! Йўқ, бунинг акси бўлиб чиқмоқда. Бу ҳайкалларни кўриб одамлар орасида ёмон томонга ўзгариш бошланди. Уят деган сўз йўқолиб бормоқда. Биз ёшлар бунақа бемаъни ҳайкаллар ўрнатилишига қаршимиз. Мана шу ҳайкаллар учун ажратилган маблағга улуғ устоз, мутафаккир олим Навоий бобомизнинг ҳайкали ўрнатилса яхши бўларди! Бундан Навоий шаҳрида билим олаётган студент ёшлар ҳам баҳра олишарди. Бизнинг таклифларимизни юқорига етказишингизни сўраймиз, деб бир гуруҳ навоийлик ёшлар (жаъми 89 имзо).

Синглимни излайман

Менинг 1957 йилда туғилган, Шарофат исмли синглим бор эди. 1957 йилнинг охирларида онам касал бўлиб вафот этибдилар. Шарофат ўшанда икки ойлик экан. Бизлар ҳам ҳаммамиз кичкина эканмиз, кейин синглим Шарофатга қараш жуда оғир бўлибди, шунда отам Самарқанддаги қайсидир «болалар уйига» олиб борибди, ўша ердаги раҳбарлар айтибдики, бутунлай ташлаб кетсангиз, орқасидан хабар олмасангиз олиб қоламиз, деб. Кейин отам, ўша пайтлар жуда қийналган эканлар-да, (онам вафот этган, икки ойлик болага ҳеч ким қарамаган экан) хуллас, ўша Болалар уйига ташлаб келган эканлар, шундан кейин орқасидан ҳеч ким бориб хабар олмабди. Ҳар хил сабаблар билан орадан шунча йил ўтиб кетди. Отамга бизларни олиб боринг, ўша болалар уйига дедик, кейин бир куни акам билан 1970 йиллари борган, у ердаги раҳбарлар билан учрашган, улар айтибди-ки, бизлар ҳозир айта олмаймиз, балким вафот қилгандир, балким кимлардир олгандир, энди бир йўли, ўзи катта бўлса, излайди, деб жавоб берибдилар. Мен ҳозир-ҳозиргача кутаман синглимни, топсам дейман. Отам, 1985 йили вафот этдилар. Менинг хатимни журналда босишингизни илтимос қиламан. Зора синглимдан дарак топсам...

Синглимнинг фамилияси Муҳаммадиева ёки Алиқулова Шарофат. Шарофат синглим туғилган жойнинг адреси қуйидагича: Самарқанд область, Каттақўрғон район, «Ленин йўли» колхози, Дамқорин қишлоғи.

Саодат ТИЛЛАЕВА,
Самарқанд область Каттақўрғон район,
Водохранилище посёлкаси,
Ленин кўчаси, 1 переулок, 2 уй.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЛАНДАРОВ 8 КИЛО БЎЛГАНМИ?

ЕХУД ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ушбу мақола «Генерал Жўрабекни ким ўлдирган?» («Ёшлик» журнали 1988 йил, 11-сон) мақоласидаги жузъий бир факт сабабли ёзилди. Мақола муаллифи Набижон Боқий инқилобдан бурунроқ генерал унвонига сазовор бўлган ўзбек маърифатпарвари Жўрабек ҳақида мақола ёзар экан, «Туркестанские ведомости» газетаси маълумотларига бот-бот мурожаат қилади. Бу газетанинг 1905-1906 йилларда берилган ахборотларига диққат жалб қилинади. Чунончи, муаллиф 1905 йилнинг илк бозор куни Каттақўрғонда энг зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари тубандаги нархларда сотилганини келтиради: «...бир ботмон (8 кило) сара буғдой 45 танга (Каттақўрғонда 15 тийин — бир танга ҳисобланган), баҳори буғдой эса 52 танга, буғдой уни — 52—56 танга, арпа, жўхори, мошларнинг баҳоси, бир хил — 32 тангадан, тариқ —28 танга, кунжут —115 танга зиғир уруғи — 60 танга, шу ерлик кишиларга қарашли заводларда ишлаб чиқарилган бир ботмон пахта мойи — 22 танга, «Биродарлашган Туркистон» заводидан келтирилган мой эса 14 танга, бир қадоқ мол ёғи — 20 тийин, қўй ёғи эса 22 тийин. Мол гўштининг бир қадоғи 8 тийин, қўй гўшти — 12 тийин. Кези келганда ўша пайтларда пахтанинг баҳоси қанча бўлганлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз: бир ботмон 8 кг) биринчи нав пахтанинг нархи 90—100 танга... тураркан. Демак, бир килограмм пахтанинг пулига (яъни 187,5 тийинга) тўрт кг қўй гўшти, бир килою икки юз грамм қўй ёғи харид қилиш ҳамда бир ярим тийинга биронта ҳаммол ёллаб, ўша масаллиқни уйгача кўтартириб бориш мумкин». Н. Боқий «Туркестанские ведомости» газетасининг 1905 йил 4 январь сонидан қуйидагича кўчирма келтиради: «Бозорлар ҳийла тушкун руҳда ўтмоқда, деҳқонларнинг умидлари пучга чиққанга ўхшайди. Энг яхши пахталар деярли икки баробар арзон нархда сотилмоқда (яқинда бир ботмон пахтанинг баҳоси — 180 танга эди). Харидорларнинг авжи суст, кўпгина маҳсулотлар шу ерлик аҳоли қўлида қолиб кетяпти». Агар бир ботмон 8 кг бўлса, унга 180 танга тўланса, деҳқоннинг туваги олтиндан бўлиб кетмайдими?! Ўйлаб кўринг 1 кг пахта (хомашё)нинг пулига салкам 17 кг мол гўшти олиш мумкин бўлган! Бир кг пахтанинг пулига бир ботмон пахта мойи олиш мумкин бўлган! Биз ҳисоб-китобда янглишдикми? Нега ёзувчиларимиз инқилобдан олдинги деҳқонларни хор-гадо, бойларга муте қилиб кўрсатишган? Бир кг пахтага 17 кг мол гўшти; бир ботмон пахта мойи; сал кам бир ботмон тариқ олиш имкониятига эга бўлган одамни қашшоқ, хор-гадо деб бўладими?!

Эҳтимол, биз ботмон, қадоқ, танга ва тийиннинг асл ўлчовини билмаётгандирмиз. Ҳа-ҳа, шундай бўлса керак, Ана деҳқончилик илмини сув қилиб ичиб юборган, қадимги ўлчов бирликларини миридан сиригача биладиган Қаландаров ва Назар полвонлар бизга истеҳзо билан қарамоқдалар. Келинг, аввал биз уларнинг ўзаро суҳбатига қулоқ солайлик: «Қаландаров Саидадан жавоб кутмай, Назаров билан сўрашди ва уни йўлакка олиб чиқиб ҳасрат қилди.

— Гижинглаган йигитлар турганда, шу қизни секретарь қилиб юбораман деб ўтирибди! Қишлоқда одам қолмаса, эчкининг оти мулла Норқўзи бўлади... Шу ҳам гапми... Одамнинг ҳўрлиги келади.

Назаров у ёқ-бу ёққа қаради, кўзларини ўйнатиб, ваҳима билан шивирлади:

— Бу гапни менга айтдинг, ўртоқ, бошқа одамга оғзингдан чиқарма! Уят бўлади. Бу қизни аёл деб камситмагин. Ўқиган қиз. Сену мен ўз тошимизга бир ботмон бўлиб юрибмиз-да (таъкид биздан — А. Р.) бунинг тоши билан тортилсак, посонгига ярамаймиз!»

Бир ботмонни, Набижон Боқий ёзишича, 8 килога тенг деб тушунсак, у ҳолда наҳотки, Назар полвон, Арслонбек Қаландаров 8 кило бўлса?!

Ҳозир каттаю кичик грамм, килограмм, пуд, тонна сингари оғирлик; миллиметр, сантиметр, метр, километр каби узунлик; тийин, сўмга ўхшаш баҳо ўлчовларини яхши билади. Лекин бу ўлчовлар яқин юз йил атрофида ҳаётимизга кириб келди. Ота-боболаримиз оғирлик, узунлик, баҳо, кенглик ўлчовларини турмуш тарзларидан, тушунчаларидан келиб чиққан ҳолда белгилаганлар. Ҳозирги ёшларимизда тарихимизга қизиқиш кучли. Тарихий ҳақиқат фактлар, тушунчалар ҳаққонийлигидан вужудга келади. Биз ўлчовлар ҳақида билганларимизни баён этишга жазм этар эканмиз, фикрларимиз энг тўғри, шубҳага ўрин қолдирмайди деган даъводан тамоман йироқмиз.

«Генерал Жўрабекни ким ўлдирган?» мақоласида оғирлик, баҳо ўлчовлари қориштирилиб юборилган. Ботмон, килограмм, қадоқ, танга, тийин сингари тушунчалар маъноси, мазмунини алоҳида-алоҳида ёритиш керак. Гапни «ботмон» ҳақидаги мулоҳазалардан бошлайлик...

Муаллиф ёзишича, ботмон 8 килога тенг, Назар полвон ўзининг, дўсти Қаландаровнинг тоши бир ботмонлигини айтади. Хўш, ботмоннинг қиммати, ўлчови қандай? «Ўзбек совет энциклопедияси» — (II жилд, 389-бет)да асли арабча манн сўзидан таркиб топган ўлчов бирлиги бўлмиш ботмонга бундай таъриф берилган: «Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари (Арабистон, Миср, Сурия, Ироқ, Эрон, Туркия, Ҳиндистон) шунингдек, Ўрта Осиёда оғирлик ўлчови сифатида қўлланиб келган. Шариатга кўра, ботмон (манни шаръий) асосан 0,832 кг ни ташкил қилган, лекин турли мамлакатлар ва турли даврларда унинг мезони ҳар хил бўлган. Ўрта Осиёда ҳам ботмоннинг вазни ўзгариб турган. (Жумланинг мазмунига эътибор беринг. Наҳотки, ботмон жонзот мисоли семириб, ориқлаб турган — вазни ўзгариб борган бўлса? «ЎзСЭ»сининг ёзилиши, бадиий етуклиги ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак экан — А.Р.) Масалан, XIX асрда Хоразмда ботмон 20,16 кг. дан 40,95 кг.гача, Бухоро ва Самарқандда асосан 8 пуд 131,044 кг.

Фарғонада 8—10 пуд 131,044—163,800 кг, Тошкентда 10,5 пуд 171,88 кг бўлган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ботмон «Ўзбекистоннинг (қаранг, фақат битта географик чегара олиняпти. Ваҳоланки, ботмон оғирлик ўлчови сифатида кенг қўлланган пайтда Ўзбекистон умуман йўқ эди — А.Р) турли ерларида турлича салмоққа эга бўлган (икки пуддан ўн бир пудгача) оғирлик ўлчови» (1 жилд, 135-бет) эканлиги ёзилган.

Хўш, Н. Боқий ботмоннинг 8 кг эканлиги фактини қаердан олган? Манни шаръий 832 граммга тенглиги очиқ айтилган-ку. Қолаверса, ўтмишда манни шаръий ўрнига икки қадоқ (830 гр) деган тушунча қўлланган. Баъзилар катта ботмон, кичик ботмон ҳақида гапирадилар. Кичик ботмон 20,6 кг ни, катта ботмон (Тошкент ботмони) 171,99 кгни ташкил этган. Катта ботмон, кичик ботмонлар, тошу тарозидаги тахминийлик Ўрта Осиё капитализм исканжасига олинмаганлигидан далолат беради. Капиталистик муносабатлар олди-сотдида аниқликни, тошу тарозида бир хилликни тақозо этади. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши грамм, килограмм, пуд сингари оғирлик ўлчовини муомалага киритди. Лекин маҳаллий халқ асрлар давомида кўникиб қолинган ўлчовлардан осонликча қутила олмади. Ажабланарлиси шундаки, кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз ҳам ҳозир қадимги (оғирлик, узунлик, баҳо, кенглик сингари) ўлчовларни унутиб юборганлар. XX асрдаги илмий-техника тараққиёти онгимизни, руҳиятимизни ўзгартириб юборди. Аввалари одамлар қўл билан тутиш, кўз билан кўриш мумкин бўлган нарсалар ўлчови ҳақида фикр юритган бўлсалар, ҳозир граммнинг ичига кириб «бормоқдалар», кўзга умуман кўринмайдиган масофа, кенгликлар ҳақида аниқ фикр юритмоқдалар.

Қадимда ўлчов бирликлари сифатида аниқ нарсалар, инсон танасининг аъзолари олинганлиги маълум, Тариқча (-дай), зиғирдай (-ча), тирноқча (-дай) қиёслар ҳам оғирлик, ҳам узунлик, ҳам сатҳ, ўлчовини билдирган. «-дай» қўшимчаси билан бошланган сўзлар узунлик, оғирликни ифодаласа, «-ча» қўшимчаси сатҳ ўлчовини англатган. «Ўзи зиғирдаю ҳеч кимга гап бермайди-я», сингари гапни, «Капкатта одам-у тариқча ақли йўқ-а» сингари нолишларда бот-бот эшитамиз. Мана, Шокир ота («Қутлуғ қон») имонсиз Зиёхўжа йилқичи билан хаёлан олишяпти, фиғони фалакка чиқяпти: «Ҳовлимни у ўзиникига қўшиб, ост-уст иморат қурмоқчи, яйраб-яшнамоқчи... Биламан, кўпдан бери кўз тикиб келади. Тоҳиржоннинг дарди қанча оғирлашса, у шунча қувонади, санағар. Тирноқча жойимни сен хотинталоққа бермаганим бўлсин!» (129-бет).

Қадимда туркий халқлар орасида мисқол ўлчови кенг тарқалган эди. 4,26 граммга тенг мисқол заргарликда, табобатда кенг қўлланилган. Чорак мисқол (1 грамм), ним мисқол (2 грамм) атторлик, заргарликнинг ўлчови бўлиб келган.

Пайса — 50 граммга тенг оғирлик ўлчови бўлган. «Етмиш икки ҳунаринг бор, лекин хумчангда беш пайса жиринг йўқ», — дейди Берди татар («Обид кетмон») ҳамқишлоқларидан бирига. Халқ орасида кафт ўлчови ҳам қўлланилган бўлиб, пайсага тенглашиб келади. «Кўпдан айрилма — бир кафтдан берса, тўйдиради; бир муштдан урса — ўлдиради», — деган нақл бор. Пайса Бухоро амирлигида баҳо ўлчовини ҳам англатган. Бир мири — 5 тийинлик чақа ҳам пайса деб юритилган.

Ўрта Осиё халқлари орасида энг машҳур оғирлик ўлчови — қадоқ бўлган. Ҳозир кило қанчалик кенг қўлланилса, қадимда ҳар кунги савдо-сотиқ қадоқсиз ҳал бўлмаган. 400 граммдан сал ортиқроқ бўлган қадоқ асосий оғирлик ўлчови бўлган. Набижон Боқий мақоласида бир қадоқ мол ёғи — 20 тийин, қўй ёғи — 22 тийин, мол гўшти — 8 тийин, қўш гўшти — 12 тийин бўлгани айтилади. Кези келганда айтиш керакки, ота-боболаримиз уй-рўзғорда ишлатиш учун бир, бир ярим, икки ҳатто, ярим қадоқ гўшт, мой, ун, гурунч, мош харид қилганликларини айтадилар. Турмушимиз фаровон бўлгани сайин кўп-кўп харид қилишга одатландик. Ҳозир ярим қадоқ гўшт, 1 қадоқ мош ё гурунч, ун оладиган одамни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳаммаҳаллам, меҳнат ветерани, маърифатли инсон Одилжон ака ҳикоя қиладилар:

— Ҳовлимиз ўша пайтда Янги маҳаллада (ҳозирги «Большевик» кўчаси) эди. Дадам раҳматли, кўлимга бир танга тутқазардилар-да:

— Ўғлим, ғириллаб Меърободга (негадир у киши Миробод демайдилар — А.Р) бориб келасиз. Бир қадоқ гўшт, бир қадоқ ёғни ўша қассобдан олинг. Ўзи ҳам, моли ҳам покиза, — дердилар. Шундан шуёққа яёв бориб яёв келардим. Гўшт-ёғни ишлатардик. Бир куни 5 қадоқ гўшт харид қилдим.

— Бугун уйларингга меҳмон келар экан-да, — дедилар қассоб амаки. Қаранг, 2 кило — 5 қадоқ гўшт меҳмон-излом келсагина олинарди...

Қадоққа тенг ўлчов бирликларидан нимча бўлган. Халқ орасида «Нимча гуруч ош бўлур, меҳмон кўнгли хуш бўлур», — деган гап бор. Қадоқ ҳам, нимча ҳам 400 грамм бўлгани билан қўлланиши, маъносига кўра яна аллақандай мазмунларни ифода этарди.

Демократик адабиёт намояндаларидан Муҳаммад Шариф Гулханийнинг «Зарбулмасал»и халқ орасида мақоллар, маталлар, ҳикматлар, масаллар номи билан машҳур. Унда кеккайма Бойўғлига теша тегмаган, охорли мақол — ўхшатиш билан таъриф берилади: «Супрасида чакса уни йўқ, том бошида қўш тандир». Чакса — 5 кило-ю, 300 граммга тенг оғирлик ўлчови бўлиб, 3 чакса бир пудни ташкил қилган. Чаксадан сўнг кичик ботмон — 20, 30 кг ўлчови келган. Катта ҳажмдаги буюм, оғир юкка нисбатан ботмон — даҳсар ўлчови қўлланилган. Даҳсар ҳам оғирлик ўлчови бўлиб, айрим жойларда 32 килограмм, баъзи ерларда ботмоннинг чораги сифатида қўлланилган. Оғирлик ўлчовлари ҳақидаги фикрни ҳурматли журналхонларимиз давом эттиради деган умиддамиз.

Баҳо ўлчовлари тийин, пул, пақир, мири, танга билан ҳисобланган, қора пул, кумуш ва тилла танга алоҳида фарқланган. Олмахон — тийин баҳо ўлчовининг асоси сифатида қабул қилинган. Пул тушунчагина эмас, аниқ миқдордаги баҳо ўлчовини ҳам англатган, ярим ва бир тийинга тенг бўлган. Халқда: «Бир пулга йиғлатдим-у, юз пул бериб тўхтата олмадим» — деган гап бор. Бир пул — қадрсиз, дурустроқ нарса харид қилиб бўлмайдиган қора чақа. Кўчма маънода мулзам бўлган, уятга қолган одамга нисбатан обрўси бир пул бўлди деган ибора қўлланилади. Таниқли ҳажвчимиз Неъмат Аминов илк тўпламидаёқ ўз қадрини билмаган, ҳаётдаги ўрнини топа олмаган одамлар ҳақида ҳикоялар ёзиб, уларни «Икки пуллик обрў» номи

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан нашр эттирди. Баъзилар иқи суймаган одам ҳақида: «Менга унинг амали ҳам, бойлиги ҳам, ўзи ҳам бир пул», — дея гапнинг индаллосини айтиб қўя қоладилар. Бор борича, йўқ ҳолича деган гап бор. Бойга пулнинг пўчоқча қадри йўқ, камбағал бир пул устида тишини ушатади: «Ўзбек ойим чўнтагига қўлини солиб беш-ўн пул олиб берди. («Ўтган кунлар» романи, 317-бет). Бойвуччахотин пулни санаб ҳам ўтирмади. Бечораҳол Ойбодоққа 5—10 пул жон улоғи, қора куннинг пиликдай нури».

Пақир — пулдан кенгроқ, икки тийинлик қимматга эга баҳо ўлчовидир. Оғзи катта, бадавлат одамлар пақирни, пул сингари, назарга илмаганлар. Баъзи кеккаймалар бировни ерга урмоқчи бўлсалар: «Ўзи бир пақирга қиммат-у, осмону фалакдан келишига ўлайми?» деб қўядилар. Зийрак ўқувчида: «Инқилобдан 10—15 йил муқаддам 8, 10 тийинга бир қадоқ гўшт олиш мумкин экан-у, қиммати бир, икки тийинга тенг чақа — пул, пақирни намунча ерга уришмаса?» — деган ҳақли гина-савол туғилиши табиий. Гап шундаки, тийин (пул ва пақир)нинг қиммати гоҳ ошиб, гоҳ пасайиб турган. Тийиннинг харид кучи ниҳоятда пастлаб кетган дамларда уни қора пул, пақир деб камситиш кўп учраган. Пул қимматининг ўзгариб туриши, одамнинг моддий аҳволи ҳам бир хилда эмаслигига ишора тарзида: «Туя минг танга — мана минг танга, туя бир танга — қани битта танга», — деган нақл яратилган.

Оғирлик ўлчовида қадоқ қанчалик кенг қўлланилган бўлса, оддий халқнинг кундалик савдо-сотиқ, харидида мири — шунчалик эътиборлик бўлган. Бир мири — 5 тийинлик қимматга эга чақа. Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикояси ёдингиздами? Муллажон қозининг боғида мушак отила бошланди: Туробжон ўзича ҳисоб-китобга шўнғиб кетди: «Битта мушак уч мири, — деди Туробжон, — юзта мушак отилса... биттангадан юз танга. Бир миридан кам — етмиш беш танга бўлади». А. Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикояси қиёсий, типологик, бадиий-эстетик таҳлил қилинган. Лекин бирон китобхон, адабиёт муаллими Туробжоннинг ҳисоб-китоби хусусида жиддийроқ бош қотирмаган... Қаранг, битта мушак уч мири ёҳуд 15 тийин. «Юзта мушак отилса... биттангадан юз танга. Бир миридан кам — етмиш беш танга бўлади». Туробжоннинг ҳисоблаш йўсинига қаранг: у бир тангани тўртга бўляпти — ҳар бўлак бир мири. Юз тангадан бир миридан чиқариб ташланса, 75 танга қолади. А. Қаҳҳорнинг сўз тежамкори эканлиги Туробжоннинг ҳисоб-китобида ёрқин кўринади. Бор-йўғи ўн еттита сўз орқали ёзувчи бутун бошли масалани ўртага ташлаган, уни қаҳрамон тушунчаси доирасида ҳал қилган. Қизиқ, Набижон Боқий мақоласида бир танга 15 тийинга тенг дейилган эди-ку? Абдулла Қаҳҳор ҳикоясида бир танга — 4 мири, 20 тийинга тенг бўляпти. «Ўзбек тилининг луғати»да ўқиймиз: «Танга — Бухоро хонлигида 15 тийинга, Қўқон хонлигида 20 тийинга тенг бўлган кумуш пул» (117-бет, II жилд).

Халқ орасида «Бир мири ҳамён, уч мири зиён», «Дунёнинг иши мири кам икки» деган мақол, ҳикматли иборалар кенг тарқалган.

Пул, пақир, мири оддий темир қотишмасидан қўйилганлиги сабабли қора пул деб юритилган. Танга кумуш ва тилладан қуйилган. Бу тангаларнинг қиммати юксак бўлиб, юқори доираларда, бой-зодагонлар орасидаги турли муносабатларда қўлланиларди. Масалан, «Оғача ойим Гулшан билан гапни бир жойга қўйиб олгач, қўшмачига икки тилла (танга) беради, устида мурсак ёптиради» («Меҳробдан чаён», III-бет). Олтин танга динор деб ҳам аталган.

Қадимда узунлик, сатҳ, кенглик ўлчовларининг махсус атамалари бўлган. Узунликни қадамлаб, қулочлаб, қаричлаб ўлчаш удум бўлган. Табиийки, қаричдан қаричнинг, қулочдан қулочнинг фарқи бор. Лекин тахминий узунликни шундай йўсинда аниқлаш мумкин бўлган. Қадам, қулоч тушунчаларига газ ўлчови аниқлик киритган. Бир газ 0,71 метрга тенг бўлиб, қадамдан каттароқ, қулочдан кичикроқ бўлган. Овоз етган жой — узунлик чақирим деб номланган. У тахминан 1,06 километрга тенг. Саккиз чақирим масофа бир тош деб аталган. Фарсаҳ (фарсанг) ҳам 7-8 км га тенг бўлган.

Зиғирча, тариқча, тирноқча энг кичик сатҳ ўловчи бўлса, шапалоқдай ундан каттароқ юзаликни англатган. Сатҳ ўлчовида тахта бирлиги кўп қўлланилган. Тахта шапалоқдан то катта ер бўлагигача қамраган. Деҳқонлар ерларни марза билан ажратиб, тахта-тахта қилиб қўйганлар. Одам бир тахта экинни чопиқ (ўтоқ) қилиши, суғориши, мол бир тахта экинни босиб-янчиб ташлаши мумкин. Муқимийнинг машҳур ҳажвияси туфайли ўқувчи-ёшлар таноб, танобчилар сўзини яхши биладилар. Афсуски, кўпчилик бир таноб сатҳнинг қанчалигини билмайди. Таноб танга сингари турли маъмурий доираларда турлича қимматга эга бўлган. Айрим жойларда бир таноб деганда 17-18 сотих англашилса, бошқа ерда ярим гектар бир таноб ҳисобига ўтган. Ботмон фақат оғирлик эмас, сатҳ тушунчасини ҳам англатган. Бир гектарга тенг сатҳ ботмон дейилган.

Соч толаси — қил кенгли ўлчовлари орасида энг нозиги, кичиги. Орадан қил ҳам ўтмаслик аҳиллиқнинг образли ифодасидир. Классик поэзияда маъшуқанинг нозиклиги, белининг қилдай эканлиги кўп учрайди. Эмишки, маъшуқанинг бели шу қадар нозик эканки, соч толаси унга нисбатан беўхшов, қўполлигини англаб, пойгакдан жой олибди.

Маъшуқанинг нозик бели, пойгакдан жой олган сочи орасидаги «зиддият» яхлит, мукаммал образнинг яратилишига хизмат қилган. Яъни, маъшуқа ўта нозик: беллари қилдан-да ингичка, сочлари узунузун, тақимини ўпади... Сохт-сумбат тасвирида назокат, ингичкалик, бичимининг келишимлилиги улуғланса, инсон табиатидаги фазилатлар ифодасида, аксинча, катта кенглик ўлчами мақталинади. Кўнглининг кенглиги дарёча бўлган, сахийликда Хотамитойдан ўтадиган одам, сўзсиз, фазилатли инсондир. Аввалига дўст бўлиб кейинчалик ёвлашиб, ит-мушук бўлиб қолганларга нисбатан: «Ораларидан бир пайтлар қил ўтмас эди, ҳозир бемалол арава ўтиб кетади»,— дейилади. Кенглик ўлчови сифатида сиқим, қучоқ сўзлари кўп ишлатилади. Сиқим, қучоқ ўлчовлари контекст маъносига кўра ижобий, салбий бўлиши мумкин. «-дай» қўшимчаси билан инсоннинг бичими, беўхшовлиги ҳақида тушунча берувчи сўзларни ясаш мумкин (матолдай, ҳирсдай, харидай...)

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.

Ғафур Ғуломнинг «Вақт» шеъридан олинган бу шоҳ мисраларда вақтнинг энг кичик (он) ва энг катта (аср) ўлчови берилган. Инсон умрининг қадрига етиладиган юртда энг кичик ўлчовлар — лаҳза, он дам, зум, сония қиммати юксак баҳоланади. Шарқ — инсоният маданияти, тараққиётининг кўҳна ўчоқларидан бири. Шарқ фалсафаси, адабиётида инсон умрининг ҳар бир дами жуда юксак қадрланган. Бу ўринда яна Ғафур Ғуломнинг «Вақт» шеърига мурожаат қиламиз.

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.

Шоир Асқад Мухтор «Зум» шеърида инсон умрининг кичик бўлаги қайта қуриш палласида қанчалик аҳамиятли эканлигини уқтиради. «Зум» шеъри машҳур «Вақт» асарининг янги ижтимоий шароитдаги ифодасидир. Шоир Сулаймон Раҳмон «Тирик лаҳзалар» шеърида унумли фойдаланилган онларгина тирикдир деган ғояни илгари сурар экан, инсон умрининг қанчадан-қанча сониялари беҳуда ўтаётганидан афсусланади.

Он, дам, лаҳза, зум, сония каби тушунчалар бир хил маънони англатгани билан текстда янги-янги рангларни ифодалайди, ўзига хос ўлчовига тенг келади. Соат, тун, кун, кечаю кундуз, ҳафта, ой, йил, аср, боқийлик, мангулик сингари ўлчовлар аввал қандай ишлатилган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича қўлланилмоқда. Илмий-техника тараққиёти, ҳаётнинг жадал суръати вақт ўлчовлари қадрини янада оширмоқда. Инсон умри, донишмандлар томонидан топиб таърифланганидай, тарих одимида бир лаҳза, он, кўз ёшидай гап. Умрнинг қисқалиги, инсон шу қисқа муддат ичида кўп иш қилишга улгурмаётганлиги ҳозир бот-бот такрорланмоқда. Афсуски, инсон умри ҳақида сийқа, саёз мулоҳаза юритиш ҳоллари кишини ўкинтиради. Туғилган кунларда мана бундай саёз, масъулиятсизлик билан айтилган, теран маънодан йироқ «нутқлар» кишининг энсасини қотиради: «Ҳурматли фалончи! Олтмишдан ошинг, етмишга етинг, саксондан сакраб ўтинг, тўқсон билан тўқнашинг, юз билан юзлашинг ва ҳ. к...» Инсон умрининг ҳар они ҳақида ўйлаб, ҳис қилиб гапириш жоиз. Мучал инсон умрининг ўлчови сифатида кейинги йилларда кўп қўллана бошлади. Биринчиси 13, қолганлари 12 йиллик доирани ташкил этувчи мучал ҳисоби ёшларимиз орасида ҳам кенг ишлатила бошланди. Қадимда умрнинг 84 ёши муборак, табаррук ҳисобланган. Ҳозир ҳам баъзи отахон-онахонлар 1000 ойга тўлганликларини —84 ёшларини нишонлайдилар. 1000 ойга тўлиш тантаналарини кенг ривожлантириш мумкин. Саксон тўрт ёш — бой инсоний тажриба, тарихий воқеалардан қанчадан-қанчасини гувоҳи бўлиш. Бу ёш сабоқлари ҳамма учун ўрнак бўлади.

Хуллас, оғирлик, узунлик, сатҳ, кенглик, вақт ўлчовлари тилимизнинг бойлигини аниқ кўрсатади. Табиийки, баъзи атамалар баҳс, тортишувларга сабаб бўлади. Хусусан, ботмон ўлчови ҳар хил тушунилган, талқин қилинган. Ўлчовлар ҳақида ёзар эканмиз, ҳозирги жонли ўлчов атамаларини инкор этиш ниятимиз йўқ. Биз бой тарихимизни яратишга интиляпмиз. Тарих аниқ фактлардан, холис тасвир асосида яратилади. Ўлчов бирликлари тарихий факт сифатида қимматга эга. Ниҳоят, ёшлар газета-журнал мақоласи бўлмасин, бадиий асар бўлмасин синчиклаб ўқишга, танқидий кўз билан қарашга одатланмоқликлари керак.

Абдуғафур РАСУЛОВ

(Боши 1-бетда).

қатъий чоралар белгилашига умид қилмоқда. Яна бир савол. Халқ таълимини юксалтириш биринчи навбатда ўқитувчи кадрларнинг сифатига, уларнинг ўз устида қунт билан ишлашларига боғлиқ. Аёл ўқитувчиларимиз уй-рўзғор, бола тарбиясидан ортиб ўз малакаларини оширишга доим ҳам имкон топа оладиларми!

Ривожланган мамлакатлардан саналмиш — Швецияда аёл ўқитувчиларнинг сони 6 фоиздан ошиб кетса, депутатлар буни «миллий ҳалокат» ҳисоблаб, парламент мажлисларида бонг урар эканлар. Бизда эса ўқитувчиларнинг... 93 фоизи аёллардан иборат бўлса ҳам афсуски, бу ҳол ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Ўқувчиларнинг тарбияси бўшашиб кетганига мактабларимизда эркак муаллимларнинг камайиб кетаётганлиги сабаб қилиб кўрсатилишида асос бор. Муаммонинг иккинчи тарафи ҳам бор. Яқинда аёлларга бериладиган ҳомиладорлик отпускаси икки йилга, кейинроқ бориб ундан ҳам кўпроққа чўзилади. Шусиз ҳам эҳтиёжи сезилиб бораётган ўқитувчилик, врачлик касбларига асосан йигитларни қабул қилиш пайти етмадимикин, домла!..

Ҳ. Й: Олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидаларида ҳеч қачон кишиларни жинсига қараб ажратиш ва уларнинг бирон-бирларига имтиёз бериш кўзда тутилмаган. Бу жуда ҳам тўғри, акс ҳолда партия ва ҳукуматимиз тутаётган тенг ҳуқуқлилик сиёсати бузилган бўлур эди. Бу муаммони ҳал қилишда биз бошқача йўл тутишимиз, яъни йигитлар орасида ўқитувчи касбига муҳаббатни кучайтиришимиз керак. Министрлик шу йўлдан бориб ҳозирги кунда педагогика институтларида студентларнинг 40 фоизи йигитлардан ташкил топишига эришди.

Қолаверса, аёл ўқитувчилар иттифоқ миқёсида 96 фоиздан иборатдир, республикамизда эса бу кўрсаткич 55 фоиздан сал ортиқроқ холос.

М: СССР халқ таълими Давлат комитетининг раиси Г. А. Ягодин ўқитувчилар съездида ўқувчилар мактабнинг сўнгги икки ўқув йилида ўзлари танлаган 4—5 фанни ўрганишлари режалаштирилаётганини гапирди. РСФСР мактабларида шу йилдан тажриба тариқасида бу усул қўлланила бошланибди. Республикамизда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда!

Ҳ. Й: Бу янгилик республикамизнинг айрим мактабларида ҳам жорий этила бошланди. Масалан Чирчиқ шаҳридаги 20, Тошкент шаҳридаги 246, Гулистон шаҳридаги 8-ўрта мактабда ўқувчилар фанларни «танлаб» ўқишмоқда.

Бу ўқув йили планида мактабларимизнинг ҳуқуқлари кенгайди. Жумладан, мактабда она тили ва адабиётига ажратилган соатларни тақсимлаш ҳуқуқи ўқитувчиларнинг ўзига берилди. Энди ҳар бир синф уч соатгача вақтни истаганча ўзлари белгилаш ҳуқуқига эга. Бу йилдан бошлаб тажрибали ўқитувчидан дарс конспекти талаб қилиш бекор қилинди. Ўқитувчи энди программага 10—15 фоиз ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Кўпчилик педагогларимиз, ота-оналар мактабларда чет тили сифатида шарқ халқлари тилларини ўқитишни талаб қилиб чиқдилар. Министрлик бу масалага ижобий ёндашиб, мактабларда хитой, форс, ҳинд, урду, араб ва бошқа тилларни ўқитиш масаласини тўғри деб топди. Ҳозир бу ишнинг ташкилий режалари ишлаб чиқилмоқда. Қолаверса, бугунги кунда халқимизнинг маданий мероси саналмиш эски ўзбек ёзувини ўқитиш ҳақида ҳам ўйлаб турибмиз. Имконияти бўлган мактабларга шу йилнинг ўзидан эски ўзбек тилини ўқитиш ҳуқуқи берилди.

Шу пайтгача она тилимизга бўлган эътибор етарли даражада эмаслиги ҳаммамизга маълум. Таажжуб, бугунга келиб қарасак, кўп фанлар бўйича бору, ўзимизнинг она тили ва адабиётини чуқур ўрганадиган биронта мактабимиз йўқ экан. Ҳозир Тошкент шаҳридаги 254-мактабда она тили ва адабиётини чуқур ўрганиш йўлга қўйилди. Ўйлаймизки, яқин йиллар ичида бундай мактабларимиз тобора кўпайиб бораверади. Халқимизнинг бой маданиятини ўрганиш масалалари ҳам кун тартибидаги долзарб вазифаларимиздан. Умумий ўрта таълим Концепция лойиҳасида ҳам миллий мактабларда миллий халқ маданиятини чуқур ўрганиш зарурлиги тўғри белгиланган. Бу вазифани амалга ошириш учун ўқув-тарбия мазмуни қайта кўриб чиқиляпти.

Хуллас, халқ таълимини юксалтириш борасида қилинадиган ишларимиз бениҳоя кўпки...

М: ...биз бу эзгу ишларда сиз орқали барча устозларга сабот тилаб қоламиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рустам БОЙМАТОВ

Алпомиш туғиб бер, Келинжон!

Оғизлар мақтовдан толмади,
Елғонлар не куйга солмади,
Бир сўзли йигитлар қолмади,
Алпомиш туғиб бер, Келинжон!

Оломон алдовдан эзилди,
Йигитлар аёлдай сузилди,
Бардошнинг чоклари узилди,
Алпомиш туғиб бер, Келинжон!

Манглайни ишламай тер босди,
«Пишган»нинг ўрнини «ғўр» босди,
Даланинг юзини шўр босди,
Алпомиш туғиб бер, Келинжон!

«Катта»нинг фармони кўп экан,
Шукурдан армони кўп экан,
«Яхши»нинг ёмони кўп экан,
Алпомиш туғиб бер, Келинжон!

Тулпорлар ботган йўқ терларга,
Туёқлар ботган йўқ ерларга,
Қизларнинг ҳуши йўқ эрларга,
Алпомиш туғиб бер, Келинжон!

Айтишга арзимас қолгани,
Тилгинам бормайди тонгани!
Довруғим қайтариб олгани,
Алпомиш туғиб бер, Келинжон!

Эзилган дилим хун бўлмасдан,
Кўзимга аччиқ ёш тўлмасдан,
Йигитнинг сазаси ўлмасдан —
Алпомиш туғиб бер, Келинжон!

Рустам Бойматов — 1963 йили Фарғона область Риштон районидаги Бўжай қишлоғида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битирган. Ҳозир Риштон район комсомол комитети бўлим мудири.

Рассом: Д. МУРСАЛИМОВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Авлиёхон ШУКРУЛЛАЕВ

Гўё

Бу ўй зиндон эмас, лекин ҳар қалай,
Иккимизни ютади ҳар тун.
Елғизлик ўзининг муз гиламини
Пойимизга тағин тўшайди беун.

Бу гиламда сира юриб бўлмайди,
Демак, йўл олисдир сенга етмоққа.
Манови тўрт девор мени қўймайди,
Сендан икки қадам нари кетмоққа.

Иккимизни қийнар яна ёлғизлик,
Биз юра бошлаймиз оёқ учида.
Танимай қоламиз бир-биримизни,
Бизни мазах қилган девор ичида.

Гапириб бўлмайди, агар гапирсак,
Шифтдан катта қорлар ёға бошлайди.
Гўё ҳозир ухлаб қолган Сукунат
Исмли боламиз йиғи бошлайди...

Қаршингда

Тилим енгилди. Хоинлик қилди.
Гўзал либосларин улоқтирганча,
тумтарақай қочди сўзларим.
Бу сирни яширди, қимир этмади,
Ҳаммасидан воқиф юзларим.

Юрак ноғора чалди.
Сафи бузилган
сўзларни қайтадан жамлади.
Сўнг ўзи бош бўлиб, кўзларим томон
Эргаштириб кетди янги ҳамлага.

Нигоҳларим айтар эди бор гапни.
Қучоғинг шодликка тўлади.
Сўз дема. Ишонгин. Энди бир умр
тилсиз яшаса ҳам бўлади!

* * *

Қор юзига ёздинг. «...сени севаман».
Ўйладинг бу ердан ўтса ўшал қиз.
Бир нафас тўхтайди, ёзувларингни
Қувончдан энтикиб ўқийди сўзсиз.

Лекин у келмади, деразадан жим,
Йўлакларга боқдинг, оғир шунчалар...
Хатларингни ўқиб, қиш тугагунча
Саводин чиқариб олди қушчалар!

Ғўза

Авлодларнинг ҳаққи-ҳурмати ўсгин,
ғўза, ғўзажон, ўсгин.
Шавкат РАҲМОН.

Сен ўсмоғинг керак эди-ку, Ғўза!
Нимани сўрадинг, бердик борини.
Деҳқон кундузлари топшириб кетди,
Тун бўйи тўплаган куч-мадорини.

Сўрадинг, далага ҳайдаб юборди
Қишлоқ ўз бағридан келинчакларни.
Қаноти остида асради толлар,
Шамоллар тебратди беланчакларни.

Нозик қоматини тиклаб олсин, деб
Саратон ўтида ёнмай ғўзалар,
Тупроққа бош уриб, йиғлаб-ёлворди,
Букилиб-букилиб кетган тиззалар.

Гўзал кунларини эгатларингга
Сочиб юборишди ўс, деб болалар.
Сўрадинг, чўлларга суқилиб кирди,
Ғўзани опичлаб олган далалар.

Сен ўсмоғинг керак эди-ку, Ғўза!
Сув, дединг, дарёни тўсдик бемалол.
Энди йиғлаяпмиз, тилсимли тери
Мисоли торайиб бормоқда Орол!

Сўрадинг, сўрадинг, бердик ўйламай,
Қадоқ қўлимизда нималар бўлса.
Сен яна нимани истайсан, ахир,
Нимага баландроқ ўсмайсан, Ғўза!

* * *

Мукаррам хотирасига.

«Той олиб бераман, соғайсанг, ўғлим,
Оппоқ қанотлари шамолни йиртар.
Нафаси кўзингда тош бўлиб қотган,
Ғамларни бир зумда тамом эритар.
Чавандоз бўласан, ҳали чақмоқдай,
Шамоллар ёпишар этакларингга.
Той дўстинг бўлади, уни ҳар оқшом
Етаклаб кирасан эртакларингга...»

Бола тушларида тораяр осмон,
Тойнинг қанотлари синиб боради.
Туёғи остидан кўчган чақмоқлар,
Йироқ-йироқларда сўниб боради.
Тонг олис. Болани иситма енгар,
Тилло қанотларга ўт қўяди ой.
...Кишнаб юборади болани излаб,
Эртаклардан қочиб келаётган той!

* * *

Муҳаббат қалбга меҳмон бўлади.
Эшитганларимдан.

Муҳаббатдан воз кечдим аллақачонлар!
Боқмадим,
Қайтадан суймаслик учун.
Беркитиб ташладим деразаларни,
Эшикни... Хонамга қўймаслик учун.

Агар, у меҳмондай келадиган бўлса,
Кетадиган бўлса яна меҳмондай,
Юлдузлардай кетса, булутдай кетса,
Тағин қоладиган бўлса бу қалбим,
Сайроқи қушларсиз бўм-бўш осмондай,
Мен муҳаббатдан воз кечдим!

Ленинобод.

Мўйдинжон ХОЛМАТОВ

Усмон Носир сўзи

Ўзни урай қаён, қай гумроҳ тошга,
Дўстлар ҳам хиёнат йўлин тутдилар.
Кишанлар қўйилиб бегуноҳ бошга,
Юракни яп-роқдек ғажиб ўтдилар.
Ғараздан бегона, нур — қўшиқ жўшган
Кўксимни элимга тамом тилибман.
Шеърият тоқида тожга талашган
Нокаслар борлигин қайдан билибман?!
Сатрлар — қоним,
олинг, Сизга одамлар!
Ҳақиқат — юрагим —
лим эди СЎЗга!
Бағримни чок этиб жаллод аламлар,
Дилбандим қолмади онамдан ўзга.
Тамшанди ғаним забт этмоқ кўйида,
Лек улар етолмас назмий қасрман.
Топталган даврнинг манфур пойида
Овози бўғилган Усмон Носирман!
Шеър — дардим,
Юрт — дардим,
Сингиллар — дардим...
Барига чин қалқон, қайсар асирман.
Қабоҳатдан дол-дол бўлса-да қаддим,
Қайта кўз,
Юз очган Усмон Носирман!!

ЖУРНАЛХОНЛАР ИЖОДИДАН

Шеърият

Турғунлик йиллар фарёди

Эртадан кечгача минбар — ошиён,
Қанотсиз ҳаволаб кетди тилаклар.
Буйруғу қоғоздан нафас олиб жон,
Темирга айланди беҳис юраклар.

Қизиллик қон эмас, бу — темир зангги,
Қатланиб, давримнинг юзига кўчди.
Бедорлик, нафосат, эзгулик жангги
Толиқиб, во ажаб, ногоҳон ўчди...

Қолдилар бир ёнда толиби илм,
Қонун шу: ҳов ўша шумқадам, далли
Фалончининг ўғли бўлмоқ керак... жим...
Ўқув йили сўнггида олтин медалли.

Талпиниб хаёли гоҳо шаҳарга,
Кетолмас даласин ташлаб келинчак.
Эшиги ёпилар субҳу саҳардан
Пахтазор ланг очиқ турса не керак?!

Ишхона тоқига «Ҳамма пахтада!»
Деган сўз тамғаси босилар, ҳайҳот!
Бу сўз ташвиш ичра алвон тахтада
Кўзлардан излайди илоҳий нажот...

У кун қани бўлиб қолсайди эртак,
Мўйсафид шивирлаб аста ичида.
Ҳамон тахтда ҳатто онасин бешак
Кўрсатмоқ бўлганлар оёқ учида.

Нигоҳлар қақшади.
Сукут сўнггида
Қалқиниб-қалқиниб қўярди ҳаёт.
Халқимга берилди тушмас, ўнгида
Оролнинг қисмати — талҳий мукофот!

Қайларга кетяпмиз,
Қаршингда завол...
Олисга етади хўрликлар ёди.
Ўзига ўт қўйган бу шўрлик аёл —
Турғунлик йилларнинг аччиқ фарёди!

Фарғона область, Ўзбекистон районидаги Нурсух қишлоқ Совети.

Тоҳир ДОЛИЕВ

Сафардан соғинчли мактуб

Дов-дарахтда сезаяпман уйғониш,
Ортиб борар Бобо қуёш оташи.
Лек дилимда соғинчли бир тўлғониш,
Унда эсар ҳамон кузнинг нафаси.
Она, келди айтган фаслинг — омонлик,
Умид борки илинамиз эртага.
Яшамоқнинг бахти бизлар томонлик,
Эзгуликнинг бошланмоқда эртаги.
Баҳор — ўғлим кулгусига ўхшайди,
Илиқлиги қучар еру-самони.
Соғинчли дил бугун сизни қўмсайди,
Мен қаттиқроқ севаяпман дунёни.
Баҳор асли дийдор ила баҳордир,
Дийдор боис мунгли қалб ҳам нурафшон.
Баҳоримсан болагинам, Жаҳонгир,
Менинг учун баҳор сенсан, Онажон.

Самарқанд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаровсиз болалар

(I-мақола)

Мен тарбияси оғир ўсмирлар мавзусида илгари ҳам ёзганман. Бу гал мақоламнинг қаҳрамонлари Самарқанддаги болалар қабулхонасининг «меҳмон»лари. Тўғрисини айтсам, у ерга бориб келгач, кўрган билганларимни қоғозга туширишга анча қийналдим. Гапни нимадан бошлашни билмай бошим қотди. Ахир таассуротлар: гоҳ ғазаб, гоҳ ачиниш ва ҳоказолар ёпирилиб келар, айни вақтда панд-насиҳат сўқиш истаги ҳам устунлик қиларди. Ниҳоят, яхшиси болалар қабулхонасида бўлган бир кун ичида нималарни кўрган бўлсам, қоғозга тушираман деган қарорга келдим.

Ўқиганларидан якун ясаш, умумлаштириш эса журналхонларнинг ўзига ҳавола.

I

Шаҳар четидаги тор — бир қарашда шундай туюлади — кўча бўйида каттакон дарвоза. Дарвозанинг темир панжарали дарчаси тепасига қуйидагилар ёзиб қўйилган:

«Ички ишлар бошқармаси

Балоғатга етмаган болалар қабулхона — тақсимхонаси»,

Милиционер калитларни узоқ шарақлатиб бураб эшикни очди ва биз ҳовлига кирдик. Спорт майдончасида турли ёшдаги, бир хил катак кўйлакли ўғил болалар волейбол ўйнашарди, тўрт ёшлардаги бир бола икки қиз ёнидан жой олган. Қизлар ўн олтиларда. Ҳовли бўйлаб қурилган узун очиқ айвон бир қаватли бинога туташиб кетибди. Бир қаватли бу бино бош корпус экан. Коридорда қизил алвонга йирик ҳарфлар билан шиор ёзиб қўйилган: «Болалар бизнинг келажагимиз!»

«Навоий шаҳар Ички ишлар бўлимига

Самарқанд область ижроқўми Ички ишлар бошқармаси балоғатга етмаганлар қабулхона — тақсимхонасига Навоий шаҳрида яшайдиган, 1976 йилда туғилган Евгений П. келтирилди. Суҳбатлашганимизда 1976 йилда туғилган Алимов Р. деган таниши борлигини, у токсикомания (кимёвий моддаларни ҳидлайди) билан ҳамда майда ўғирлик билан шуғулланишини айтди. Алимов Р. бир неча марта уйидан қочиб кетган экан.

Юқорида айтилганларга асосланиб Алимов Р.нинг ўсмирларга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш учун аниқ чоралар кўришингизни сўраймиз.

Милиция майори Н. Содиқов».

Насриддин Содиқов 1985 йилгача жиноят қидирув бўлимида ишлади, ҳозир болалар қабулхонасининг бошлиғи. У узоқ гапирди, фикрларини аниқ ва маъноли ифодалашни биларкан, шунинг учун саволлар билан гапини бўлиб ўтирмадим.

— Бу ер олдинги ишимга қараганда енгилроқмикин деб ўйловдим, қаёқда... Сочимдаги оқлар икки марта кўпайди.

Энди қабулхонанинг ишларига келсак.

Илгарилари бизнинг қабулхонамиздан икки мингга яқин бола ўтарди. Ҳозир озроқ. Кўпчилиги — ўғил болалар. Улар сайр-томошани хуш кўришади. Бундайлар махсус рейд билан чиқиб ушлаб келинади. Аксариятининг ота-онаси бор. Келтирилган болалар энг аввало медицина кўригидан ўтказилади. Ўтган йили 122 қиздан 80 нафари таносил касалига чалинганлиги аниқланди. Булар ичида мамлакатнинг турли жойларига «гастрол»га бориб танасини пуллайдиганлариям, жиноятчилариям бор. Кўпи бошқа республикалардан келишган. Аммо ўзимизники ҳам етиб ортади. Иссиқ юрт, саргузаштларга ўчлик, уларни бу ёққа бошлаб келган. Яна бировлари пул ишлаб олиш учун келишади. Бизнинг вазифамиз уларни ўз уйига ёки махсус муассасаларга жўнатишдан иборат. Фурсатдан фойдаланиб журналга арзимни айтай: болаларни ишга жойлаштириш ҳамиша оғир кўчади. Кўпларининг уй шароити оғир, ишлашни хоҳлашади, катта бўлиб қолишган ахир, лекин бизга тайин иш ўрини беришмаяпти. Оқибатда корхонама корхона юриб у ёки бу ўсмирни ишга ол деб тавалло қилишга мажбурмиз.

«Навоий шаҳар Ички ишлар бўлимига

Балоғатга етмаганларнинг қабулхона-тақсимхонасига махсус мактаб интернатга жўнатиш учун Евгений П. келтирилди. Навоий шаҳар балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектори беш кундан кейин путёвкани ўзим олиб бораман деб ишонтирган эди.

Бироқ П. қабулхонада 26 кун туриб қолди. Бундан кейин қабулхонадан балоғатга етмаганларни қўрқитадиган жой сифатида фойдаланмаслигингизни сўраймиз.

Милиция майори Н. Содиқов».

... — Ўсмирлар уйларидангина эмас, болалар муассасаларидан ҳам қочиб кетаяпти. Умуман, болаларни бу ерга олиб келадиган йўллар турли-туман. Куни кеча бир аёл область партия комитети қабулхонасига иккита боласини олиб келиб ўша ерда қолдириб кетди. Боқа олмаяпман, деб айтди. Татьяна С. нинг ўзи ҳам болалар уйида тарбияланган. Унинг катта ўғли — Акбаржон тўрт ёшда, уни боя кўрдингиз, бир ярим ёшли қизчасини болалар уйига юбордик. Она ҳозир учинчи боласига ҳомиладор...

Яна бир-иккита мисол келтираман.

Сулаймон Я. Пастдарғом районидан, 12 ёшда. Фожиа тасодифан юз берди: синфдоши билан уришиб қолишади, у йиқилиб ҳушини йўқотади ва касалхонага кетаётганда йўлда «Тез ёрдам» машинасида жон беради. Ота-оналари Сулаймонга зиён етказмасин, деб уни шу ерда ушлаб турибмиз. Сулаймон аълога ўқирди, оиласи иноқ, аҳил... Унинг тақдири қандай ҳал бўлади, билмайман.

К.нинг 1976 ва 1977 йилларда туғилган иккита акаси токсикоман бўлиб қолишган: бензин ҳидлашади. Она фарзандларини бир ўзи тарбиялайди, улар уйларидан қочиб кетиб туришади. Ўзларини йўлдан урган катталарнинг номини айтмайди. Айтгандай, Тошкентда Юнусободда бир болани қандай ўлдиришгани ҳақида телевизорда кўрсатишувди. Улар ҳам токсикоман эдилар.

Болаларнинг ўзлари ҳам келиб туришади, кўпинча бошқа республикалардан. Ўтган йили иккитаси келувди. Оналари касалхонада экан, тузалиб чиққач, келиб олиб кетди.

Минск шаҳридан Саша Одинец деган болани онаси Самарқандда яшайдиган тўнғич қизиникига тарбиялаш учун юборган экан, афтидан опасининг жонига текканми ё бирон бир ҳунар кўрсатганми, у болани бизга топширди. Онасига телефон қилсак, олиб келишга бора олмайман, ўз ҳисобингиздан жўнатаверинг, деди. Кўрдингизми, шунақасиям учрайди.

Дилфуза С. Пастдарғом районидан, 1971 йил туғилган. Уйдан ўзбошимчалик билан чиқиб кетган. Бунгача ҳеч қаерда ўқимаган ва ишламаган. Гапига қараганда, 1988 йил июлда ўгай отаси — Салим С. уни зўрлаб номусига теккан ва яқингача жинсий алоқада бўлиб келган экан. Биз район прокуратурасига бу ҳақда хат юбордик, лекин ҳали жавоб олганимиз йўқ.

Яна шунга ўхшаш ҳодиса: Ленора А, Жомбой районидан, 16 ёшда, уйдан иккинчи марта кетиб қолган. Қиладиган иши нотайин Гавҳар деган аёлнинг уйида яшаган. Ленора пахта терими пайтида далада нотаниш бир эркак зўрлаб номусига теккانлигини айтиб берди. Бу ҳақда ҳам прокуророга хат жўнатдик, лекин шунча вақтдан кейин жиноятчини топиш амри маҳол бўлса керак. Армияга боришдан бўйин товлаб юрган икки йигитни ушладик. Ёшини кичрайтириб олган экан. Бедарак йўқолганларни ҳам аниқлаяпмиз.

Мана Зокир К.нинг иши, у 17 ёшда. Ўзини осган қиз ўлимида уни айблаб, хат қолдирибди. Тергов ҳали охирига етгани йўқ. Ким билади, балки айби бордир...

Амин Р. 13 ёшда. Унинг тарихи даҳшатли. Ота хотинини ўлдириб, қамалган. Қўлида қолган норасида гўдакка биринчи синф маълумотини беришга бобонинг қурби етмади. Ҳозир бола на ўқишни билади, на ёзишни. Отасини қидириб топдик. У бошқа оиласи, болалари борлиги учун бу ўғлидан воз кечди. Бобо набирасидан воз кечгани йўқ, фақат уни бирор нимага ўргатишни сўраяпти.

Биласизми, шунча ишлаганим билан ҳеч кўника олмаяпман: наҳотки улар «ортиқча» бўлса? Ўз-ўзидан шундай савол туғилади. 13 йил ичида биров нима учун бу бола мактабга бормаяпти, нима учун у ёввойи ўтдек, ўз ҳолига ўсаяпти, деб қизиқмади? Одамлар қаёққа қараган ўзи?.

«Самарқанд шаҳар Темир йўл район халқ депутатлари Совети қошидаги балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси мажлисининг 1989 йил 3 мартдаги қарори

Ирина М. 1973 йилда туғилган, ўқишдан бўйин товлагани ва уйдан тез-тез қочиб кетиб турганлиги учун 1988 йил 16 декабрдан район милиция ҳисобида туради.

Масалан, 1988 йил 10 июнда у уйдан ўзбошимчалик билан чиқиб кетиб 10 августда қайтиб келди. Декабрда уйидан икки ҳафтага кетиб қолди. Ҳар икки ҳолда ҳам онаси қизининг қаерда юрганлигидан бехабар эди.

Кечки мактабга жойлашиб олган Ирина М, машғулотларга жуда кам қатнашар, дарсларни бузар эди, бунинг оқибатида мактаб маъмурияти уни ўқишдан ҳайдашга мажбур бўлдилар.

Ирина ўзининг юриш-туриши билан турар-жойи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги ўсмирларга салбий таъсир кўрсатяпти. У 1974 йилда туғилган, 8-синф ўқувчиси Елена И.ни дарслардан олиб чиқиб кетди ва биргаликда уйларидан қочиб кетишди. Ирина М. ўқишни истамайди, онасига қулоқ солмайди. Комиссия мажлисида ўзини номуносиб тутди, комиссия аъзоларининг ҳаммасига айб тақаб уларга ўз фикрини айтишларига йўл қўймади.

Шундан келиб чиқиб, комиссия қарор қилади:

1. Ирина М. ёпиқ типдаги ҳунар билим юртига юборилсин.

2. Ирина М. ёпиқ типдаги ҳунар билим юртига юбориш учун керакли ҳужжатлар тайёрлагунга қадар у қабулхонада сақлаб турилсин».

... — Ҳар ҳолда болалар қабулхонасига тушаётганларнинг сони камаяпти. Ким билади, балки, балоғотга етмаганларнинг кўп табақаларини қабул қилмай қўйганлигимиз учундир. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан болалар қабулхонасида ташлаб кетилган, адашиб қолган, ота-онасининг қаровисиз қолиб давлат ёрдамига муҳтож бўлган (16 ёшга тўлмаган), 11дан 14 ёшли жиноят содир этган ҳамда шахси аниқланмаган болаларнигина сақлашга рухсат берилган. Балоғотга етмаган пиянисталар, гиёҳвандларни шу йилдан бошлаб халқ судининг қарори билангина қабул қиламиз. Бироқ, афсуски, фармон доирасидан ташқарида қолган табақалар ҳам бор. Кўпчилик болалар ёмон ота-оналаридан безиб, қочиб кетаяпти. Биз эса балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг қарорисиз ундайларни қабул қилаолмаймиз. Улар бегона шаҳарларда адашиб-улоқиб бизни ахтаришади, қабулхонада эса остонадан комиссияга қайтариб юборишга мажбур бўляпмиз. Кейин ўн олтига тўлган, аммо ёрдамга муҳтож ўсмирлар ҳам бор. Хуллас, ҳамма нарсани кўзда тутиш мумкин эмас. Шунинг учун вужудга келган янги практикани катта ютуқ деб ҳисоблайман. Бунга кўра бизга келиб тушган болаларни ўзимиз парваришлаймиз. Агар лозим топсак, СПТУга эмас, уйига қайтариб юборамиз. Ота-оналари улардан қутуламиз деб чакки қиладилар. Ўзингиз биласиз, махсус ўқув юртларида яшаш осон эмас. У ер ҳам қамоқда. У ёққа менимча, ашаддий жиноятчиларнигина жўнатиш лозим.

Ҳа, шунақа, қайта тарбиялаб бўлмайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Тошкент болалар қабулхонасида тарбиячига ҳужум қилиш ҳоллари бўлди. Аммо биз учун болаларга қўл кўтариш қатъий таъқиқланган. Шунинг учун ҳар хил ўй-хаёлларга бориб юрманг. Биз ҳаммасини суҳбат йўли билан ҳал қиламиз. Боз устига ҳозирги болалар билимдон, юқорига ёзишлари ҳам мумкин...

«Темир йўл район ички ишлар бўлими бошлиғига Ахборот учун маълум қиламанки, ёпиқ ҳунар билим юртига юборилаётган Ирина М. таносил касали топилгани учун 4 мартда шаҳар тери-таносил касалликлари диспансерига ётқизилди.

Шу йил 9 мартда Ирина М. Диспансердан қочиб кетганлиги ҳақида хабар беришди. Қидиришга доир чоралар кўришингизни сўрайман.

Милиция майори — Н. Содиқов».

... — Бу ерда ўсмирлар билан суҳбат ўтказиб, болаларни қабулхонага келиб қолишининг сабабларини аниқлаймиз. Бизда ҳаммаси бўлиб саккизта тарбиячи ва профилактика бўйича учта инспектор бор. Кун тартиби: соат 7 да уйқудан турилади, бадантарбия, нонушта. Кундузи иш: қутилар ясаймиз, тортлар учун қоғоз қутилар елимлаймиз ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаймиз. Ўқиш — синф хоналарида ўтказилади. Тушлик, кечки овқат менюсини сизга кўрсатамиз. Болалар учун яхши шароитлар яратиб бераяпмиз: тотли овқат, тоза кўрпа-тўшак... Бу кўпчилик учун ғайри табиий, баъзилари ҳатто қабулхонада бутунлай қолдиришимизни сўрашади. Бир бола ҳамиша полда ётишга уринарди: каравотда ётишга ўрганмаганман, кўрпа-тўшакни кир қилиб қўяман, деди у. Уйда ҳам полда ухлаган экан, қочиб юрганида эса, подвалларда, чердакларда...

Мен тарбиянинг энг муҳим воситаси меҳнат, деб ҳисоблайман. Мана, мисол учун ёнгинамизда жойлашган ёпиқ махсус мактаб-интернатни олайлик. Номи «ёпиқ» холос, унинг на баланд девори, на панжараси бор, лекин иш шундай йўлга қўйилганки, кишининг ҳаваси келади. Ўз-ўзини бошқариш жорий этилган. Тарбияси жуда оғир ўсмирлар ҳам бу ерда қайта тарбияланаяпти. Улар тугмалар ясашади, қутилар, гуллар сотишади, ёмон пул ишламайди. Шунинг учун ҳам қочиб кетишмайди. Бир нарса ёмонки, бунга ўхшаган махсус мактаб-интернат республикамизда ҳозирча фақат битта. Жой, ўз-ўзидан маълумки, етишмайди. Биз ихтиёримиздаги барча болаларни ўша ерга юбора олмаётганимиздан афсусланамиз.

Балоғатга етмаган Ирина М.нинг тушунтириш хатидан:

«Менинг уйимдаги вазият моддий ва маънавий жиҳатдан яхши. Мен уйдан 1987 йилдан бошлаб кетиб қола бошладим. 1988 йил сентябрдан мен ҳеч қаерда ўқимадим ва ишламадим. 1989 йил 3 мартда мени район ижроқўмининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекциясининг қарори билан Самарқанд болалар қабулхонаси орқали ёпиқ ҳунар мактабига юборишди. 4-мартда мени шаҳар тери-таносил касалликлар касалхонасига ётқизишди, у ердан 7 март куни қочиб кетдим. Сўнг Тошкентга келиб танишимникида яшаб юрдим. Самарқандга қайтгач, ювиниб олиш учун дугонам Линаларникига кирдим. У ердан мени инспектор ушлаб олиб яна диспансерга олиб борди. 17 мартда диспансерда мен писка билан чап қўлимни 40 марттага яқин кесиб яраладим. 17 мартда чекишни ташладим. Спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилмайман.

24. 03. 89».

...— Мен шундай ўйлайман: бизнинг қўлимизга болаларнинг озгинагина қисми тушяпти. Яна қанчадан қанчаси назоратсиз қолишяпти?!

Бизнинг биномизга эътибор қилдингизми? Уттизинчи йилларда қурилган, бу ерда аввал карвонсарой жойлашган экан. Мен мана беш йилки, барча талабларга жавоб берадиган янги бинога эришиш учун уриняпман, лекин натижа чиқмаяпти. Бизда турли ёшдаги болалар бор: ана, каттаси ўн олти ёшда, энг кичкинаси эса тўрт ёшда. Бироқ ҳаммасини бир жойда сақлашга тўғри келаяпти. Ваҳолангки, бири иккинчисига салбий таъсир кўрсатади. Уларни бир-бирларидан ажратиш керак, аммо бунинг иложи йўқ. Биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмаяпти.

Демак, сиз болалар билан танишмоқчисиз? Ҳозир бизда Қизил Ўрдадан келган учта бола бор. Уларнинг етакчиси — Пьянзин ўзининг эмас, бошқа бировнинг фамилиясини айтгани учун шахсини дарров аниқлай олмадик. Маълум бўлишича, кўпни кўрган «сайёҳ» экан у. Ота-онасига телеграмма бердик, ярим ой ўтган бўлишига қарамай жавоб йўқ. Уларни уйларига ўзимиз жўнатишимизга тўғри келаяпти.

II

Витя 12 ёшда. Сепкил юз, сариқ сочлари тикондай, кўк кўзлари чақнаб туради. У қочоқликнинг роса машқини олганлиги яққол кўринибди турибди. Ишга тикилган тушунтириш хатида вокзалда официант бўлиб ишлайдиган онаси, пияниста ўгай отаси-ю бекордан бекорга хафа қилишаверганидан безиб Самарқандга, ўз отаси ёнига қочганлари (Самарқандга Витя иккита оғайниси билан келган) ҳақида ҳаяжонли воқеа баён қилинган.

Унга В. Волошин деб имзо қўйилган.

«Мен, Пьянзин Виктор, Қизил Ўрдада онам ва синглим билан бирга яшайман. 15 мартда мен кўчага чиқиб икки ўртоғимни кўриб қолдим, биз поездда сайр қилишга қарор қилдик. Бир сўмимиз бор эди, проводник вагонга чиқишимизга рухсат берди. 18 мартда биз Туркистонга етиб келдик. Самарқандда эса бизни тутиб олишди. Йўлда биз ўзимизни ака-укалармиз бирга яшаймиз деб айтишга келишиб олган эдик, шунинг учун ёлғон гапирдим. Ёлғон гапириб яхши қилмаганлигимни тушундим. Бошқа алдамайман. Мен чекаман, онам буни билади ва сигареталар учун пул бериб турарди. Кўчада бировлардан қолганини чекканингдан кўра пул бериб турганим маъқул деб айтди. Болалар қабулхонасида хулқим яхши, ҳамма болалар билан дўстлашганман, фақат биттаси билан дўстлашмадим. Унинг исми менимча, Ғайрат, у ҳаммани хунук сўзлар билан сўкади, шунинг учун у билан дўстлашмадим.

Менинг сўзларимдан тўғри ёзиб олинган. Виктор Пьянзин».

Витя бу тушунтириш хатларида уйдан қочиб кетишининг сабаблари ҳақида ёзмабди, шу боис унга қуйидаги саволларни бердим.

— Бу ерга қачон келдинг?

— Бир ярим ой бўлди.

— Нимада келдинг?

— Юк ташийдиган поездда.

— Нима учун уйдан қочиб кетишга қарор қилдинг?

— Шунчаки қизиқ бўлиб кўринди.

— Хўш, қанақайкан?

— Энди қочиб кетмайман.

— Йўлда очиқиб қолмадингизларми?

— Йўқ, пулимиз бор эди.

— Онанг сенга хат ёздими?

— Қаерга ёзади?

— Сен онангга хат қолдирмаган эдингми?

— Йўқ.

— Онангга ичинг ачимадими? Икки энлик қоғозга соғ-саломатман деб қўйиш қийин бўлдими?.. Улар барча ўликхоналарни қараб чиқишди.

Шу пайтгача бола ўзини яхши тутди. Саволларга қийналмай тўхтамай жавоб берди. У бунақа саволларга жавоб бераверишга ўрганган. Ахир уйдан бир неча марта қочиб кетган. Поезддан уни бир неча марта тутиб олишган-да. Ҳозир кутилмаганда кўзларини мендан олиб қочди:

— Йўқ.

— Нима йўқ?

— Улар ўликхоналарни қараганлари йўқ.

— Лекин ота-она, барибир, ота-онада, қарашган...

— Менинг дадам ўгай, синглимнинг ўз дадаси. Менинг дадам кўп ичарди, шунинг учун онам у билан ажралишган. Дадам ҳозир Сибирда.

Назаримда, унинг биринчи тушунтириш хатидаги воқеаларнинг ҳаммаси ҳам тўқиб чиқарилганга ўхшамайди...

Витяни бугун ўртоқлари билан уйларига жўнатишади. Қабулхона бошлиғи Содиқов таъкидлаганидек давлат ҳисобида жўнатишяпти. Лекин яна ўн минутча вақт бор.

— Бу ерда сизларга қандай муомала қилишяпти?

— Яхши. Бизда, Қизил Ўрдада ёмон уришади, ҳафа қилишади. Ўгай отам билан — у менинг кўзларимга тик қаради — бизнинг муносабатимиз яхши.

— Пьянзин, бу ёққа!

У бурнини тортиб қўйди-да, «хайр» деди ва хонадан чиқди.

Унинг йўлдошларини кўришга улгура олмадим. Бу орада эшик олдида Содиқов пайдо бўлди.

— Қалай, гаплашиб олдингизми? Яна бир йигитча бор. Қўшнисининг қизчасини зўрлаган. Оиласи ёмон эмас, ўқишлари ҳам дуруст. Қилмишидан жуда пушаймон... Уни кўришни истайсизми?

Улуғбек Т. Қўрқа-писа кириб стулнинг бир четига ўтирди, худди биров уни уриб қоладигандай сезарди ўзини. Мен ҳозир кўнгилсизлик содир бўлишини кўнглим сезди. Содиқов дағдаға билан гапиришга ўтган, ундан «Қандай қилиб бу ишга қўл урдинг?» Нимага бунақа қилдинг? Пушаймон тортаяпсанми ҳеч?» деб шахт билан сўрай бошлади.

Боланинг юзи азоб билан буришди, бўғзига келиб қолган йиғини босишга зўр бериб уринди.

Мен энди бу сўроқни қандай тўхтатиш ҳақида бош қотирар эдим. Мен бошлиқни бундай деб сира ўйламаган эдим...

Мен нима қилишимни билмай алланималар деб ғўлдираб Улуғбекни тинчлантирмоқчи, имо-ишора билан Содиқовни ташқарига чиқинг деб ёлворганимни, Улуғбекка ҳаммаси яхшилик билан тугайди, сен ҳадемай уйингга, ота-онанг бағрига қайтасан, йиғлаш керак эмас, ҳеч ким сени хафа қилмоқчимас, хафа қилмайди ҳам деб ёлғон гапирганларимни эслаш оғир...

Бола бошини чайқаб кераксиз сўзларни ҳамда ўзига узатилган лимонадни рад қиларди. У сўзларимни эшитмаган ва тушунмаган бўлишиям мумкин. Улуғбек юзларини кафтлари билан бекитиб хонадан чиқди, мен бўш стулга тикилганча бу топшириқни бажариш айни менинг зиммамга тушганидан аччиқ афсусланардим. Содиқов бўлса стулга ўтириб мени тинчлантирмоқчи бўларди:

— У билан биринчи марта суҳбат ўтказилаётгани йўқ, мен ҳам, тарбиячилар ҳам суҳбатлашган, ўзи шунақа, йиғлоқи... Суриштириб келганда унинг ишлари ёмон эмас. Қизалоқнинг ота-оналари қизини унга турмушга бермоқчи. Қарор чиқаришда балки шуни ҳисобга олишар. Агар ҳисобга олишмаса... Унда яхши деганда ёпиқ ҳунар билим юртига юборишади... Ҳа... Мана бу бир дақиқалик дил ҳуши деб ёшликни жувонмарг қилишади. Э, кўп куйинаверманг, бунақа нарсалар бўлиб туради. Бошқа болалар билан гаплашинг. Аммо у менга диққат билан тикилди — суҳбатни сал кейинги қолдирганимиз маъқул. Болалар ҳозир тушлик қиляпти, биз эса қабулхонани айланайлик, ётоқхонага кирамиз, биномизни кўрсатаман. Бизда иш қандай йўлга қўйилгани ҳақида ва бизга янги, жиҳозланган бино жуда зарурлиги ҳақида ёзасиз...

Мана шу гапларни тинглар эканман, Насриддин ака ҳамроҳлигида қабулхона билан танишиш учун йўл олдик. Рўпарамизда эса «Болалар бизнинг келажагимиз!» деган шиор кўзга лоп этиб ташланиб турар эди.

Л. ШАХНАЗАРОВА,
Самарқанд шаҳри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мутолаа

Адабиёт ва биз

1. Ҳозирги ўзбек адабиётида ўзингизга энг маъқул 3 асарни санаб ўтсангиз.

2. Ҳозирги ўзбек адабиётини жаҳон адабиётига қиёсласангиз.

3. Китоб ўқиш тажрибангиздан пича ўртоқлашсангиз.

Афсуски, мен ўзбек совет адабиётида яратилган жуда оз, бармоқ билан санарли асарлардан қониқиш ҳосил қилганман. Булар — Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён» романлари. Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» тарихий драмаси, Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», Миркарим Осимнинг кичик тарихий асарлари, хусусан, «Ўтрор» қиссаси...

Бу асарлар тарихимизга, ота-боболаримиз ҳаёти, турмуши, урф-одатларига ё ҳурмат билан, ёки жилла қурса холис муносабатнинг самараси бўлгани учун ҳаққоний асарлар ҳисобланади. Бу асарларни ўқиб муборак тупроқда бағоят ҳалол, одил, меҳнаткаш, ер юзидаги бошқа халқлардан яхшироқ бўлса яхшироқдиру ёмон бўлмаган катта бир халқ ўз тараққиёт йўсини, маданияти, инқирозлари билан яшаганини ҳис қиласиз ва ота-боболаримиз талай асарларда кўрсатилганидек беномус, калтафаҳм, овсар, бачканаликдан бошқасини билмайдиган, ношукур-нотовон, еттита хотинга уйланиб, невара-эваралари тенги заифалар орасида деразага келиб урилган бўйрадан ўтакаси ёрилиб ўтирган жоҳил эмас, балки юксак тараққиётни бошдан кечирган ўзга халқ вакилларидек маънан-ахлоқан комил бўлганини сезасиз ва фахрланасиз. Фахрлана туриб бундай халқ авлодларининг бугунги парокандалигидан изтироб чекасиз, беихтиёр бунинг туб сабаблари ҳақида ўйга толасиз.

Афсуски мен бу асарлар ҳақида эмас, ёқтирмаган китобларим ҳақида тўхталишни истардим. Бу асарлардан бири бадиий бақувват, боз устига машҳур ва яратилганига ярим асрдан ортиқ вақт ўтганига қарамай танқидчиларимиз томонидан ҳануз классик асар сифатида эътироф этилаётган, уни танқидий таҳлил қилиш тугул, у ҳақда ўзгачароқ фикр билдириш шаккоклик деб тушуниладиган асар — Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи, иккинчиси ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг дарсликлардан мустаҳкам ўрин олган «Синчалак» повести.

«Сароб» — оғир даврда миллий маданиятни ривожлантириш, омманинг онгини уйғотишга бел боғлаган шахсларни ҳалокатга маҳкум синф вакиллари, миллатчилар сифатида кўрсатиш, талқин этиш мақсадида ёзилган асардек таассурот қолдиради. А. Қаҳҳор ўзи айтмоқчи, воқеликка фақат Чехов кўзойнаги билангина эмас, балки айни чоқда (асар ёзилган пайтда) энди-энди ниш ураётган машъум шахсга сиғиниш даврининг жонбозлари — ждановчилик ойнагини ҳам тақиб қараган. У «Чўлпоннинг шеърлари ёшлар юрагига отилган заҳарли ўқ бўлди» деб ёзган, ёзаолган адиб сифатида Саидий билан унинг дўстлари тақдирини кўрсатиш орқали янгиликка интилган ва бу йўлда зиддиятли қарашларга эга бўлган жадидлар фаолияти, интилишлари «саробдир» деган ҳукм чиқаради. Мана шу тенденциоз асар 20-30-йилларда ўзбек совет адабиётининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни нотўғри, бир йўналишдаги ўзанни белгилаб бермадимикин? Ушбу асарни ўқиган ёш авлод борки, то давр ҳақидаги аниқ, ҳаққоний ҳужжатларни ўқимагунича ёки «ақли тўлмагунича» жадидлар, 20—30-йиллар ўзбек зиёлиларининг тақдири хусусидаги нотўғри тасаввурларидан қутулолмайди. Бунга ким айбдор ёки ким сабаб?

А. Қаҳҳор ҳар қанча истеъдодли бўлмасин замонасоз адиб эди; у аксар ҳолларда ўткинчи ақидалар, муваққат мезонлар, юқори доираларнинг кўрсатмаларида ушлаб ўтилган ҳақиқатларга таяниб ижод қилган ёзувчи эди; у жадидлар ҳаракатини ё тушунмаган ёки мутлақо инкор этган.

Яна бир шахсий кузатишим — Саидий зиёли, ўқимишли бўла туриб, табиат ва адабий тақдирининг баъзи жиҳатлари билан ўзига ўхшаган адабий қаҳрамон — оддий матрос, кўчабезори Мартин Иден даражасида фикр юритолмайди — атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни ўша матросчалик тадқиқ қилолмайди.

Мен ёқтирмаган иккинчи асар — «Синчалак» қиссаси. Тажрибали санъаткор, талабчан адибнинг бу қиссаси ёзилиши, композициясининг пухталиги, жонли тили билан таҳсинга сазовор. Аммо А. Қаҳҳор мисни олтин сифатида кўрсатишга одатланиб қолган одамдек Саида образини фаол, сергайрат яратади. Бироқ, чинакам ўзбек аёлининг ҳаёти, фазилати умуман маънавий олами аслида Саиданинг ҳаёти ва хатти-ҳаракатларидан тубдан фарқ қилади. Хўп, ёзувчи даврининг илғор кишиларини ўзи орзу қилган қиёфада — идеал образ яратишга ҳақли дейлик. Модомики, адиб ўзбек аёлининг Саида даражасига чиқишини, ўзи ишонган, ўз ишончини турмушда, ўзбек аёллари онги ва психологиясида энди-энди пайдо бўлаётган ўзгаришлар орқали идрок қилган экан, айтиш мумкинки — унинг сезгиси алданган. Чунки худди шу Саидалардан, яъни бир сўзли, мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, иродали, шижоатли, мажлисларда гўзал нутқлар ирод қиладиган қизлардан Раъно Абдуллаевалар етишиб чиқмадими?!.

Машҳур ёзувчининг машҳур асарини тилга олаётганимдан, менга ахир бизда бўш, хом-хатала асарлар ачиб-бижиб ётибди, ўша асарлар ҳақида танқид ёзиш тўғри эмасмиди, дея эътироз билдиришлари мумкин.

Дейлик, магазиндан иккита буюм харид қилдингиз. Қарабсизки, иккалови сифат бобида бир-биридан «ўтаман» дейди. Буниси етмаганидек, улардан бирига «Сифат белгиси» тамғаси урилган. Хўш, шунда қайси буюм кўзингизга хунукроқ бўлиб кўринади — табиий, «Сифат белгиси» урилгани!.. Мен санаган асарлар адабий жамоатчилик, танқидчилик томонидан ана шундай белги билан тақдирланган. Хом-хатала асарларни кўпчилик ўқимас, мазкур асарлар бамисоли хориждан келтирилган буюмдек қўлма-қўл бўлади, «яхши асар дейишяпти, ёмон бўлса шундай мақташармиди» деган кўнгилда ўқийверишади.

Яна шундай тоифадаги асарлар борки, улардаги ижобий-салбий образлар учун ҳаётий мисоллар гўё тайёр қилиб қўйилгандек: зиёли — яхши, сотувчи — ёмон; идора хизматчиси — яхши, ошпаз — ёмон ва ҳоказо. Ҳаётни шундай идрок этадиган романчи ва қиссахонлар ўзлари тўқиб чиқараётган қаҳрамонлари учун исм-шариф танлашда ҳам ортиқча қийналмайдилар — Соқи Соқиевич, Боқи Боқиевич, деб юборавередилар.

Бундай асарлар турғунлик йилларида жамиятимизда ҳукм сурган бузғунчилик, мунофиқлик каби иллатларнинг илдизини очиб кўрсатиш ёки жилла қурса шунга ишора қилиш ўрнига муаммоларнинг моҳиятини бузиб ва шу тариқа чинакам ҳақиқий касалликни яширишга, шу тариқа кишиларни чалғитишга ёрдам берган. Қарийб ҳамма ёзувчилар назарида Соқи Соқиевчилар жамиятни бузилишга олиб келган, улар нопок, пулдан бошқа муқаддас нарсалари йўқ. Ҳолбуки, бугун ўша даврда жамиятни бузилишга олиб келган, улуғ мақсадларни, одамларнинг иззат-нафси, қадр-қиматини оёқ ости қилган, қонунни, конституцияни ўзининг ғаразли ва шахсий манфаатлари йўлида истаганча бузган, ҳалол ва пок кишиларни ёмонотлиқ қилган одамлар Соқи Соқиевичлар эмас, балки юқори идораларни эгаллаганлар эканлиги айтиляпти.

Ваҳоланки, бизнинг жамиятимиздаги қонунлар кучи сақланар ва ҳалоллик, тўғрилик улуғланар, ҳукуматни чинакам коммунистлар идора қилар экан, Соқи Соқиевичлар ўз-ўзидан ҳаёт саҳнасидан тушиб қолади.

Олим ОТАХОНОВ.

УИЛЬЯМ ФОЛКНЕР

▲ Мен инсоннинг бардош бера олишига эмас, унинг тантана қилишига ҳам ишонаман.

▲ Сизлар — ер юзидаги барча ёшлар бирикиб, қайси йўлдан боришни билсаларингиз, дунёни ўзгартиришга, уни уруш балосидан, ҳақсизлик ва азоб-уқубатлардан халос этишга қурбингиз етади.

▲ Агар биз Американинг орқага қайтарилмас маданият тараққиётига қадам қўйиб ҳам гўдакларни ўлдиришга мажбур бўлаверар эканмиз, танимиз қайси рангда бўлмасин биз ўлимга маҳкуммиз ва шубҳасиз нобуд бўламиз.

▲ Инсон масъулиятни ҳис этган ҳолда эркин бўлмоғи керак, ҳақиқатга садоқатли бўлган ҳолда ҳамма нарсани айта олиш ҳуқуқига эга бўлмоғи керак.

▲ Инсонга ўзи қатъиян ишонган нарсасини гапиришни таъқиқлаётган ҳукумат ноодил ҳукуматдир ва шу сабабдан ҳам у ҳокимиятни узоқ ушлаб туролмайди.

▲ Ёзувчининг бурчи ҳақиқатни айтишдир, айтганда ҳам шундай айтиш керакки, ўқиганлар ҳақиқатни англаб етсинлар ва бир умр ёдда сақласинлар.

▲ Ишончим комилки, инсон ҳақида ёзиш қандайдир ҳақиқатни очишга мажбур қилади.

▲ Агар ёзувчи эрмак учун ёзса, демак у эркин эмас, демак унда масъулият ҳисси йўқолган; у ҳолда у иккинчи даражали ёзувчи бўлиб қолаверади.

▲ Адабий ҳодиса ҳам ёзувчилик меҳнати, ҳам ўқувчилик идроки билан бир вақтда биргаликда намоён бўлади.

▲ Китоб ёки асарни яратиш учун икки киши: ҳам ёзувчи, ҳам ўқувчи бўлиши шарт.

▲ Ёзувчи давлат хизматига ўтмагунга, ёхуд жиноят қилмагунга қадар унинг шахсий ҳаёти фақат унинг ўзигагина тегишли; ва фақат унинг ўзи эмас, жамият ҳам унинг эркини ҳимоя қилмоғи керак, илло, бир кишининг эркинлиги бошқа бир кишининг эркинлиги тугаган жойдан бошланади.

▲ Агар ҳукумат ёзувчини қўллаб-қувватлаб турса ёмон бўлмасди; бироқ бу жуда қийин масала, қўллаб-қувватлаш назоратга айланиши ва агар ёзувчи давлатдан манфаатдор бўладига бўлса, у ўз эркини йўқотиши мумкин.

▲ Инсон камчиликлардан ҳоли эмаса-да унга ишончим чексиздир.

▲ Матонатли бўлиш учун мукофот лозим эмас, матонатли бўлишнинг ўзи энг катта мукофотдир.

▲ Худо шоҳид. Одамни яратган ҳам ўша. Агар Худонинг борлигига ишонмас экансиз, сиз ҳеч нарсага эриша олмайсиз. Сиз унга тавба қиласиз, кейин эса шубҳага бориб яна «Нима учун», «Нима сабабдан» дея сўроқлай бошлайсиз ва сиз шундай шубҳага борганингиз учун ҳам Худо ғойиб бўлади.

▲ Санъат фақат дунёқарашимизнинг ифодаси тарзи эмас, балки инсоният учун нажот йўли ҳамдир.

▲ Япон маданияти мен учун заковат, французларники мулоҳазакорлик, инглизларники ўзига хослик, италияликларники эса барча инсоний ид-

«МУТОЛАА» почтасидан

1346. Мен энг яхши кўрган китобларимдан бири — «Гулисёҳ» романи. Уни кўпчилик ўқигиси келади, лекин у магазинларда топилмайди. «Гулисиёҳ» яна нашр этилса деган умиддаман.

Сожида УРМОНОВА,
Наманган области, ўқувчи.

814. Бирорта китобни ўқиб битиргач ҳаяжондан ўзингни қўярга жой тополмай юрасан. Гаплашадиган, фикрлашадиган, баҳслашадиган бир одам топилмайди. Ана шундай пайтларда «Китоб биз-нинг дўстимиз» деб номланган тўгараклар бўлса, ўша ерга бориб фақат китоблар, китоб ўқиш ҳақида суҳбатлар қурилса! Мен шуни орзу қиламан.

Шаҳноза ТОШИЕВА,
Қашқадарё, ўқувчи.

1535. Ўтган йили Днепропетровскда китоб бозорига бордим. У ерда Шарқ достонлари, шунингдек Умар Хайём, Навоий, Бобур ижодига мансуб китоблар арзанда эканини кўрдим. Ва ўйлаб қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУРЧИМИЗ-ҲАҚИҚАТНИ АЙТИШ!

рок маданиятидир. Менинг тушунишимча, Япон ҳамда Хитой маданияти учун муҳим бўлган ақлидрок бизнинг тасвирий санъат ва поэзиямизда ҳам намоён бўлмоқда.

▲ Агар ёзувчи ниманидир айтмоқчи бўлса, у ҳеч қанақанги мададга муҳтож эмас. Дейлик, миллион доллар учун у яхши, ёхуд ёмон ёзиб қолмайди. Ҳатто у қашшоқ бўлса ҳам ва нон, гурунч ҳамда бир парча гўшт учун бир кунда саккиз соат ишлаган тақдирда ҳам ёзишга вақт топа олади.

▲ Ҳар бир ёзувчининг мақсади одамларнинг дунёқарашини юксаклик сари йўналтиришдир.

▲ Фақат инсоннинг ўтмиши ва келажаги сингиб кетган мана шу дақиқалар ҳақиқат. Бу эса мангуликдир.

▲ Қалб инсонларнинг покланишини истайди. Қалб ёмонлик ва ёвузликни ажрата олади. Айнан қалб бизни яхшироқ бўлишга ундайди. Қалбдан ёзиш керак деганда мен шуни тушунаман.

▲ 34—45. Бу — роман ёзиш учун қулай ёш; ижодкорнинг бу пайтда ҳаёт тажрибаси ошган, қалбидаги аланга ҳали сўнмаган бўлади. Ижоднинг бу тури унчалик шиддаткорликни эмас, аксинча дилдаги аланганинг узоқ ёниб туришини талаб қилади. 17—26. Бу поэзия учун энг қулай ёш. Шеърнинг яратилиши ғамланган ёқилғи зарур бўлган ракетанинг парвозидир. Энг машҳур поэтик асарларнинг кўп қисми ёшлар томонидан ёзилгандир.

▲ Ёш ёзувчи шунинг учун ҳам ўзи ҳақида ёзадики, чунки у ўзини бошқалардан кўра яхшироқ билади, ўзидан меъёр сифатида фойдаланади, вазифани енгиллаштириш учун эса ўзини қандай тасаввур қилса, ёхуд — ўзи қандай бўлишни орзу қилса ёки бўлмаса ўзидан қандай ҳолатда нафратланса — шуни ёзади.

▲ Биз қуёш нури каби инсон ҳаётидаги ҳар бир дақиқанинг беқиёс эканлигини тасвирлаш ҳамда саҳифага ҳаммасини сиғдириш учун батафсил ҳикоя қилишга интилдик. Шунинг учун ёзганларимиз оғир, уни ўқиш жуда қийин. Бу атайлаб оғир ёзишга интиламиз дегани эмас, аксинча, бошқача ёза олмаганимиз учун ҳам шундай ёзамиз.

▲ Ўз олдида кўндаланг турган муаммоларни фақат инсоннинг ўзигина бартараф эта олиши мумкин. Ҳеч қандай сиёсат, ҳеч қандай мафкура унга ёрдам бера олмайди.

▲ Покликнинг барқарорлигига ишониш керак, тамом-вассалом. Ишонч шунчаки зарурат эмас, ҳалолликнинг, Бутунликнинг муқаррарлиги ҳамдир.

▲ Ким туғма рассом бўлса, ким ўз маслагига содиқ бўлса, у бахтлидир, чунки, санъатда ҳеч ким эраталаб хат ташувчини кутгани каби мукофот кутиб яшамайди.

▲ Камю бу тушуниксиз ва мураккаб дунёда туғилган инсоннинг муаққақ бурчи яшашдан, ҳамда озодликни, қаршилик кўрсатишни ва ўз ҳаётини англаб етишдан деб ҳисобларди. Инсоннинг аросатда қолиб, ўлимни танлаши — бу нотўғри йўлдан бориш демакдир. Тўғри йўл эса ҳаёт ва қуёшга олиб борадиган йўлдир. Бир умр қаҳратон совуқда муттасил азоб чекиб яшаш мумкин эмас.

▲ Камю шунинг учун бош кўтарди. У қаҳратон совуқда азоб чекишни ва ўлимга олиб борадиган йўлдан боришни истамади. У юрган йўл ўлимга олиб бормайдиган бирдан-бир тўғри йўл эди. У юрган йўл қуёшга олиб борарди; чунки шу йўлдан борган тақдирдагина заиф ақлимиз, кучимиз ва бемаъни воситаларимиз орқали ҳанузгача мавжуд бўлмаган нарсаларни яратиш мумкин эди.

▲ Одамлар «Гека Фин»ни ҳали узоқ вақт ўқишади. Бироқ, моҳиятан Твен бирорта ҳам роман ёзгани йўқ. Агар роман ўзига хос бир талай жанр белгиларига эга деб қарасак, унинг асарлари роман талаби даражасида эмас. Унинг асарлари эпизодлар ўзаро боғланмаган эркин баёндан иборат, ҳали пишмаган бўтқага ўхшайди.

▲ Инсон фожиаси унинг иложсизлигида, ёки бўлмаса ҳаддан ташқари мураккаблигида — бошқалар билан ҳақиқий муносабатда бўла олишидадир.

▲ Ҳар қанақанги азоб-уқубатларга қарамасдан Инсонга ва Инсоннинг матонатли эканига ҳамиша ишониш керак. Агар ростдан ҳам ўзи истаса ва жиддий курашса инсон енга олмайдиган азобуқубатларнинг ўзи йўқ.

▲ Исоннинг ғалабасига бўлган ишонч мунтазам исбот ва янгидан-янги тасдиқларни талаб қилавермайди. У Оллога ёки Буддага ёхуд бошқа илоҳият тимсолига бўлган ишончга эгизакдир.

▲ Ёзувчининг вазифаси китоб ёзиш ёки китоб чиқариш билан чекланиб қолмайди; у кишиларга зарур бўлган, уларни масъулиятни ҳис этишга, ғурурли, ифтихорли ва жасоратли бўлишга ундайдиган улкан ҳақиқатни топмоғи керак.

▲ Асарларимни тушунмагани учун ўқувчи мутлақо айбдор эмас. Ҳамма ёзувчилар қатори мен ҳам содда ва тушунарли қилиб ёзишга интиламан. Баъзида бунга эришолмаган бўлсам бу менинг айбим.

Инсон маънавиятини мустаҳкамлаш керак! Бу барчага — ким тасвир устаси бўлмоқчи бўлса, ким вақтихушлик учун, ёхуд шунчаки ҳижолатда қолмаслик учун ёзаётган бўлса, ким ўзлигидан, ўзининг шахсий қалб қийноғидан қутулишни истаётган бўлса ҳаммага бирдек тааллуқлидир.

▲ Ақлнинг ва характернинг мустаҳкамлиги туфайли ҳам инсон ҳамиша ғолиб келади. Унинг қалби ҳаммасига бардош бера олади; у бунёдкорлик қудратига эга; у ўз ҳукмини юргизиш учун техникани яратди. Бироқ қўрқинчлиси шундаки, инсон ўз қўллари билан яратган машинанинг қулига айланиб қолмаслиги керак.

▲ Одамзод йигирма тўрт соат ичида ер шарини самолётда айланиб чиқиш мумкин бўлган шиддатли тезлик асрида бир мамлакатнинг муаммолари бошқа бир мамлакат ҳаётига тааллуқли эмасдек туюлиши мумкин. Бироқ бундай эмас. Зотан, бир миллатнинг озодлиги ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ҳам озодлигидир.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ
таржимаси.

дим: ўшандай бобокалон шоирларимиз китоблари нима учун ўзимизда кам нашр этилади? Машраб, Жомий, қардошлардан — Низомий, Насимий, Фирдавсий сингари мумтоз меросимиздан намуналар кўплаб чиқарилса, уларни ёшларимиз ҳам қўлдан қўймай ўқиса яхши эмасми?! Алишер Навоийнинг нашр этила бошланган 15 жилдлик асарлари ҳам жуда оз нусхада босиляптики, у мутлақо талабни қондирмайди. Яқинда Тула полиграфия комбинати бир вараққа битилган байт ва қамиш қалам сувратини плакат сифатида чиқарди. Байт қуйидаги русча сўзларда битилган:

Поймите люди
Всей земли,
Вражда —
плохое дело,
Живите в дружбе
меж собой —
Нет лучшего
у дела!

Алишер Навои.

Шунинг ўзи ҳам 60 минг нусхада чиқарилгани севинтиради кишини. Хуллас, халқимиз — китобхон халқ, зеро, улардан китобни аямаслигимиз керак!

Низомиддин ОРИПОВ,
Андижон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА

Қорнинг тўқми, талаба?...

Студентлар шаҳарчаси... Уни ёшлик шаҳри деса ҳам бўлаверади. Тўғри эмасми, ахир, бўлғуси олимлар, муаллимлар, шоиру ёзувчилар ёшлигининг олтинга тенг йиллари — студентлик даври шу ерда кечади. Студентлар келаверади, кетаверади, лекин умрининг бир парчаси шу ерда қолади. Излари — устозларининг юракларида ва шаҳарча кўчаларида қолади. Ва бу изларнинг ҳеч бири бошқасига ўхшамайди... Шаҳарча ҳақидаги хотираларини эса юракларида олиб кетишади, гўё узоқ сафарга отланган ота-боболаримиз она юрт тупроғини олиб кетганларидай. Ахир Студентлар шаҳарчаси ҳам барча студентларнинг онаси — уларни бағрига олиб қувончу шодликларига, қайғу-аламларига шерик, илк муҳаббатларига гувоҳ бўлган, имтиҳондан йиқилиб кўз ёш тўкканларида юпатган...

Пул бўлса чангалда шўрва...

...Энди бу лирик чекинишни тўхтатиб, Студентлар шаҳарчасининг ҳозирги қиёфасига бир назар ташлайлик.

Шаҳримизнинг энг гавжум жойларидан бири бўлган мўъжазгина шаҳарчада Тошкент Давлат университети, Ўрта Осиёда энг йирик олий ўқув юрти ҳисобланмиш Политехника институти, бир қатор бошқа олий ўқув юртлари, Маданий-оқартув техникуми ва кинотехникумларнинг студентлари яшашади. Лекин минглаб студентлар яшайдиган шундай шаҳарчага муносиб биронта китоб магазини йўқ. Тўғри, университет биносининг ичида китоб сотувчи 2—3 та дўконча бор, лекин уларда катта магазинларда ҳам сотилмай ётган китоблар чанг босиб ётади, холос.

Бу ҳол қачонгача давом этаркин? Наҳотки кундан-кун яшариб, кенгайиб бораётган студентлар шаҳарчасида биттагина каттароқ китоб магазини қуришга имкон бўлмаса? Бу ҳақда ўйлаш кимнинг тасарруфига киради?..

Сессия яқинлашиши билан Политехника институти студентлари юрагига чўғ тушади: ватман қоғоз топиш керак! Кошкийди, у магазинда турса-ку, ер шарининг нариги бурчида бўлса ҳам топиб келишарди-я, лекин... Лекин, шу вақтда «олтинга тенг» бўлиб қолган ватман қоғозни топиб кўринг-чи! Курс ишлари-ю лойиҳалар чала ётибди, диплом ёзаётганларнинг фиғони кўкка чиқади: ватман қоғоз йўқ! Домлалар эса (ҳозирги домлаларга ҳайронсан!) қулоқ солишни хоҳлашмайди: «Шунча студентлар қоғозни қаердан топяпти? Ернинг тагидан бўлса ҳам ўзинг қидир, топ».

Шу вақтда худди осмондан тушгандай бир «фаришта» пайдо бўлади-ю, бечора студентларга ёрдам қўлини чўзади: «Ватман қоғоз керакми? Марҳамат, ватман қоғоз — бир сўм, ярим ватман — эллик тийин». Ҳолбуки, худди шу ватман қоғоз 25 тийин, ярим ватман эса 9 тийин туради. Бечора студент эса хурсанд бўлганидан кўзини чирт юмиб чайқовчидан қоғозни олади-ю, яна қуллуқ қилиб раҳмат ҳам айтади. Эҳтимол, бир сўм-ярим сўмга шунча гапми дерсиз? Лекин политехника институти студентларининг диплом чизмалари 8 тадан 13—14 тагача бориши мумкин. Демак, у шунча ватман қоғоз сотиб олиши керак, бунинг устига бир-иккитаси бузилиб қолишини ҳисоблаб, яна 4—5 та қўшимча қоғоз олади. Кўриниб турибдики, студент ўрта ҳисобда 15—20 та ватман қоғоз сотиб олиши керак. Демак, қоғознинг ўзига стипендиянинг ярми кетиб қолади.

Олибсотарлар бу қоғозларни қаердан олади? Турган гапки, магазиндан. Гарчи онда-сонда бўлсада, ўқув қуроллари сотиладиган магазинларда ватман қоғоз пайдо бўлиб қолади. Лекин, то студентлар бунинг дарагини эшитиб етиб боргунларича қоғоз тугаб қолади. Чунки, олибсотарлар аллақачон «ҳид олишиб», қоғозларни кўтарасига сотиб олган бўладилар.

Агар Студентлар шаҳарчасида ёзув қуроллари сотиладиган магазин бўлиб, унга келадиган ватман қоғоз доимо турса, ҳеч бўлмаганда ҳозирги танқис бўлиб қолган оққанддай рўйхат билан берилса эди, бундай олибсотарларнинг пайи қирқилган, студентларнинг елкасидаги энг катта «тоғ» қулаган бўларди.

Тирикчилик ташвишлари

Студентлар шаҳарчасининг энг ажойиб гўшаларидан бири — бозор. Унда пистадан тортиб тузлаган бодринггача, қатиқдан тортиб иссиқ нонгача топиш мумкин. Айниқса, 20 тийинлик иссиққина, сода билан шиширилган «сўлқилдоқ» нонларнинг иккитасини тушириб олгандан сўнг ҳам қорнинг тўймай, аламингни шакарли чойдан олмоқчи бўласан. Лекин кейинги пайтда қанд-шакар «дефицит» бўлганидан бери илгари тушлик ўрнига қанд билан нон-чой қилиб қўя қоладиган студентларнинг ҳоли нима кечаётганикин?

Шоир таърифича «қўйни-қўнжини тўлдириб келган куз» пайтида шаҳримиздаги барча бозорлар каби студентларнинг бозорчаси ҳам мева-чевага тўлиб кетади. Қип-қизил олмагами ёки ғарқ пишган нокками, помидоргами, қай бирига қарашни билмайсан киши. Лекин яқинроқ бориб, нархини сўраб кўрингчи, чақиб олади. Айни куз кунларида олманинг нархи — 3 сўм, узум — 4 сўм, нок эса — 3,5—4 сўмдан пастга тушмайди. Помидорнинг нархи 1 сўм, бу вақтда бошқа бозорларда 35—40 тийин бўлади.

Студентнинг ўртача стипендияси — 40—45 сўм. Бир ойда тахминан 30 кун деб ҳисобласак, бир кунига 1,3—1,5 сўмдан тўғри келади. Бу пулни студент қандай сарфласин: уч маҳал овқатлансинми, қоғоз-қалам олсинми? Бозордаги меваларнинг нархи осмонда, студентларнинг қурби етармикин улардан олиб ейишга? Ахир ҳамма студентларнинг ота-онаси ойига пул жўната олмайдилар-ку!

Туянинг устида ҳам...

Шу орада Студентлар шаҳарчасидаги 1- ва 6- сабзавот магазинлари ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтмасак, уят бўлар. Чунки, студентлар бир вақтда шу иккита магазинга ҳам харидор ҳисобланадилар.

1988 йил 8 сентябрда Тошкент политехника институти студентлари касаба союз ташкилоти қошидаги умумий овқатланиш ва савдо тармоқлари инспекторлари комиссияси томонидан синов хариди ўтказилганида 1-сабзавот магазинининг сотувчиси 10 тийин уриб қолганлиги маълум бўлган (акт № 28). Бор-йўғи 15 кундан кейин, 23 сентябрда ўтказилган рейдда эса шу магазин сотувчиси 7 тийин уриб қолган (акт № 24.) Сотувчига икки ҳафтада бор-йўғи 3 тийинлик инсоф кирибди.

24 октябрда ўтказилган рейдда эса магазин мудираси З. Қобилова комиссия аъзоларига қўпол муомалада бўлиб, акт тузилишига қаршилик қилди. «Иш билгунча гап билгин, ҳеч бўлмаса тил билгин» деган нақл тўғрига ўхшайди.

Худди шу куни ўтказилган рейдда маълум бўлдики, 6-сабзавот магазинидаги аҳвол коса тагида нимкоса қабилида эди. Бу ерда маҳсулотларнинг нарх варақаси йўқлиги туфайли, сотувчиларнинг гапига ишонишга тўғри келди. Бироқ, шуниси ажабланарлики, 1-магазинда 40 тийиндан сотилаётган беҳининг нархи 6-магазинда 25 тийин бўлиб, маҳсулотнинг сифати бир хил эди. 1988 йилнинг 26 сентябрида Тошкент политехника институти студентлари касаба союз ташкилоти қошидаги умумовқатланиш ва савдо тармоқлари инспекторлари текширган вақтда химия-технология факультетидаги 4-ошхонада 26 тийин уриб қолингани маълум бўлган (акт № 31).

Еки ўша 24 октябрда шу комиссия томонидан ТошДУ қошидаги Собир Раҳимов райони ошхоналар трестига қарашли 8-ошхонада синов хариди ўтказилганда ошпаз уч порция паловдан 53 тийин уриб қолгани аниқланди (акт № 32).

Комиссия аъзолари доимий равишда ошхона, магазинларни текширишади, акт тузилганида харидор ҳақидан уриб қолингани маълум бўлади, сотувчилар ё жазоланади, ёки йўқ. Лекин, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати қандай бўлса, шундайлигича қолаверади. Студентлар ҳам борига қаноат қилиб яшайверишади. Ошхоналарда умуман ўзгариш йўқ. Буларни айтишдан мурод, юлғич сотувчилар, ошпазлар ҳақида ҳикоя қилиш эмас, балки студентларнинг қандай аянч аҳволда граждан сифатида шаклланаётганларини кўрсатишдир.

Ҳар ҳолда қизларга сал осонроқ. Чунки улар ётоқхонада ўзлари овқат пиширишади. Йигитлар-чи, улар нима қилишлари керак? Ҳар доим кафеда овқатланишни чўнтак кўтармайди, бунинг устига бориб келиш учун вақт кетади. Нима қилиш керак?

Ажойиб бир мақол бор: «Овқат ейиш учун яшамаймиз, балки яшаш учун овқат еймиз». Студентлар бу мақолни билишадими ёки йўқ, лекин уларга айтсангиз, шундай жавоб қилишган бўларди: «Ўша овқат ҳам ейишга арзийдиган бўлиши керак-да».

Кўпчилик областларда яшайдиган ёшлар айни иш берадиган, пул топадиган вақтларида уйни тарк этиб, эзгу ният билан пойтахтга ўқишга ошиқадилар. Колхоз-совхозлардаги ота-оналари эса бир этак боладан орттириб (ўзбек оилаларидаги болаларнинг сони ўзимизга маълум) уларга моддий ёрдам кўрсата олмасликлари аниқ. Негаки, эртадан-кечгача далада ишлайдиган колхозчининг оладиган ойлиги ҳаммамизга маълум. Студентга эса 40—50 сўм стипендия урвоқ ҳам бўлмайди. Республикада ошқозон-ичак касалликларига дучор бўлган одамларнинг аксарияти ё студент, ёки колхозчининг болалари бўлиб чиқади.

Студентлар шаҳарчасидаги 32-поликлиникага эса студентлар серқатнов. Бу ерда 144 студент ошқозон яраси, 100 дан ортиқ студент сурункали гастрит касаллиги бўйича доимий врач назоратида туради (рақамлар 1988 йилнинг охирида олинган).

Ошқозон-ичак касалликлари тўйиб овқатланмаслик, сифатсиз овқатланишдан келиб чиқади. Ушбу поликлиниканинг терапевт-врачи Дилором Собировнинг таъкидлашича, ошқозон-ичак касаллиги билан оғриган студентларнинг ҳаммаси қатъий режим асосида пархез тутишлари лозим экан. Факультетлардаги, ётоқхоналардаги ошхоналарнинг аҳволи юқорида айтилганидек бўлса, студент бечора нима қилсин? Ахир 32-поликлиникада 109 та студент сил касаллиги, 207 таси сурункали нефрит ва 54 таси сурункали холицестит касаллиги билан рўйхатда турадики, уларнинг бари парҳез овқатга муҳтождирлар.

20 ёшнинг у ёқ-бу ёғидаги бўлган, айни гуллаган ёшлик даврида ошқозон-ичак касаллигига дучор бўлган студентларнинг келажакдаги ҳаётини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Қорнинг тўқми, студент?

Бу саволга ким жавоб бераркин? Студентларми? Студентларнинг чўнтагига кўз тиккан ошпазларми ёки сотувчиларми? Ўқув юртларининг ректорлари, парткомлари, комсомол ёки касаба союз раислари бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмиканлар? Ҳар ҳолда, ТошДУ, ТошПИ, маданий-оқартув техникуми ва кинотехникум касаба союзларининг раислари ўз студентларининг овқатланишлари билан қизиқиб кўрсалар, ҳеч бўлмаганда Студентлар шаҳарчасидаги ошхоналарда бир неча кун овқатланиб кўрсалар ёмон бўлмасди. Шундан кейин ўзлари ҳам беихтиёр сўрашарди:

— Қорнинг тўқми, студент?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нукус шаҳридаги Пионерлар Саройи доим ўқувчилар билан гавжум. Бу ерда ёшлар турли тўгаракларга қатнашиб ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан камолотга эришадилар. Шу боис, ўқувчилар ўртасида бу пионер саройининг нуфузи баланд. Зеро унда ўз ишининг билимдонлари саналмиш устозлар ўқувчилар таълим-тарбиясига бош-қош бўлмоқдалар.

Суратларда:

Кичик группа машғулотлар пайтида.

Автоном республика биринчилигининг ғолиблари — спортчилар Венера Калибекова, Нигора Полвонова, Айшен Ибрагимовалар ҳам Пионерлар Саройида камол топганлар.

Машғулотлараро танаффус пайтида.
Бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланиш қадди-қоматни гўзал қилади.
Бадиий гимнастика тўгарагининг раҳбари, СССР спорт мастери Юлия Янер.

А. КУДРЯШОВ фотолари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чет элдан келтирилган машиналар нозиғу, лекин иши ҳам сифатли.

Мураккаб техникани эгаллаш машаққатлари.

Фотонабор цехида.

БЎЛҒУСИ МАТБААЧИЛАР

Ҳунар мактабига оид навбатдаги фото-[illegible]монлари — Тошкент шаҳ-ридаги 2— СПТУ ўқувчиларидир. Мазкур

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишлаб чиқариш устаси Роҳила Жўраева фотонабор цехида шогирдига иш ўргатмоқда.

ридаги 2— СПТУ ўқувчиларидир. Мазкур билим юрти юқори малакали матбаачилар тайёрлайди. Матбаачилик — нозик касб. Кейинги йилларда ошкоралик туфайли одамларнинг матбуот органларига, газета-журналларга эътибори кучайди. Бу нарса табиийки, матбаачилар зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Матбаачиларнинг ҳам хизмати, ўз касбига бўлган ҳурмати ва қизиқиши кучайди.

2- СПТУда ўқувчилар матбаачилик касбининг барча сир-асрорларини ўрганишлари учун шароитлар етарли: моддий-техника базаси мустаҳкам, тажрибали устозлар уларга сабоқ берадилар. Ҳамма гап ўқувчиларда қолган — улар матбаачилик касбини ҳунар деб билиб эъзозласалар, унга меҳр қўйсалар олам гулистон.

Ишлаб чиқариш мастери О. Лубянцкая шогирди Г. Эшбоевага таълим бермоқда.

Уста Исмат Убайдуллаев ўқувчилари — Зиёда Қашқарова ва Зайнобиддин Раҳмоновларни мураккаб техникани осон бошқариш сирларидан воқиф этмоқда.

Билим юртида танаффус пайти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаёт дўлиб

«Турон чечаклари» ансамблининг бадиий раҳбари хонанда Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ ҳамкасб дўстлари билан.

А. КУДРЯШОВ фотоси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўйлар муҳаббат

Бахтиёр куйлаётганда Ўзбекистон кенгликлари кўзга кўринади. Дарёлар ҳайқириб оқади, саҳролар тебранади. Самарқанд тоғлари тўлғонади, мудраётган дарахт шохларидан қорлар тўкилади — боғ-роғлар уйғонади, чечакларнинг шабнам инган дудоқларида ним табассум жилва қилади... Овознинг авж парда чўққиларидан эниб пахтазорларга дуч келасиз гўё. Овознинг асл муддаоси ҳам сизу бизга, руҳимизга кенгликлар ҳадя этмоқ, дилимизни сархуш айламоқ.

Одамлар шифобахш булоқларга интилган каби қўшиққа интиладилар, дардларига қўшиқдан малҳам босадилар. Зеро, Шарқ оламида мусиқа тиббиётга мададкор бўлиб, хасталарни оҳанг билан даволаганлар. Қўшиққа айланган дард эса энди дард эмас, бошқа дардманларга даводир.

Яхши қўшиқ зумда оламни кезиб чиқади. Унинг йўлига сарҳадсиз тоғлару чама етмас денгизлар ҳам тўғаноқ бўлолмайди. Қўшиқ минглаб қалбларни бирлаштиради. Ҳар бир халқнинг ўз ҳофизи бор. Ва у ўша халқнинг оташин қўшиқларини бошқа барча миллатлар қалбига олиб киради. Бошқа элларни ҳам кўпроқ ўша хонанданинг она тилидаги қўшиқлар қизиқтиради. Чинакам миллий санъат чинакам интернационал санъат бўлганидек миллий бўлмаган санъат интернационал бўлолмайди.

Бахтиёрнинг рангин орзуларига ҳамроз, халқи ҳиссиётларига ҳамоҳанг қўшиқлари ҳам нафақат Ўрта Осиё, ҳатто Вьетнам, Афғонистон мамлакатларидан-да ўз ихлосмандларини топди. Вьетнамликлар тақдирлаган «Халқлар дўстлиги» медали ҳам, 10 дан ортиқ чет эл ҳамда иттифоқимиздаги бошқа республикаларнинг фахрий ёрлиқлари ҳам соҳиби овозга мухлисларининг чинакам иқроридир.

Бахтиёр Холхўжаев ҳар гал мухлисининг дил торларига жўр бўлаоладиган усуллар излайди, қайта-қайта устоз санъаткорлар тажрибасига, халқнинг ўлмас хазинаси — ижодига мурожаат қилади.

Ўқувчилик йилларидан қалбида чироқ бўлиб келган Маъмуржон Узоқовнинг «Кўзларинг»и йигит етиб, «зангори экран» остонасига қадам қўйганида, унинг кўксига «Марҳабо талантлар» конкурсининг лауреати нишонини тақиб қўйди.

Кейинги пиллапоя — «Шодлик» ансамбли бўлди... Адоқсиз изланишлар, халқ олдидаги имтиҳонлар... хонандага беқиёс сабоқу санъат майдони бўлди. У номини мухлисларига таништирган, ўзи учун ҳам ардоқли бўлиб қолган «Ёшлигим», «Дилбаржон» каби қўшиқларини завқ билан эслайди.

...Ҳароратдан яралар ҳаёт,
Ҳаёт бўлиб куйлар муҳаббат.
Ҳаловатсиз дил беҳарорат
О, ёшлигим тарк этма мени...

— Ўша «Ёшлигим»нинг саррин эпкини ҳануз менинг ҳаётимни, санъатимни сийпалаб тургандай. Қаерга бормай, санъат ихлосмандлари ўша қўшиқ билан мени йўқлашади. Очиғи, бу лаҳзалар илҳом берибгина қолмай, кейинги ижодимга сўроқ ва талаб ҳам қўяётгандай бўлади,— дейди санъаткор.

Яхши хонанданинг вояга етишида атрофдаги яқинлари ҳам муҳим омил бўлади. Бу борада Бахтиёрнинг омади чопган. Муҳаммаджон Мирзаев, Тельман Ҳасанов, Қаҳрамон Комиловлардай нозик дидли бастакорлари, устозлари бор. Улар ҳамкорлигида янги дилтортор қўшиқлар яратишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга ансамбль аъзолари — доирачи Темур Қорахўжаев, аккардеончи Гумар Диёров, рубобчи Аъзам Мирзараҳимов ва найчи Раззоқ Акбаровнинг мусиқани теран англаши туфайли улар айтадиган ҳар бир фикрни ҳофиз ўзи учун доим катта сабоқдай қабул қилади.

Сўз билан куйнинг кўнгилдан қўшалоқ бўлиб тошиб чиққани — қалб нидоси, завқ садосидир. Одам ўз завқини сўз билан ифода этиш озлик қилганда, куй ёрдамга келади. Аммо куй ҳам, сўз ҳам бир-бирини тўлдирмаса мукаммал қўшиқ яратиш қийин.

Бахтиёр Холхўжаевнинг китоб жавонидан «Ўзбек халқ қўшиқлари тўплами», Навоий, Бобур, Ҳабибий, Сабрий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Нуруллаева каби суюкли шоир ва шоираларимизнинг дил инжулари — муҳрланган китоблар ўрин олганлиги — фикримизнинг далилидир.

— Шоир Нозим Ҳикмат айтганидек, «қўшиқларимиз уйларимизнинг остоналарида турмоғи даркор...» — дейди Бахтиёр ҳаяжон билан.

Ҳақиқатан ҳам унинг қўшиқларида туғилиб ўсган қишлоғи — Гараша табиатининг дилнишин чизгилари табиий оҳанг, ёқимли садолар билан уйғунлашиб кетган.

Истеъдодли хонанда, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи қошида тузилган «Турон чечаги» ансамблининг бадиий раҳбари Бахтиёр Холхўжаев эзгу мақсадларни кўзлаб куйлайди. Олтиндан қиммат бу мақсадга эришиш йўлидаги машаққатлардан чўчимаслик катта санъат кошонасига олиб боришига ишонамиз.

Санобар ФАХРИДДИНОВА

СЎРАНГ — ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Асқад МУХТОР

ЭССЕ— ЭРКИНЛИК ЖАНРИ

Сизлардан илтимос, ҳозирги пайтда газета-журналларда роман, қисса, ҳикоя жанрлари сингари ЭССЕ сўзи ҳам қўлланиляпти. Шу сўзнинг маъносини айтиб берсангиз, деб Самарқанд область, Оқдарё район 12-ўрта мактаб ўқувчиси Роҳила КУБАЕВА.

Ҳозир адабиётимизда жанри «Эссе» деб белгиланган асарлар тез-тез пайдо бўляпти. Нега шундай, эссе нима ўзи?

Луғатларда эссе — кўпинча илмий, тарихий, публицистик очерк, деб таърифланади. Бу унча тўғри эмас. Бизнинг кейинги чиққан русча-ўзбекча луғатда эса «эркин шаклдаги адабий жанр» деб изоҳланибди, бу эса жуда ҳам ноаниқ таъриф. Гап шаклда эмас, жанрнинг табиатида.

Эссенинг Европа ва рус адабиётидаги бир неча юз йиллик ривожини ҳамда ҳозирги ҳолатини тўла қамраб таърифлаш ниҳоятда мушкул. Айниқса, энг сўнгги эсселар ичида ҳеч қандай жанр қоидаларига мос келмайдиганлари ҳам анчагина. Бунда эссенинг ҳам, муаллифларнинг ҳам айби йўқ. Қоидаси нимаси?! Аслида бу жанрнинг қоидаси — қоидасизлик.

Аввало эссенинг бизнинг кунларимизда анча кўпайиб қолганини олайлик. Бунинг сабаблари ҳақидаги мулоҳаза ҳам жанрни таърифлашга ёрдам беради деб ўйлайман. Ҳозир биз мисли кўрилмаган фикрий эркинлик, плюрализм, ошкоралик, догмаларни емириш, қисқаси руҳий инқилоб жараёнида яшамоқдамиз. Эссенинг кўпинча эркин жанр деб таърифланишида гап бор. Мен ҳатто айтардимки, у эркин жанргина эмас, эркинлик жанридир. Одатда уни мавзуга маълум система билан ёндошишга қарама-қарши ҳам қўядилар.

Эссенинг пайдо бўлишининг ўзи адабиётда классицизмнинг қотиб қолган кўҳна догмаларига қарши исён эди. Ўн олтинчи асрнинг иккинчи ярмида француз файласуф ёзувчиси Монтеннинг уч китобдан иборат дидактик асари пайдо бўлдию, тафаккурни занжирлаб турган қонун-қоидалар чилпарчин бўлди ва айтиш мумкин, адабиётда «эссе» деган янги жанр шу билан бирга туғилди. Монтень асаринг номи «Эссе», у русчага «Опыть» деб таржима қилинган. Буни менимча, ўзбек тилига «Тажриба» деб таржима қилиш унча тўғри бўлмас. Чунки эссе французчада кўпроқ «уриниб кўриш», «чамалаш» каби маъноларни беради. Шунинг ўзида ҳам жанрнинг баъзи хусусиятларини пайқаб олиш мумкин: эсседа бадиа (импровизация) унсурлари жуда кўп бўлади. Монтень асарида ўтмиш ва замонавий воқеалар ҳар хил табақаларнинг турмуш ва ахлоқи, маданий даражаси хусусида адабий-фалсафий мулоҳазалар ҳеч қандай сюжет ва композициясиз ошиб-тошиб келаверади. Бу мулоҳазаларда баён қоидалари бўлмаса ҳам монархияга, реакцияга, ўзбошимча низо ва қирғин урушларга, зулм ва хурофотга қарши мислсиз дадиллик бор. Фикр эркинлиги биринчи марта инқилобий исён тусини олади. Муаллиф ўзи ва ўз ҳаётий тажрибалари ҳақида ҳеч нарсани яширмай очиқ-ойдин ёзадики, шафқатсиз танқидий автопортрет юзага келади. Мана шу ошкора субъективизм ҳам кейин бориб эссе жанрининг муҳим хусусияти бўлиб қолади. Классицизм асрининг рационалистик тафаккур қоидаларига, яккаҳокимлик ғояларига қарши исён мана шу тарзда бошланиб, кейин Европада Бекон, Монтескье, Руссо кабилар томонидан давом эттирилди; эссеистика ҳам шулар ижодида кейинчалик Готье, Франс, Шоу, Роллан, Манн, Моруа, Камю, Сартр ижодида ривожланди. Унинг жанр хусусиятлари ҳам бир қадар анъанавий тус олди. Эндиликда бу маълум адабий, фалсафий, сиёсий, ахлоқий илмий, ва ижтимоий мавзудаги кичик ҳажмли, композицияси эркин, кўпроқ шахсий мулоҳазалар оқимидан иборат насрий публицистик асардир. Эссе услуби деган тушунча бор. Бу услуб ифода воситаларининг чегарасизлигини кўзда тутади: образлилик билан бирга турли фанний илмий факторлар, статистик рақамлар, тарихий ва биографик маълумотлар, хуллас — кўп соҳалардан далил ва мантиқий воситалар келтирилиш мумкин. Шахсий мулоҳаза одатда муаллифнинг бадиа қуввати, савия доираси, ҳаёт тажрибаси, ҳикматли сўз маҳорати, тафаккур қобилиятини кўрсатиб туради, зеро бу жанрга кўпинча фалсафага мойил, мулоҳазакор носирлар мурожаат қилади. Рус адабиётида эссеистика А. Герцен («Нариги қирғоқдан»), Ф. Достоевский («Ёзувчи кундаликлари») ижодида, кейин А. Луначарский, И. Эренбург, К. Паустовский, В. Шкловский ижодида сезиларли такомил топди.

Эссе кўп хусусиятлари билан адабиётнинг бошқа бир неча жанрларига (айниқса, очерк, памфлет, мақолага) яқин туради. Аммо у барибир алоҳида жанр. Ривожланаётган жанр. Шунинг учун унинг мукаммал таърифини бериш қийин, бу шарт ҳам эмас деб ўйлайман. Зарур сифатларини, синалган анъаналарини, безовта давримиз турткиси билан ривож топаётган хусусиятларини эса пайқаб олиш қийин эмас. Бунинг учун ҳозир ўзбек бадиий насрида ҳам бой материал бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗАРО АЛОҚА ВА ИХТИЛОФ

Баҳс — анчайин хавфли нарса. У кўпинча ўзаро муносабатларнинг совиб кетишига ва англашилмовчиликка олиб келади. Сиз баҳсда ғолиб чиқишингиз мумкин, лекин шу билан бирга дўстингиздан айрилиб қоласиз.

Жон ЛЕБОКК.

Шундай қилиб ўзаро алоқани олиб кўрайлик. Бу — биз ҳаммамиз интиладиган нарса. Ихтилоф эса — бу, афтидан, ўзаро алоқа натижасимикан? Шундай экан, нима қилиш керак? Одамлар билан ихтилофга бормай ўзаро алоқа қилишни қандай ўрганиш мумкин? Буни ўрганиб бўлармикан? Энг асосийси, ихтилофлардан қочиш мумкинми ва қочиш шартми?

Ҳаёт бунга йўқ деб жавоб беради: Ихтилоф муқаррар, фикр ва мулоҳазалар тўқнашувини ҳеч қандай авраш ёки кўндириш йўли билан ҳаётимиздан чиқариб ташлаш мумкин эмас. Ихтилофсиз ўзаро алоқани тасаввурга сиғдириш қийин, бахс қилмай инсоний муносабатлар бўлмайди. Бу — барча ғоя ва фикрларга сайқал берадиган, ўткирлаштирадиган, ялтироқ ва серқирра қиладиган қайроқтошдир. Усиз жамият тараққиётида ҳеч қандай юксалиш бўлмайди. Аха! Хўш, бизларнинг орамиздаги ихтилофларчи? Нима, булар ҳам жамиятни ривожлантирадими ёки ҳаётимизни яхшилайдими? Ахир биз мунтазам равишда баҳслашиб турамиз-ку!

Уйда ҳам — туғишган ва яқинларинг билан, мактабда ҳам — дўстларнинг ва ўқитувчилар билан, иш жойингда ҳам, транспортда ҳам... Иқрор бўлинг, ҳаётимизда жудаям кўп ихтилофларга дуч келамиз. Нега шунақа экани ҳақида ўйлаб кўриш керак. Теварак-атрофингизга назар ташланг, ўзингизга диққат билан боқинг. Биз мунтазам равишда жанжаллашиб юрадиган одамларни тез-тез учратиб турамиз. Ихтилофлар гоҳида ҳаётимиз йўлдошига айланаётганини ўз-ўзидан сезиб қоляпмиз.

Энди ҳаётда инсоннинг ролини эсга олайлик. Бу ҳақда илгари сўз юритгандик («Ёш куч», 1988 йил 8-сон). Орамизда ўта жанжалкаш одамлар бор, кўпинча ихтилофлар бундайларнинг севимли ролига айланиб қолган. Бир марта муваффақиятли чиққан курашчининг роли одамни ҳамма ерда ва ҳаммавақт «курашга» мажбур қилади. Натижада бундай курашдан одатда, наф ким бўлади, курашчининг ўзи ҳам, атрофидагиларнинг ҳам асаблари қақшайди. Мана шундан асаб касаллиги, ундан бошлаб хасталиклар келиб чиқади. Асабийлашиш касалликни бошлайди, деб бекорга айтишмайди.

«Бизни нимага даъват қиляпсиз? Бизни ранжитишаётган бир пайтда кўнгилчан ва мулойим бўлишгами? Аламни қулт этиб ютиб, исталган зарбага дош берадиган бир уюм момиқ бўлишгами?»

Йўқ, албатта, йўқ. Ихтилофларни фарқлай билишни, уларни табақалай олишни ва агар бунга аралашсангиз, унда чиндан ҳам ҳақ ишни ҳимоя қилишда рақибингизни душман эмас, балки ҳамфикр ва сафдош ҳисоблашни ўрганишни таклиф қиламан.

Сиз шуни истайсизми? Унда ўрганишга ҳаракат қилиб кўринг. Академик Д. С. Лихачев СССР халқ депутатларининг 1 съездида сўзга чиқиб бундай деганди: «Жуда оддий бўлган расмий мантиқни, ҳуқуқнинг асосий қоидаларини билмаслик, маданий тарбияланган ижтимоий одобнинг йўқлиги ҳатто съездимиз ишига ҳам салбий таъсир этди».

Демак, қадимий юнонистонда юзага келгандан бери маълум ва машҳур бўлган, аммо бизда мутлақо унутиб юборилган баҳслашишнинг энг оддий қоидаларини ўрганишдан бошлаш керак.

Шундай қилиб, ўз вақтида ювилмаган идиш-товоқлар, тиқилинч троллейбуслар, магазин сотувчисининг қўполлиги билан боғлиқ бўлган ихтилофларни бир чеккага қўйиб турайлик. Улар бўлган, улар ранжитишади, аммо бу воқеаларни идрок этиш таъсирини камайтиришга уриниб кўринг. Қандай қилиб? Бу ҳақда ҳам биз аввалги суҳбатларимизнинг бирида («Ёш куч» 1988 йил № 12) гапириб ўтгандик. Бевосита сизга таллуқли бўлган, сизнинг эътиқодингиз ва ҳаётий позициянгиз, ҳаётни яхшилаш ва олижаноб ишларни амалга ошириш соҳасидаги сизнинг интилишларингиз дахл қилинган ихтилофларни англашга уриниб кўрамиз. Бунда баҳслашувда кўпчилик ҳаммавақт ҳам ҳақ бўлавермаслигини ёдда тутиш керак. Ҳамма Колумбга қарши эди, у бўлса одамларга Американи кашф этиб берди. Ҳамма ака-ука Лиментални ақлдан озган деб ҳисоблаганди, улар бўлса ўзлари ясаган қанотда кўкка парвоз этишди.

Биринчи хулоса:

бошқаларнинг, ҳатто кўпчиликнинг, ҳатто ўзингдан катта ёшдагиларнинг фикрини рад этиш, агар ўзинг ўйлаб топганинг текширилганини, машаққат билан юзага келганини исботлай олсанг, беадаблик бўлмайди.

Иккинчи хулоса:

ўзингизникидан бошқа нуқтаи назарни фақат у бегонаники бўлгани учун менсимаслик — кечириб бўлмайдиган ғирт бемаъниликдир.

Энди баҳснинг моҳияти хусусида: мен баён этадиган бир нечта қоида, сизни албатта, бу буюк санъатнинг устасига айлантирмайди. Аммо булар сизга маълум даражада ёрдам бериши мумкин.

Баҳс — бу, фикрларнинг доимий курашидир. Баҳс инсоний мулоқотларнинг исталган соҳасини, билимларнинг исталган тармоғини қамрай олиши мумкин; унинг тузилиши асоси барча баҳслар учун умумий ҳисобланади. Моҳиятига кўра, баҳс иккита қарама-қарши қисмга бўлинади: яъни бир медалнинг икки томони каби ҳаммавақт бир мажмуада қатнашувчи далил ва раддиядир.

Бу ўринда шуни тушуниш керакки, далил эътиқод билан боғлиқ бўлиши лозим, аммо унга айнан ўхшамаслиги керак: далил фан ва ижтимоий-тарихий амалиёт маълумотларига асосланиши шарт, эътиқод эса черков ақидаларига бўлган диний ишончга, одамларнинг экономика, сиёсат ва ҳоказолардан бехабарлигига, сўфизмнинг турли кўринишларига асосланган исботий кўринишга асосланиши мумкин. Дин пешволари, айтайлик, одамларнинг аллақандай бир қисмини худонинг, жаннатнинг мавжудлиги ва ҳоказоларга ишонтириши мумкин.

Шундан келиб чиқадики, ишонтириш — бу ҳали исботлаш деган гап эмас. Бизни далил, исбот қизиқтирар экан, тезис-исботланиши талаб этилган нарсалар — биз негиз ёки далил-исботлар, яъни тезисни қўллаб-қувватлайдиган чинакам мулоҳазалар ёрдамида исботлашимиз мумкинлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Яна тезис билан далил-исботни ўзаро мантиқан боғлаб турадиган далил формаси ҳисобланган намойиш ҳам бор.

Раддия худди далилники каби тузилишига эга, фақат унда «минус белгиси» бор. Агар сиз баҳсга қўшилмоқчи бўлсангиз, унда нима баҳсга сабаб бўлганини, яъни тезисда нима илгари сурилганини аниқ белгилаб олишингизга тўғри келади. Сизнинг рақибнинг тезисига норизолигингиз антитезисингизни илгари суриш ёки тезисга қарама-қарши фикрларда шаклида ифода этилади. Бунда шуни унутмаслик керакки, мунозара қизғин паллага кирганда тезисни алмаштириб қўйиш ёки умуман уни унутиб юбориш ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай бўлмаслиги учун, ихтилоф ҳурматсизликни юзага келтирмаслиги учун баҳснинг мавзуи унутилмаслигини, ўз рақибингиз фикрларини рад этаётганингизда уни таҳқирлашга ҳеч қандай йўл қўймасликни кузатиб туришингиз лозим.

Шуни эслатиб қўйиш керакки, одамни ранжитиб қўйиш — осон иш, кечирим сўраш оғирроқ, самимий кечиримга эга бўлиш эса ундан ҳам мушкул. Шундай экан, умуман ранжитмаслик осон ва мақсадга мувофиқ эмасми?

Баҳслашиш жараёнида, рақибингиз билан масала талашар экансиз, унинг тезисига, далил-исботига қарши чиқишингиз, унинг демонстрациясида хатосини топишингиз мумкин. Аммо билиб қўйинг, рақибингизнинг далилларини фақат унинг тезислари асоссиз эканини исбот қилганингиздан кейингина йўққа чиқаришингиз мумкин. На аксилдалил, на аксилдемонстрация сиз ўзингизнинг аксилтезисингизни исбот қилмагунингизча ғалабангизга гаров бўлолмайди. Тезис тирик экан, далил ҳам тирик бўлаверади,

Баҳслашаётган пайтингизда ўз ҳулқ-атворингизни назорат қилиб туринг, сўзларни саралаб ишлатинг, қаттиқ гапирманг. Далил-исботда кўпинча рақиб илгари сурувчи тезис шахсга баҳо бериш билан алмаштириладиган «инсонга далил» деб аталмиш хато ҳам учраб туради. Эслаб кўрайлик-а, «сен эса умуман овсарсан, шу боисдан жим ўтир», сўзи бизнинг анчайин кучли далилимиз бўлади. Шунақаси бўлганми? Бўлган. Шу тўғрими? Йўқ. Л. Н. Толстой маълум бир чегарадан чиқмай баҳслашишини маслаҳат бериб, «ўзинг ғазабланаётганингни ёки суҳбатдошинг жаҳли чиқаётганини сезган заҳотинг гапдан тўхташни таклиф қилган. Шу фикрни давом эттириб, уни Филипп Честерфилднинг: «Рақибинг қизишаётганини сезсанг бирор бир ҳазил билан баҳсга чек қўй», деган сўзи билан тўлдирамиз.

Мана сизга тўртинчи хулоса: ҳамма ерда ҳам Честерфилд сўзидан кўра яхшироқ гап топилмаса керак.

Баҳсда сиз ўртага қўйган тезис исботланган бўлиши лозим. Мен ҳозиргина қилганим каби буюк ўтмишдошларнинг фикрларидан мисол келтириш шахсий мулоҳазани алмаштирганда эмас, балки тасдиқланганда аҳамият кашф этади.

Юқорида баён қилинганларни якунлаб, қуйидагиларни таъкидлашни истардим:

бақириқ-чақириқли баҳс ҳечам осойишта ўтказиладиган баҳсдан устун эмас. Оддий мулоҳаза билан исботлаб бўлмаган нарсани бақириқ-чақириқ билан исботлаб бўлмайди. Хотиржам суҳбатлашиш бақироқнинг попугини пасайтириб қўйиш усулларидан бири ҳисобланади.

2. Баҳслашувчини кескин равишда гапдан тўхтатиш ўрнига «эътиборингизда бўлсин», «агар эътироз билдирмасангиз, мен яна такрорлайман» сўзларини такрор айтсангиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Қисқаси: баҳслашувчилар, бир-бирингиз билан гаплашаётганда одоб доирасидан чиқманг!

Сўнгги гап: доно Д. Карнеги одамни қандай қилиб ўз томонига ўтишга, сизнинг нуқтаи назарингизни қувватлашга мажбур қилишни кўрсатар экан, баҳсда устун келиш мумкин эмас ва устун келишнинг ягона усули — бу, баҳсни четлаб ўтишдир. Балки у ҳақдир, лекин фақат баҳсда, фақат курашда бир янгиликка эришиш мумкинлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Агар сиз ўзингиз учун тегишли хулосага келган бўлсангиз, олдимга қўйган вазифани бажардим, деб ҳисоблашим мумкин.

Е. КУРНИКОВА

Миттилар

Агар 274 см.дарозлар учун энг юқори марра бўлиб хизмат қилса, 58 см.катта ёшли миттилар учун ҳам маълум марра ролини ўйнайди (солиштиришингиз учун: янги туғилган боланинг бўйи 48—50 см).

Миттилар орасидаги ателеоз билан касалланганлар (лилипутлар) энг қисқа бўйли ҳисобланадилар. Тарихдаги энг паст бўйли одам голландиялик Полин Мастерс 1876 йили Оссендрехт шаҳрида туғилган. Туғилган вақтида унинг бўйи 30 см га тенг бўлиб, 9 ёшига етганда 55 см. га, вазни атиги 1,5 кг. га етди.

Полин 1895 йили 19 ёшида Нью-Йорк шаҳрида ўпканинг яллиғланиши оқибатида менингит касали билан (юраги спиртли ичимликларни суиистеъмол қилишидан кучсизланган эди) вафот этди.

Полин Мастерснинг бўйи 48 см. эди деб таъкидлашларига қарамай тиббий текширишлар орқали унинг бўйи 59 см. эканлигини аниқлашди. Унинг вазни ҳаёти давомида 3,4—4 кг. ни ташкил этган.

1938 йили «Лайф» журнали Пол Дель Рио (1920 йили Мадридда туғилган) Голливудга қилган ташрифи вақтида унинг бўйи 48 см.эканлигини ёзган эди. Лекин киносаноатининг бошқа миттилари орасида унинг ҳозир бўлиши айтарли катта таассурот қолдирмади, сабаби — Поль Даль Рио вазни 5,4 кг. эканлиги унинг бўйи 66 см.га яқинлигидан далолат беради.

1979 йили бўйи 50 см.ва вазни 1,98 кг. бўлган 9 ёшли Стаматулла исмли грек қизи (1969 йили сентябрь ойида туғилган, бўйи 15 см эди) қайд этилди.

У 1985 йили Афинада вафот этганида бўйи 67 см, вазни — 5 кг. эди.

Калвин Филлипс (1791 йилда туғилган) эркаклар орасидаги энг паст бўйли киши деб қайд қилинган бўлиб, у 5 ёшида ўсишдан тўхтаган. 19 ёшга етганда унинг бўйи 67 см, вазни эса устки кийими билан 5,4 кг. эди. Икки йил ўтгач, 1812 йили апрель ойида прогерри, кам учрайдиган, асосий белгилари бўйи ўсмаслик ва барвақт қариш бўлган касалликдан вафот этди.

«Майор Майт» лақаби билан танилган Вильям Джексон (1964 йили Янги Зеландиянинг Данедже шаҳрида дунёга келган) туғилган вақтидаги вазни 340 гр ва бўйи 23 см.га тенг эди. 1880 йил ноябрида унинг бўйи 53 см, вазни эса 4 кг. бўлди. У 1900 йилнинг декабрида Нью-Йорк шаҳрида бўйи 69 см.га етиб вафот этди.

Эгизаклар

Миттилар Матиус ва Бела Матуна (Венгриянинг Будапешт шаҳрида 1903 йил туғилишган) энг қисқа бўйли эгизаклар ҳисобланадилар. Уларнинг бўйи 76 см.ни ташкил қилади.

Джон ва Грег Райслар (1951 йили туғилган, Американинг Флорида штатида туғилишган) яшаётган энг қисқа бўйли эгизаклар ҳисобланадилар. Уларнинг бўйи 76 см.ни ташкил этади.

Наргиза МАМАДАЛИЕВА

www.ziyouz.com kutubxonasi

АМЕРИКАГА КИМЛАР БОРЯПТИ?

Редакцияга иккита хат келди. Улар бир мавзуда ёзилган, аммо авторлари... Қаршилик Рисқия Ҳасанованинг мактуби самимий, мунис умид билан йўғрилган.

— «Салом «Ёш куч», — деб ёзади у, — мен Бахтинисо Умарованинг шу йил иккинчи сонда чоп этилган тошкентлик болаларнинг Сиэтлга қилган сафари ҳақида ҳикоя қилувчи «Тоғлар аро менга қўлинг чўз» сарлавҳали мақоласини ўқиб, суратларини томоша қилиб, гапнинг очиғи, уларга бирам ҳавасим келди, бирам ҳавасим келди, асти қўяверинг. Қандай қувончли хотиралар! Мен ҳам Америкага жон-жон деб борардим, лекин бунинг учун нима қилиш лозимлигини билмайман».

Рисқия кундалигига беш ва тўртлардан ташқари уч баҳолар ҳам тушиб туришини рўй-рост ёзибди. Инглиз тилини билишини ҳам айтган. Маълумки, бизда ҳар қандай жиддий иш катта-кичиклигидан қатъи назар кўп қоғоз тўлдиришни тақозо қилади. Рисқия шуни ҳисобга олганми, ҳайтовур, барча зарур қоғозларни, справка ва характеристикаларни олдиндан тайёрлаб қўйишга ҳозир эканлигини билдирган. Хатда бир қанча имло хатоларга йўл қўйилган бўлсада, Рисқия журналга астойдил ихлос қўйиб, унга умид боғлаганини сезиб олиш қийин эмас. «Сизларга ишонаман. Менга ёрдам беринг», деб ёзади қиз.

Иккинчи хат Қамаши районидан юборилган. Уни биз Бахтинисо Умарова орқали олдик.

...Хатга имзо қўйилмаган. Уни ёзганлар Бахтинисони мазах қилибгина қолмай унга очиқдан очиқ қўпол муносабатда бўлишган. Хатнинг умумий мазмунини бундай ифодалаш мумкин: сен, шаҳарлик тантиқ қиз, эрталаб ширин тушлар кўриб ётган пайтингда биз аллақачон далага чиқиб, ишлаётган бўламиз, бироқ нима учундир бизни океан ортига сафарга жўнатишмаяпти.

Бахтинисо исмини тошбағирлик билан «Бахтсизнисо» деб ўзгартиришиб ёзишибди.

— Қайси гуноҳим учун мени бунча... — деди у маъюс, учрашган пайтимизда. — Мен уларни тушунаман, ўксинишган...

Зардали хатнинг келиши саёҳатнинг бошқа қатнашчиларини унча ажаблантирмади, лекин улар ҳам хат ёзган болаларни тушунишди.

Хўш, бу хатга жавоб беришнинг қийин томонлари борми? Йўқ. Хатга америкаликлар биродарлашган шаҳар мактабларнинг ўқувчиларини кутишган эди, деган жавоб юбориш билан кифояланиш мумкин эди. Тошкентдаги 9-, 17-, 64-, 91-, 110-мактаблар америкалик ўқувчилар билан биродарлашган. Уларнинг дўстона алоқалари мустаҳкам. Бироқ бундай жавоб қишлоқ ўқувчиларини, айниқса пойтахтнинг бошқа мактабларидаги ўқувчиларни қониқтирмайди. Табиийки, ўз-ўзидан нима учун биз биродарлашмаймиз, улардан бизнинг қаеримиз кам, деган савол туғилади.

Ўн олти бахтиёр, улар АҚШга қилган сафарларидан олам-олам тассурот билан қайтиб, ҳанузгача шу таассурот билан яшаяптилар. Кўпчилик орасидан сайлаб олинган бу ўн олти ўсмир келгуси гал тенгдошларига зинҳор ҳавас қилмайдилар.

Уларнинг ҳар бирини синфнинг умумий йиғилишида очиқ ва демократия йўли билан муҳокама қилдилар ва тасдиқладилар. Бугунги куннинг руҳига мос равишда. Кейин кўп марталаб тасдиқлашлар ва қайта тасдиқлашлар, рўйхат тузишлар ва яна қайта рўйхат тузишга дуч келдилар. Яна бадиий ҳаваскорларнинг махсус программаларини тайёрлаш ва кераксиз деб бутун бошли номерларни программалардан чиқариб ташлашлар... Булар энди демократиянинг алоҳида белгиларисиз амалга оширилди.

Дўстона визит — унга ярим йилдан зиёдроқ тайёргарлик кўрилди — иштирокчиларнинг сони муттасил ўзгариб турди. Қисқартириш томонига, албатта. Рўйхатдан тушиб қолгани учун ўзини йўқотиб қўйганлар, дарғазаб бўлганларга Москванинг кўрсатмаси шунақа бўлди деб тушунтирилди. Америкага бориш орзуси билан биринчи бўлиб ўнинчи синф ўқувчилари хайрлашдилар. Ҳолбуки, улар битириш имтиҳонлари арафасида репититцияларга кўп қимматли вақтларини сарфлаган эдилар. «Сизлар ахир анъанани давом эттирмайсизлар-ку!» деб уқтиришди катталар сира пинагини бузмай. Анъанани нима учун фақат мактаб давом эттириши мумкин, деган саволга бундай жавоб олишди: «Айтайлик, сизларга чет элдан хат-хабар келса ҳисобот бериш учун мактабга келмайсизлар-да!» Ҳанг-манг қилиб қўядиган жавоб.

Ўн олти омади юришган ўсмир — улар энди мухбирлар билан мусоҳаба қилишга ўрганиб қолишган.— Учиб кетишларига икки кун қолганда йўли бекилганларнинг кўз ёшларини ҳали-ҳали унитиша олмайди.

110-мактабнинг 10 «г» синф ўқувчиси, ўзининг айтишига қараганда у мўъжиза билан борадиганлар орасидан ўрин олган, Марина Долимова ўша пайтларни надомат билан эслайди:

— Мени кечирасизу, қўлларини пешонамизга найза қилиб бу бўшангроқ, бу эса тепса-тебранмас — қолдириш керак, деб айтишди. Аввалига қирқ нафар бола тайёргарлик кўрди. Кейин ўттиз бештага туширилди. Кейин бу миқдор камаяверди, камаяверди. Сўнгги дақиқаларгача «узр, қоладиган бўлдинг» деб қолишса-я, деб юрагимни ҳовучлаб турдим.

«Москва кўрсатмаси» деган мавҳум кўрсатма қаердан чиққанлиги ҳали ҳануз сир бўлиб турибди. Масалага ойдинлик киритиш учун Тошкент шаҳар ижроқўмига мурожаат қилган эдим, бу ишга доир бирон бир ҳужжатни топа олмадим.

— Сафарга борувчиларнинг сонини қисқартириш тўғрисида оғзаки кўрсатма бўлган, — деди шаҳар ижроқўмининг учинчи котиби, группага раҳбар бўлиб борган Валентина Фёдоровна Монастиретская, — бир одамнинг сафари неча пулга тушганлигини биласизми? — сўради у ва йирик суммани тилга олди. Мен саволимни такрорладим: нима учун сафарга борадиганлар сонини дастлабки пайтдаёқ қисқартирмадингизлар? Ахир шунда кўз ёшлари, дилхираликлар камроқ бўлмасмиди? Саволга жавоб ўрнига, ...журналистларнинг негатив фактларга суяги йўқ-да», деган писандалар эшитдим.

— Болаларни олиб бориши керак бўлган муаллимлар тўғрисида ҳам афтидан махсус кўрсатма келган шекилли. «Инглиз»лардан биргина мен бордим, — деди куюниб 17-мактабнинг ўқитувчиси Саломат Иззатуллаевна Холмуродова, — ўқитувчи учун тил практикасини ўташга зўр имконият туғилган эди-я. Эҳ, қандай зўр алоқалар ўрнатиш мумкин эди-я. Зеро группага тилни биладиган кишилар раҳбар бўлганда чакки бўлмасди.

— Ўнта инглиз тили ўқитувчисини текшириб кўрдик, тўғри келишмади, — деб юқоридаги фикрни рад этди Валентина Фёдоровна, «ўта махфий идора»га шама қилиб.

...Машғулотлар тугаши билан сафарга боришга номзод бўлган болалар оёқларини қўлларига олиб 110-мактабга ёки Островский номли Пионерлар Саройига навбатдаги репетицияни ўтказиш учун чопишарди. Тушлик қилиб олишга камдан-кам улгуришарди. Катталарни эса гоҳо соатлаб кутишга тўғри келарди. Болаларнинг дадилроғлари бундан норози бўлишса, сафарга боргинг келмаса уйингда ўтиравер, борадиганлар топилади, деб гап билан оғзига уришарди.

— Алина мағрур қиз бўлгани учун бундай гапларни эшитгач, орқасига бурилди-ю жўнаб қолди, — деди Влада Коршунова хўрсиниб. — Биз бўлса тишимизни тишимизга қўйиб чидадик.

Алина Костина (91-мактаб), «Битлз» ансамблининг мухлиси ва группа ижодининг билағони, инглиз тилини яхши билади, репетицияларнинг бирида соатига қаради-да «Мен музикадан имтиҳон топширишим керак эди, рухсат беринг, борақолай?» деган эди, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг тарбиявий ишлар кабинети мудири Луиза Абдуллаевна Садретдинова: бор, модомики, бизнинг юзимизни ерга қаратмоқчи экансан, боравер, аммо бу ерга иккинчи қадам изи қилма» деди бамайлихотир.

Программани олиб борувчи Лазиза Азимова ҳам тобелик талабларига дош бера олмади. Сафарга жўнашларига икки ҳафта қолганда ўзи ўқийдиган 91-мактабнинг директори билан тортишиб қолди. Бу тортишув айтишга ҳам арзимаса-да Лазизага қайсар деган ёрлиқ ёпиштирилди. Тегишли жойга қўнғироқ қилиниб «Азимовани ҳеч қаерга юборманглар» деган кўрсатма берилди.

Юрий Николаевич Храбров қўполликни кечира олмайди. Мутлақо. Афтидан ўқувчи қизлар ҳам, педагог аёллар ҳам вақти-вақти билан унинг кабинетидан мутлақо тасодифий равишда кўзларида ёш билан чиқишлари энди ҳеч кимни ажаблантирмайди.

— Устига устак бобом ҳам ишни бузиб қўйди, — дейди кулиб Лазиза, — буни қарангки, айни биз сафарга ҳозирлик кўраётган пайтда министр этиб тайинлансалар бўладими?! Оқибатда «социал келиб чиқишим» тўғри келмай қолди. Иш бунақа тус олиб кетгани учун мен айбдор эмасман-ку!

Гапнинг пўскалласини айтсам, илгарилари раҳбар ходимлар ва уларнинг яқинлари учун кўп қулайликлар яратилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳа, эндиликда биз бундай қусурлардан ҳалос бўлаяпмиз. Қийинчилик билан, албатта. Баъзан ҳатто, юқорида кўрганимиздек, ошириб ҳам юбораяпмиз. Лазизанинг хафа бўлганини ҳамма ҳам тўғри тушуна олармикин? Лекин бир нарса аниқки, имтиёз ва таниш-билишчилик бор экан, «ўз одамини ўтказиш» тушунчаси эскирмас экан, юқоридагига ўхшаган бемаъни ҳолатлар ҳам учраб туради.

Группани қисқартириш тўғрисида навбатдаги кўрсатма келганда бундай «демократиянинг» нозик томонларига унча аҳамият бермайдиган болалар Лазизанинг группада қолиши учун овоз беришди. Бу бежиз эмас, чунки Лазиза саҳнада ўзини яхши тутади, кўп ўқиган, америкаликлар билан ҳам бемалол тиллаша олади. (Лазизанинг бу фазилатлари биринчи суҳбат чоғидаёқ очиқ-ойдин кўзга ташланган бўлиб, унинг рақибаси бу борада анча ютқазган эди).

Луиза Абдуллаевнани овозга қўйиш натижаси мутлақо қизиқтирмади:

— Сизлар шуни билишларингиз керакки, Лазизанинг биз билан бирга бориши мумкин эмас. Шунақа бўлиб қолди.

Лазиза кўзга тик қараб, ёшига хос бўлган қизиққонлик билан деди.

— Ҳали анчагача менинг ҳеч қаерга боришим мумкин бўлмайди! Чунки бобомни ҳали-вери фаррошликка ўтказишмоқчи эмас!

Қувноқ ва меҳмондўст америкаликлар бизнинг табиатимиздаги айрим нуқсонларга эътибор қилишди. Ахир ҳамма жойга ҳам миллий либосда бораверишнинг ноқулай, ўнғайсиз бўлди-да. Жонли суҳбат, тенгдошларнинг ўзаро фикрлашувлари давом этаётган пайтда тошкентлик меҳмонлар катталарнинг буйруғи билан яна концерт программасини қўйишга мажбур бўлишади. Меҳмонга келган болалар гўдаклар эмас эди, бошлиқлар бўлса уларга бақиришди. Америка мактабларида муносабатлар бундай эмас.

Валентина Фёдоровнанинг қаттиқ жаҳли чиқди.

— Ҳали норози ҳам эканларда. Сиз ҳам дуруст, яхши ишга қора чапламоқчи бўлаяпсиз. — Менинг яхши ишларга қора чаплаш ниятим йўқлигини айтганларим зое кетди. Халқ таълими аълочиси Монастиретская ўзининг педагогик эътиқодидан бир қадам ҳам чекинмасди.

— Ахир болаларнинг айтганини қилиб бўладими. Уларни йўналтириш, назорат қилиб бориш керак! Демократия, ошкоралик — бу яхши, лекин меъёрни ҳам билиш лозим!

...Бундан бир йил муқаддам Сиэтлдан келган меҳмонлар Тошкентда бўлишганда 64-мактабда ўтказилган зиёфатда иштирок этган эдим. Бу ерда мен меҳмон кутиш тадбири чин дилдан, ортиқча дабдабаларсиз қойилмақом қилиб ўтказилганига, биз ҳали бундай тадбирларни унутиб юборганимизга ишонч ҳосил қилган эдим. Шу воқеадан кейин ёзилган репортаж «Яхши умид ташрифи» деб номланиб, унда «бундай ташрифлар америкаликлару, бизнинг болалар учун ҳам анъанавий бўлиб қолади, океан ортидаги халқнинг туриш-турмушини билиб-билмай танқид қилавериш ўрнини мустаҳкам дўстлик олади» деган фикр айтилган эди. Агар бундай саёҳатларни «юқоридан» эмас, болаларнинг ўзлари амалга оширишса, кўп нарсаларга эга бўламиз.

— Агар юқоридан бўлмаса яхши бўларди-да, — деди 91-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Умид Тожиев. У ҳам Сиэтлга бориб келганлардан экан, катталардек афсус билан қўшиб қўйди:

— Фақат ҳаммаси қандай бўлган бўлса, шундай ёзсангиз, бу ишни бутунлай йўқ қилиб юборишармикин...

Умид ақлли йигит, лекин у бу гал хато қиляпти деб ўйлайман. Бироқ Қамашидан қаҳрли хат юборган қизларни бунга қандай қилиб ишонтириш мумкин. Бошқа жойлардаги минг-минглаб болаларга келгусида ер юзи бўйлаб саёҳатга чиқиш имкониятлари очилади, деб қандай ишонтириш мумкин. Ахир фото ва кино техникалар билан қуролланган чет эллик меҳмонларни намунали кўргазма хўжаликларни истисно қилганда қишлоқларга сира олиб боришмайди-ку. Нега ҳам олиб боришсин? Кўча чангитиб юрган болалар, уларнинг ўқиш ўрнига далада пахта тераётган ака-опалари, уйларини ғўзапоя билан иситаман деб қийналаётган оналари қувончли манзарани бузиб қўйиши мумкин-да. Йўқ, модомики шундай экан, ўзини эркин ҳис қиладиган чет элликлар гуллаб-яшнаётган пойтахтимиздаги «энг яхши» мактабларнинг ўқувчилари ҳамда маъмурияти билан биродарлашаверсин...

Қамаши районидан келган хат имзосиз бўлгани учун архивга жўнатилади. Рисқия Ҳасанованинг хатига келсак, уни қайта-қайта ўқийман. Ўқийману нима деб жавоб битишга бошим қотади.

Б. ГЕРШГОРИН

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саккиз болининг онаси судма-суд сарсон

ёки аниқликдаги туманликлар

«Ҳурматли редакция! Мазкур шикоят хатимни кўзимда ёш, қалбимда алам билан ёзмоқдаман, чунки ҳақиқат тополмай азобланиб яшаяпман. Бундан уч йил муқаддам, яъни 1986 йил 24 декабрдан 25 декабрга ўтар кечаси уйимизга ўғри тушиб бизни талаб кетди. Ўғрилар ўн кун ўтмай аниқланди. Улар 4 кишидан иборат эан. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жиноятчиларни ўз паноҳига олганидан улар ҳамон жазоларини тортгани йўқ. Мен милиция формасини кийиб олган, қонун номига доғ тушириб келаётган кимсалардан юқори органларга шикоят қилавериб чарчадим. Ҳақиқатни излай-излай юрак бағрим эзилди. Айбим нима? Оддий меҳнаткашлигим учун шунчалар хўрланишим керакми? 8 нафар фарзандларим ҳаққи-ҳурмати ёрдам берингглар.

Шарофат НОШИРОВА,
Қашқадарё область Қарши районидаги «Аврора» совхози, Нуқрабод қишлоғи.

Воқеа қандай бўлган эди?

Шарофат опа эрталаб ҳовлини супириб янги уйга кирганида сандиқнинг устидаги кўрпачалар оёқ остида сочилиб ётганини кўрди-ю, юраги шув этди. «Наҳотки... ўғри?..» Опанинг кўз ўнги қоронғилашиб деворга беҳол суяниб қолди. Сандиқ ичида фарзандларига атаб тийинлаб тўплаган пуллари бор эди. Болалар катта бўлиб қолди. Тўй қилишлари, уй солишлари керак. Энди нима бўлади? Онанинг кўзларидан дув ёш тўкилди...

Милицияга хабар беришди...

Уйидан 12700 сўм пул, «Весна — 202» магнитофони, 6 дона катта кичик рўмоллар... жами бўлиб 13280 сўмлик пул ва буюмлари ўғирлангани аниқланди.

13280 сўм... Эҳ-ҳе, оддий меҳнаткаш оила учун бу катта бойлик.

Уларнинг пешона тери билан топган бойлигига кўз олайтирган ким?

Ўша машъум кун бу савол Шарофат опа ва Эгам аканинг кўксига найзадек санчилди. Аммо жавоб топа олмадилар.

Эгам ака беҳол ўтирган хотинидан сўради: «Бу ишни ким қилиши мумкин? Бировга айтмаганмидинг?» «Йўқ» бош чайқади Шарофат опа.

Болаларнинг қий-чуви билан тўлиб тошган хонадон бамисоли мотамхонага айланганди.

Таниш-билишлар келиб ҳол сўрашар, тасалли беришарди. Айниқса Жаббор... кўп келди, ажаб эмас, пулингиз топилиб қолса деб кўнгилларини кўтариб кетарди у.

Участка инспектори ҳикоя қилади

Эътироф этиш керак, ўғрилик содир бўлгач, милиция ходимлари қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Суриштирув ва текширувлар бошланиб кетди. Бу борада айниқса участка инспектори Дўстқобил Маматовнинг зийраклигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Нуқрабод қишлоғида янги иш бошлаган Дўстқобил Маматовнинг бир оёғи жабрланувчиларникида бўлиб қолди. Улар бўлса ҳеч кимдан гумон ҳам қилишмас, калаванинг учи эса ҳамон чигаллигича турарди.

«Бу ишни хонадоннинг сир асроридан воқиф одам қилган» деган фикрга келди, ўғирлик ишини синчиклаб ўрганган инспектор.

Бунинг устига бармоқ изининг ҳам қолдирмаганлиги бу ишга машқини олган, пихини ёрган кимсалар қўл урганлигини кўрсатиб турарди. «Бу бир ёки икки кишининг иши бўлиши мумкин».

Инспектор ишни Ношироваларнинг уйига келиб кетиб турадиган яқин таниш-билишларнинг шахсини ўрганишдан бошлади.

«1987 йил 2 январь куни эди, — деб эслайди инспектор. Хонадонга кириб келганимда Эгам ака бир савлатли киши билан ҳовлида ишлаётган экан. Мен ундан ёнидаги кишининг кимлигини сўрагандим савлатли киши: «булар тоғам бўладилар, сиримиз йўқ, гапираверинг» деб қолди. Эгам ака ҳам жияним — Жаббор» деди. Жабборнинг шошапиша жавоб қилгани мени шубҳага солди. Уйга кириб ўтирдик. Орага пича жимлик чўкди. «Мана, уйларингизга ҳам ўғри тушганига бир ҳафта бўлди. Бирор кишидан гумон қиляпсизларми?» деб гап бошладим. Эр-хотин бараварига «Кимдан ҳам гумон қилардик, умидимиз милициядан» дейишди. Мен Шарофат опа пишириб келган тухумлардан бирини арча туриб: «Ўғрилардан бири ўзингизга яқин одамлардан!» дедиму Эгам акага тикилдим. Лекин кўз қирим Жабборда эди. У тухум арчаётган жойида донг қотиб қолганди.

«Жиноят шу кунларда очилади» дедим ҳамма нарсани аниқ биладигандай. Қўллари тобора қаттиқ қалтираётган Жаббор тухумини қайтиб тарелкага қўйди.

— Ўғрилар кўпчилик... Биттаси ўз ичингиздан, бошқалари ташқаридан!

Жаббор аввал ярмини арчиб қўйган тухуми қолиб, бошқасини арча бошлади. Мен отган ўқим нишонга тегаётганига ишонч ҳосил қилгач, «Жиноят икки кунга қолмай очилади» дедимда чиқиб кетдим. Тўғрисини айтсам, айтган гапларимни ҳаммаси фақатгина тахминларга асосланган бўлиб Жабборнинг руҳий ҳолатини кузатиш эди. Орадан ҳақиқатдан ҳам икки кун ўтгач, Жаббор ўғирлик қилганини тан олибди, деб эшитдим. Дарвозадан кириб борсам, мени кўриши билан «Келинг! Мана пуллар олиб кетаверинг! Қоғозларингизни ёзинг!» деб қолди. Мен Қурбонов Жабборни район ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги В. Ашуровнинг ҳузурига олиб келдим. Бошлиқ ундан сўради: ўғирланган пуллар қани?» «Уйда» деди Жаббор. «Ўғирликни ким қилди?» «Турди, Салим»... Сўнг Жаббор тушунтириш хати ёзиб берди. Уйидан ўз кўрсатмасига асосан 1006 сўм ўғирланган пуллар далилий ашё сифатида олинди»,— дея сўзини тамомлади участка инспектори Д. Маматов.

Шундай қилиб, жиноят фош бўлди. Ўғирлик кимлар томонидан содир этилгани аниқланди. Энди улар қилмишига яраша жазо олди. Ўғирланган пуллар ўз эгасига қайтарилди, деб ўйлаётгандирсиз? Афсуски йўқ. Ўғрилар топилгандан кейин ҳам жабрланувчиларнинг ташвишлари кўпайса кўпайдики камаймади. Буни мақола бошида келтирган хат ҳам очиқдан очиқ тасдиқлаб турибди. Биз бу ҳақда сал қуйироқда батафсил ҳикоя қиламиз. Ҳозир эса Шарофат опа ва Эгам акаларнинг бошига кўп шўришлар солган Жаббор ва унинг шериклари ҳақида бир оз тўхталайлик.

Жаббор ким?

Эгам ака қўшни маҳаллада яшайдиган узоқ қариндоши Жабборни жияним деб ўзига яқин олар, юрагини унга очарди. Лекин жиян бу хонадоннинг мулкига кўз олайтирди. У тоғасининг тўплаган пули борлигини билган, бир неча бор ўғирлаш режасини тузганди.

1986 йилнинг ноябрь ойида Тўраев Турди, Ҳамраев Салим каби шериклари билан Эгам аканинг пулларини ўғирлашга уринади. Аммо машъум ниятини амалга ошира олмайди. Ҳамраев Салим ўзининг бир кўрсатмасида: «Биз ноябрь ойида ҳам Эгам тоғанинг уйига пулини олиш учун келиб қайтиб кетдик. Уй эгаларникида меҳмон бор экан ва улар ухламаган эканлар. Булар Жабборнинг кўрсатмаси билан бўлган эди».

Иккинчи марта ўғирликка тушиш учун пулларнинг қаерда туришини билиб олиш зарур эди. Чунки пулларнинг турган жойи ўзгарган бўлиши мумкин, деб ўйларди Жаббор.

1986 йил 23 декабрь куни кечқурун ўзи ҳайдаб юрган КамАЗ автомашинасида Эгам акага 15 дона ДВП фанерини Ҳамраев Салим ва Шахриев Қўчқорлар билан келтириб беради-да пулини зудлик билан беришини сўрайди.

Хонадон эгалари янги уйга киришиб сандиқнинг устидаги кўрпачаларни тушира бошлайди. Жаббор билан Салим айвонда туриб уларни кузатадилар ва пул сақланаётган жойни аниқ билиб оладилар.

1986 йил 24 декабрдан 25 декабргача ўтар кечаси Жабборнинг ўртоғи, илгари бир неча бор судланган Тўраев Турди Аракелян Владимирнинг машинасида Ношировалар яшайдиган кўчага келади. Аракелянга «Бир соатдан кейин келиб олиб кетгин» дейди. Сўнгра жабрланувчиларнинг уйига кириб 12700 сўм пул ва бошқа буюмларини ўғирлайди. Келишилган шартга кўра Аракелян ўша кечаси соат 04 ларда қайтиб келиб Турдини олиб кетади.

Жаббор эртаси куни Салим ҳамроҳлигида Турдининг олдига боради. Турди Жабборга «тоғангнинг уйидан 12700 сўм эмас, 7000 сўм пул чиқди, уч кишига бўлдик» деб унга 2000 минг сўм пул беради. Шунингдек Турди Аракелянга ҳам 2000 сўм пул беради.

Аммо, Жаббор бу пул бўлинишдан норози бўлиб, бошқа куни Салимнинг иштирокида 2000 сўм пулни Турдининг олдига қўйиб, «Ма берган пулингни олиб қўй» деб кўради. Бундай ишларда пихини ёрган Турди Салимнинг олдида «Мен сенга ҳеч қандай пул берганим йўқ. Бор қаерга борсанг ўша ерга бор», дейди.

Жаббор Турдини қўрқитиб ҳеч нарса ундира олмаганидан кейин қанчалик алам қилмасин шунга рози бўлишдан ўзга илож топмайди. Ундан ҳам 985 сўмини Салимга беради.

Меҳрибон жиян шу кунларда ўғирланган пулнинг бир қисмини чўнтагига солиб олганча, жабрланувчиларнинг кўнглини кўтариш билан машғул бўлди. Чунки ундан ҳеч ким шубҳа қилмас эди.

Сарсонгарчиликнинг илдизи қаерда?

Жабрланувчиларнинг турли идораларга кетмакет шикоят ёзишига бош сабаб тергов ишлари жуда суст ва юзаки олиб борилганлигидир. Иш материлларини ўрганиш орқали биз ана шу хулосага келдик. Келинг, фикримиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун фактларга мурожаат қилайлик.

Мазкур ишнинг дастлабки терговини олиб бориш Қарши район ички ишлар бўлими паспорт бўлинмаси инспектори, олий маълумотли юрист, вақтинча тергов бўлимига ўтказилган К. Хушвақтовга топширилди.

Опертив суриштирув ва тергов ҳаракатлари туфайли Тўраев Турдининг уйидан тинтув вақтида 697 сўм пул, 16 та ҳар хил рўмоллар, бир жуфт медицина қўлқопи, Ҳамраев Салимдан 130 сўм пул, у Дониёров Абдуғанига 50 сўм берганлиги учун, шу пулнинг 41 сўми олинади. Кейинроқ Аракелян Владимирнинг уйи тинтув қилинганда фин пичоғи ва 100 сўм топилади.

К. Хушвақтов гумондор ва бошқалардан далилий ашё сифатида олинган 1974 сўм пулни холислар иштирокида таниб олиш учун Ношировага тақдим этди.

Жабрланувчи бу пулларини бошқа пуллар орасидан устига ўз қўли билан ёзган «33», «38», «60», «22», ва «26» рақамларига қараб, Тўраев Турдининг уйидан олинган 16 та рўмолдан 3 тасини эса доғи, тегишли белгилари асосида таниб олади.

Лекин терговчи пуллардаги ёзувлар, рўмоллардаги доғлар бўйича хатшунослик ва кимёвий экспертизалар тайинлаб, далилий ашёларни процессуал қонун асосида мустаҳкамламайди. Нима учун?

Олий маълумотли юрист бу иши билан айбла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нувчиларнинг тегирмонига сув қуяётганлигини нақотки билмаса?

Биз бу ишни ўрганар эканмиз яна бир ажабланарли фактга дуч келдик.

Хушвақтов мазкур жиноят иши юзасидан Қурбонов Жабборнинг сўроқ қилиниши шарт эканлигини кўрсатиб, жиноят қидирув бўлимига уни топиб келишини сўраб мурожаат қилади. Бироқ унга 1987 йил 7 январдан бошлаб ўзини «жинни»ликка солган Жабборнинг руҳий касалхонада даволанаётганлиги ҳақида справка келтириб берадилар. Орадан бир ҳафта ўтгач, руҳий касалхонадан чиққан Жаббор ишхонасидан командировкага жўнаб кетади. Шунинг учун терговчи Жабборнинг жиноий ҳаракатларини ўз вақтида аниқлай олмайди.

Жиноий иш очилиб тергов ҳаракатлари чоғида гумондор шахсдан одатда тилхат олинади. Бу тилхатга кўра, у бошқа жойга терговчининг рухсатисиз кетмаслиги керак. Лекин Жаббор Қурбонов бемалол командировкага жўнаб кетди. Модомики, Жаббор йўқ экан, тергов боши берк кўчага кириб қолиши табиий. Хўш, Жабборнинг мақсади ҳам айни шу эмасмикин? Нима учун терговчи бунга йўл қўйди? Агар К. Хушвақтов ёш, тажрибасиз экан, нима учун унга ички ишлар бўлимидан малакали ёрдам кўрсатилмади? Қисқаси, бу ишни қанчалик чуқурроқ ўрганиб борсак «нима учун?» деган саволга шунчалик кўп дуч келавердик.

К. Хушвақтов ишда Жаббор Қурбоновнинг руҳий касаллиги ҳақида справка бор эди, дейди. Биз эса область прокурорининг ёрдамчиси С. Насруллаев билан биргаликда жиноят ишидан шу справкани топа олмадик.

1987 йил, 3 февраль куни Хушвақтов В. Аракелянни сўроқ қилади. У ўзининг кўрсатмасида ўғирлик юз берган ўша кечаси Турдини Нуқрабод қишлоғига олиб боргани ва қайта бориб олиб келгани, орадан икки-уч кун ўтиб, Турди унга 2000 сўм берганини айтади. «Бу пуллар 3 сўмлик ва 5 сўмлик пуллардан ташкил топиб, 4 бўлакда ҳар бири 500 сўмдан қилиниб, тикув машинасининг қора ипи билан боғлаб қўйилганди» деб кўргазма беради. Сўнгра терговчи Аракелянни ўғирликда шерик гумон қилиб ЎзССР ЖК нинг 405-моддаси билан вақтинча сақлаш изоляторига қамоққа олади. (ИВС).

Жабрланувчилар ўзларининг кўрсатмасида пулларини 500 сўмдан қилиб тикув машинасининг қора ипи билан боғланганини айтгандилар. Аммо Аракелянни айтишича; «Турди унинг ишончини суистеъмол қилиб. Хотиним ва болаларим Нуқрабодда, уларни олиб келишим керак,— дегани учун, аввал бир жойда ишлаган бўлганидан уни олиб борган ва қайтиб бориб уйига ташлаб қўйган. Ўғирлик қилишидан хабари бўлмаган. Пулларни эса Турди унга қарз тариқасида берган эмиш. Шунингдек В. Аракелян гумондор эмас, гувоҳ бўлиб чиқади.

К. Хушвақтов Владимирни 1987 йил 3 февралдан 6 февралга қадар қонунсиз равишда қамоқда ушлагани учун маъмурий жазо олиб терговдан четлатилади.

К. Хушвақтов терговдан четлаштирилгач, 1987 йил 5 февраль куни мазкур жиноят ишини Қарши район ички ишлар бўлимининг терговчиси, милиция катта лейтенанти У. Боймуродов ўз қўлига олади.

1987 йил 23 март куни илгари 4 марта судланган Тўраев Турдини ЎзССР ЖКнинг 125-модда 3-қисми (уйга кириб ўғирлик содир этилганлиги) билан айблаб эҳтиёт чораси — қамоқда сақлашни ўз кучида қолдиради. Шу куни Ҳамраев Салимни 15 дона фанерни ортиқча нархда сотганлиги учун ЎзССР ЖКнинг 175-модда «а» банди билан (чайқовчилик, яъни фойда олиш мақсадида товар ва бошқа буюмларни сотиб олиш ва уларни қайтадан сотиш) айблаб, тилхат орқали очиқда қолдиради. Эртасига эса уйидан 100 сўм пул ва совуқ қурол чиққан В. Аракелянга нисбатан ЎзССР ЖКнинг 210-модда 2-қисми билан (совуқ қурол сақланганлиги учун) айб эълон қилиб ва уни жамоат кафиллигига бериб жиноят ишининг бир қисмини бекор қилади. Қурбонов Жабборнинг жиноий ҳатти-ҳаракатига объектив баҳо бериб, жавобгарликка тортиш ўрнига «гуноҳидан кечиб қўя қолган».

У. Боймуродов 1987 йил 25 мартда 3—440 сонли жиноят ишининг терговини тугатади. Аммо у терговдан четлаштирилган К. Хушвақтовнинг процессуал хатоларини тузатмайди. Пуллардаги ёзувларни хатшунослик, рўмоллардаги доғларни кимёвий экспертизалардан ўтказмайди. Яна ўша савол: нима учун?

Хуллас, пала-партиш, юзаки тергов олиб борилган жиноий иш судга оширилади, яъни олдиндан судма-суд сарсон бўлишга гирифтор қилинади.

Бундан ким манфаатдор? Жабрланувчими? Йўқ! Афсуски, айбланувчи манфаатдор. Шундай деб ўйлайсану, яна балки терговчилар суд ишини қайта терговга юборгандан кейин йўл қўйган камчиликларни тузатдимикин, деб умид қиласан, киши.

Бироқ, фактлар қайсар бўлади, деб бежиз айтишмас экан. Иш материаллари бу умидимизни ҳам пучга чиқарди.

Жиноят иши биринчи марта Қашқадарё область Усмон Юсупов район халқ судида кўрилади. Лекин терговдаги талайгина камчиликлари туфайли область судининг жиноят ишлари судлов коллегиясида кўриб чиқилиб, қўшимча терговга қайтарилади.

1987 йил, 22 июль куни ишни яна У. Боймуродов ўз қўлига олади. Жиноят ишидан Ҳамраев Салимнинг қисмини жамоатчиликка бериб бекор қилади. Аммо терговчи иккинчи марта тергов ҳаракатларини олиб борганида ҳам, ишнинг камчиликларини тўлдирмайди, тегишли экспертизаларни тайинламайди. У фақат Тўраев Турдининг бир ўзини ўғирликда айблайди. Натижада иш 1987 йил декабрь ойида Нишон район халқ суди томонидан кўрилиб яна терговга қайтади.

1988 йил, 15 январь куни жиноят иши Ульянов район ички ишлар бўлими терговчиси милиция катта лейтенанти У. Ҳайдаровга топширилади. У 1988 йил, 13 февраль куни Тўраев Турдини қайтадан ЎзССР ЖКнинг 125-модда 3-қисми билан айблаб, эҳтиёт чорасини ўзгартириб, қамоқдан чиқаради. Тилхат орқали очиқда қолдиради.

Жиноят ишининг айблаш фикрини тасдиқлаш ва судловга ошириш учун прокурорга юборади. Қарши район прокурори Ж. Сафаров ишни қўшимча терговга қайтариб, Қурбонов Жабборнинг ҳаракатида жиноят состави мавжудлиги учун уни ҳам айблаш лозим деб топади.

Терговчи Ҳайдаров гувоҳ, холисларнинг кўрсатмаларига асосланиб, Қурбонов Жабборни ҳам ЎзССР ЖКнинг 125-модда 3-қисми билан айблайди. Эҳтиёт чорасини қўллаб тилхат орқали очиқда қолдиради. Сўнгра айбловни тасдиқлаш ва тегишли судловга ошириш учун ЎзССР ЖПКнинг 185-моддаси асосида прокурорга юборади. Бироқ терговчи Ҳайдаров томонидан ҳам айбдорлардан олинган пул ва рўмоллар бўйича экспертизалар ўтказилмаганидан бу буюмлар процессуал қонун талабига кўра далилий ашё сифатида мустаҳкамланмай жабрланувчига тегишли эканлиги даргумон бўлиб қолади.

Бунисига нима дейсиз?

1988 йил, 27 август куни бу иш учинчи марта Баҳористон район халқ суди томонидан кўриб чиқилиб, жабрланувчи ва айбланувчилар ўртасидаги тортишув жиноят ишининг асосий далилий ашёлари бўлган пул ва рўмолларга бориб тақалади.

Суд тергов камчиликлари бўлганлиги учун жиноят ишини яна қўшимча терговга қайтарганда жабрланувчи, саккиз боланинг онаси Шарофат Ноширова яна ҳақиқат тополмай уйига қайтади.

Икки йилдан бери сарсон бўлиб юрган ишнинг қўшимча терговини олиб бориш, Косон район ички ишлар бўлимининг терговчиси милиция лейтенанти А. Йўлдошевга топширилади.

Ниҳоят хатшунос экспертизаси тайинланади. Экспертиза жабрланувчи холислар иштирокида таниб олгани — пуллари устига ёзиб қўйган рақамлар ҳақиқатан ҳам Ноширова ва Абдуллаевларнинг ёзувлари эканлигини тасдиқлайди. Энди рўмоллардаги доғлар хусусида кимёвий экспертиза ўтказилса у жабрланувчининг фикрини тасдиқласа кифоя эди.

Шу ерда, азиз журналхон, ана энди ҳақиқат тантана қилади деб енгил нафас олган бўлсангиз кераг-а? Шошманг, воқеанинг бу ёғини эшитсангиз ҳайратдан ёқангизни ушлайсиз. Гап шундаки, судлов ишларида энг муҳим далилий ашё ҳисобланмиш рўмоллар Баҳористон халқ судидан сўнг сирли равишда гумдон қилинади.

Уни ким гумдон қилган?

Ким?

Бу саволни ҳозирча очиқ қолдирамиз. Чунки буни ҳеч ким билмайди-да.

Хўш, бу ёғи энди нима бўлади?

Ўғриларнинг айбини исботловчи далилларнинг бир қисми йўқолгани учун кимёвий экспертиза тайинлай олмаган А. Йўлдошев 1989 йилнинг 9 февраль куни жиноят ишининг Турди ва Жабборга тегишли бўлган қисмини бекор қилиб, қарор чиқаради.

Бу ишда ҳамма нарса нуқул айбланувчиларнинг фойдасига ҳал бўлаётгани сизни ажаблантирмаяптими? Бизни ажаблантирди.

Шундай қилиб, Турди ва Жаббор бегуноҳ бўлиб чиқди.

Қарорда шундай важ келтиради. «...Хатшунослик экспертизаси «33», «38», «60», «2» ва «26» рақамлари жабрланувчи Абдуллаев Эгам ва Ноширова Шарофат томонидан ёзилган, деб хулоса берган бўлса-да, лекин бу билан Тўраев Турдини айблаб бўлмайди. Сабаби барча пуллар процессуал жиҳатдан расмийлаштирилмасдан ички ишлар бўлимида сақланган. Шунингдек, далилий ашёларни олиш вақтида иштирок этган барча холислар ҳозирги вақтда яшаш жойларидан номаълум томонга кўчиб кетганлар...»

Терговчи йўқолган ашёвий далилни суриштириш, яшаш жойидан бошқа ёққа кўчиб кетган холисларни топиб (бу милиция органларига қийин эмас) деярли уч йилга чўзилган терговни одиллик билан ниҳоясига етказиш ўрнига ажабтовур хулоса чиқаради.

«Тўпланган материаллар бўйича гувоҳларнинг кўрсатмаларига кўра Тўраев Турдини яна айблаш учун ҳеч бир асос йўқ, унинг ўғирлик қилганлигини исботлаш учун далиллар етарли эмас, шу сабабли жиноят ишидан Тўраев Турдига ва Қурбонов Жабборларга нисбатан бўлган қисмларини бекор қилиш лозим» деб ЎзССР ЖПКнинг 5-моддаси 2-бандини қўллаган, яъни уларнинг ҳаракатида жиноят состави йўқ эмиш.

Биз Қашқадарё область прокуратурасида мазкур жиноят ишини ўрганиш жараёнида терговчи Йўлдошев билан суҳбатлашиб қолдик ва ундан 1989 йил, 9 февраль куни чиқарган қарорининг «...барча пуллар процессуал жиҳатдан расмийлаштирилмасдан ички ишлар бўлимида сақланган» деган жумлаларини изоҳлаб беришини сўрадик. Терговчининг айтишича, «пуллар ўрами муҳрсиз Қарши район ички ишлаб бўлимининг темир сандиғида сақлангани учунгина далилий ашё сифатида тан олинмас эмиш... «У ҳолда нима учун экспертиза тайин қилдингизу, экспертиза пулларнинг жабрланувчига қарашли эканини тасдиқлаганидан сўнг, пуллар далилий ашё бўла олмайди», деб сўрадик. Терговчи саволимизга жавоб бера олмади. «Сиз жиноят ишини қабул қилганингизда далилий ашёлар — рўмоллар бор эдими?»

— Рўмоллар йўқ эди.

— Агар ашёларнинг бир қисми йўқ бўлса, нима учун ишни қўлга олиш тўғрисида қарор чиқармасдан туриб, уларни талаб қилмадингиз?»

Йўлдошев ўйланиб қолди.

Биз ишни ўрганиш жараёнида терговчининг қамоққа олинган айбдорларни озодликка чиқариб юборишга устамонлик билан ҳаракат қилганини кўриб ҳайратдан ёқа ушладик. Чунки буларнинг айбини исботлаш қийин эмиш.

Биз эгрини тўғрига чиқарган терговчининг ажабтовур қарорини муҳокама қилиб турганимизда ишни олиб келинганини хабар қилишди.

Бу судма-суд, терговма-тергов ўтиб тобора семириб, оғирлигидан қўлда базўр кўтариладиган 2 томли иш саккиз фарзанднинг ота-онаси бўлган оддий меҳнаткашларнинг, жабрланувчиларнинг дардини мутлақо енгиллаштирмас эди.

Сиртдан қараганда бу милиция терговчиларининг роса тер тўкиб ишлаганидан далолат берарди. Аслидачи? Аслида бир терговчининг процессуал хатосини иккинчиси тўлдириш, тузатиш ўрнига «қандайдир бир ғаразли мақсадни кўзлаб» ёки кимнингдир кучли тазъйиқи остида тергов ишлари пайсалга солингандай кўринарди. Йўқса, эътиборсизлик баҳона, терговнинг узундан-узоқ учинчи йилига келиб бир пайтлар айбланувчининг уйидан тинтув вақтида топиб олинган жабрланувчининг рўмоллари — ашёвий далиллар сирли равишда йўқолиб айни шунинг учун тергов тўхтатилиб, айбдорлар айбсизга чиқарилармиди?!.

Биз бугун бўлмаса эртага адолат тантана қилишига, Шарофат Ношированинг ўғирланган пули ўзига қайтарилишига, жиноятчилар эса қилмишига яраша жазоланишига ишонамиз. Шундай бўлса-да баъзи бир фикр-мулоҳазаларимизни айтиб ўтишни лозим топдик.

Халқимизда ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, деган доно нақл бор. Биз юқорида танишган воқеа мисолида ҳам ҳақиқатнинг эгилганини кўрамиз. Афсуски, бу гал ҳақиқат икки бор эгилди. Ҳақиқатни биринчи бор ўғрилар эгишган эди. Иккинчи гал уни тергов органлари вакиллари эгишди. Халқимиз ҳамиша Ички ишлар органларига чуқур ҳурмат билан қараб келишган. Чунки милиция сиймосида биз осойишталигимиз посбонларини кўрамиз. Аммо юқорида Шарофат Ношированинг ёрдам, нажот сўраб қилган илтижолари милиция ходимлари томонидан оқибатсиз қолдирилди, сансалорликка йўл қўйилди.

Социал адолат оёқости қилинди, қадр-қиммат топталди. Лекин ички ишлар органлари вакиллари айни вақтда ўзларига бўлган ишончни, ҳурматни ҳам оёқости қилганликларини, топтаганликларини ҳам билишармикин? Бизнингча, халқ ишончини йўқотиш дунёдаги энг оғир йўқотишлардан ҳисобланади. Буни ҳар биримиз ҳам ёдда тутишимиз лозим.

Муҳаммаджон ЛУҚМОНОВ,
«Ёш куч»нинг махсус мухбири.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тожик совет адабиётининг асосчиси, ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Садриддин Айний «Қуллар», «Дохунда» романлари, «Етим», «Одина», «Бухоро жаллодлари», «Судхўрнинг ўлими» қиссалари, «Эсдаликлар»идан ташқари яна ўнлаб илмий-бадиий асарларнинг муаллифидир. Аксарият асарларини дастлаб ўзбек тилида ёзган бу улуғ санъаткорнинг «Темурмалик», «Аҳмади Девбанд», «Муқанна исёни» сингари ўнлаб асарлари ҳанузгача ўзбек тилига таржима қилинмаган. Ваҳоланки, бу асарларда қадим замонларда тожиклар билан бир сарзаминда қондош ва қардош бўлиб яшаб келаётган бизнинг аждодларнинг ҳаёти ва курашлари ҳам тасвирланган. Уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, аждодлар анъанасига садоқат юксак даражада ифодаланган. Биз қуйида севимли ёзувчимизнинг «Муқанна исёни» асарини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

КИРИШ СЎЗИ

Муқанна исёнининг мақсад ва маъносини тушунмоқ учун биз бир қатор тарихий шароитлар баёнига тўхтаб ўтмоғимиз лозим. Жумладан, биз

Садриддин АЙНИЙ

Рассом: С. СУЛАЙМОНОВ

исломгача бўлган Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг аҳволи ва шароитини мухтасар баён қилиб, идора усулларини шарҳлашимиз зарур. Шунингдек, Муқанна исёнигача Хуросон ва Мовароуннаҳрда араб босқинчиларига қарши кўтарилган қўзғолон ҳамда ғалаёнларнинг мақсад ва моҳиятини ҳам қисқа тарзда кўрсатиб ўтишимиз лозим.

I БОБ. ХУРОСОН ВА МОВАРОУННАҲРНИНГ АРАБ ИСТИЛОСИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ АҲВОЛИ

Араблар ҳужум қилган пайтда Мовароуннаҳрда мамлакатни бир жойдан бошқарадиган ягона марказлашган давлат мавжуд эмас эди. Ҳар бир шаҳар ва катта қишлоқлар ўз ҳолича мустақил бўлиб, ўша давр тожик тилида «худот» деб аталмиш подшо-ҳукмдор томонидан идора қилинар эди.

Бухоро, Самарқанд, Нахшаб (Насаф-Қарши), Кеш (Шаҳрисабз), Шумон (ёки Шомон) ва бошқалар мустақил давлат ҳисобланиб, ўз худотларига эга эдилар. Ҳатто Бухоро шаҳри ва унинг атрофлари икки ўзича мустақил худотлар томонидан бошқарилар эди. Уларнинг бири шаҳарда ўрнашган бўлиб, Бухоро ва унга ёндош ерларда ҳукмронлик қиларди; бошқаси Вардонзеҳ (Шофирком) бўлиб, ўша давр тилида Вардона деб юритиларди, ҳукмронлик қиларди. Бухоро подшосини «бухор-худот», Вардонзеҳ ҳокимини «Вардонхудот» деб атар эдилар.

Мазкур худотлар ўзаро келишиш ўрнига, кўпинча жангу жадаллар билан машғул бўлардилар. Бухорхудотлар билан вардонхудотлар ўртасидаги низо-адоватлар араблар бу ерларни батамом забт этгунча давом этди. Босқинчилик урушларида ғолиб келган Қутайба ибни Муслим вардонхудотликни йўқотиб, унинг ерларини бухорхудотларга тобе этди. Аслида, буларнинг устидан араб волийси ҳукмронлик қилар эди.

Мамлакатнинг даромади деҳқончиликдан келарди. Ҳар бир қишлоқ ёки ҳар бир неча қишлоқнинг ўз хўжайини бўлиб, уни «деҳқон» дейишарди. Бевосита ерда ишловчи ёки бир оз ер эгаси бўлган шахсларни «рустой» (қишлоқи-саҳрои) ёки кишоварз деб атардилар. Бунинг маъноси «экувчи», экиш-тикиш билан шуғулланувчилар демакдир.

Бунинг устига худотлар ё сотиб олиш ёки бутунбутун қишлоқларни зўрликла тортиб олиш билан бирга катта ер эгалари — деҳқонлар ҳамда қишлоқ хўжайинидан солиқ ундириб олардилар.

Ҳар бир деҳқон ўз корондаларидан қуролли дасталар тайёрлардилар. Улар зарур бўлган пайтда деҳқон ёки унинг ўғли раҳбарлигида худот хизматига боришарди. Ана шулар мамлакатнинг қуролли кучлари ҳисобланишарди. Наршахий маълумотига қараганда араблар ҳужум қилган пайтда Бухоронинг худоти аёл бўлган. У ҳар куни ўз қасридан Бухоро Регистонига тушиб халқнинг арзу додини эшитаркан. У арз эшитишга чиққанда деҳқонзодалар ва рустонлардан тузилган икки юз сипоҳий унинг ёнида хизматда тураркан; иккинчи куни яна бошқа икки юз нафар қуролли кучлар келар экан. Бир йилда ана шу мусаллаҳ сипоҳийларга тўрт кундан навбат келар экан. Демак, араблар ҳужуми пайтида ана шу аёл ҳукмрон ихтиёрида 18—19 минг мусаллаҳ кучлар бўлган.

Умуман олганда, ҳокимият деҳқонлар ва катта заминдорлар ихтиёрида бўлиб, худотлар улар томонидан мансабга тайинлаб қўйилгандир. Бу умумий тартибдан Бухородан 40 километр ғарброқда жойлашган Пайканд қалъаси мустасно эди. Бу қалъа аҳолисининг аксарияти савдогарлар бўлиб, ҳокимият ҳам ўз қўлларида эди. Улар бухорхудотларга бўйсунмасдилар.

Пайканд аҳолисидан ташқари кўпгина шаҳарлар, қишлоқ қалъаларидаги кишилар ҳам деҳқончиликка алоқаси бўлмай, ҳунармандлик билан шуғулланар эдилар.

Ўша даврда Мовароуннаҳрда, айниқса, Бухоро ва унинг атрофларида тўқувчилик, этикдўзлик, заргарлик, наққошлик ҳамда ҳайкалтарошлик анча ривожланган эди. Араблар Бухорони «Байттутироз» — нақшу нигор ва зеби зийнат шаҳри деб атардилар. Чунки Бухорода жуда катта тўқувчилик ва гул тикувчилик корхонаси мавжуд эди.

«Тарихи Наршахий» китобининг муаллифи берган маълумотга қараганда бу корхона арк деворларидан то шаҳар деворларигача бўлган катта бир саҳнни эгаллаган экан. Бу корхонада гилам, колин ва бошқа ерга тўшаладиган палослар тўқиларкан. Бундан ташқари парда, шомиёна, ҳайма олди пардалари, соябон ўрнида ҳовли олдига тортадиган матолар, кўрпа, ёстиқ, чопонлар, сўзаналар каби хилма-хил рўзғор матолари ҳам шу ерда ишлаб чиқариларкан. Ўша муаллифнинг таъкидлашича, баъзи пардаларнинг қиммати Бухоронинг бир йиллик хирожига тенг келар экан.

Араб халифаларининг маъмурлари ҳар йили халифага Бухоро хирожи ҳисобидан ана шу матолардан элтаркан.

Шу корхонада ишлаб чиқарилган ва тикилган мато ҳамда чопонлар Шом, Миср, Рум ва бошқа шаҳарларга ҳам олиб бориларкан. Ана шу юртлардаги барча подшоҳ, амир ва бошқа мансабдорлар, албатта, шу матолардан тикилган чопон кийишаркан. Бу корхона ишлаб чиққан чопонбоп матоларнинг аксарияти қизил, оқ ва баргранг бўлар экан. Бухоро ва унинг атрофидаги корхоналарда тўқиладиган қимматбаҳо матолардан бири занданиж карбоси бўлиб, у дастлаб Занданижий қишлоғи ҳунармандлари томонидан тўқилгани учун шу ном билан юритиларди. Шу анъанага кўра бу карбос қаерда тўқилишидан қатъи назар «занданижи» деб аталаверади.

Наршахийнинг таъкидлашича, бу карбосни Ироқ, Форс, Кирмон ва бошқа барча вилоятларга олиб бориб сотишар экан. Барча шоҳлар ва зодагонлар уни ипак ҳарир баҳосида сотиб олиб, чопон қилиб кийишар экан.

Бухорода «Бозори Моҳ» номли улкан бозор бўлиб, бу ерда йилига икки марта савдо-сотиқ қилинарди, холос (ҳозир ўша бозор ўрнида гузар ва Масжиди Моҳ мавжуд). Исломгача бўлган даврда бу бозорда турли хил ўйинчоқлар, бутлар сотиларди. Уларни ҳайкалтарош, наққош, заргарлар, дурадгору ўймакорлар хилма-хил нақш ва зеб-зийнатлар билан безаб чиқишаркан. Наршахийнинг маълумотига кўра ана шу бозорда бир кунда эллик минг тангалик ҳар хил ўйинчоқ ва бутлар сотиларкан.

Бухорода заргарлик, зардўзлик, ўймакорлик ҳамда металларга рангли гул тушириш ҳунари ва санъатининг нақадар ривожланганлигини қуйидаги факт ҳам тасдиқлайди: араблар аёл бухорхудотни енгганларида унинг этигини ҳам қўлга туширадилар ва бу этикни 200 минг тангага баҳолайдилар.

Бухоро қишлоқларида ҳафтасига бир марта бозор бўларкан. Айрим қишлоқларда эса, йилига 10—20 маротаба ярмаркага ўхшаш бозорлар бўларкан. Бу бозорларга узоқ вилоятлардан ҳам савдогарлар келишарди. Тавоис қишлоғида (бу қишлоқ Зарафшон дарёси соҳилида Бўстон яқинида бўлиб, ҳозир ҳам шу ном билан аталади) куз фаслида ўн кун сурункасига бозор бўларди. Унда ўн мингтача савдогарлар тўпланиб Занданижи ва Бухоро ҳунармандлари ишлаб чиқарган қўлбола матоларни харид қилар эдилар.

Бу фактлар шуни кўрсатадики, исломгача бўлган даврларда Бухоронинг қўли гул ҳунармандлари олий сифатли матолар ишлаб чиқарган. Аҳолининг бир қисми ҳунармандчилик билан машғул бўлиб, унинг орқасидан кун кўришган. Аммо қишлоқларнинг асосий аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хуросоннинг ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳам Мовароуннаҳрдан унчалик фарқ қилмасди. Хуросонда ҳам ҳокимият асосан маҳаллий зодагонлар қўлида бўлиб, улар қисман Эрон шаҳаншоҳига бўйинсунарди. Бу итоаткорлик норасмий — тил учида эди, холос. Чунончи, араблар Ироқ ва Форсга ҳужум қилганда Хуросон ҳокими Моҳуви Эроннинг шаҳоншоҳи Яздигурдга аскар ҳам юбормади, моддий ёрдам ҳам бермади. Араблардан қочган Яздигурд Марвга келганда, унинг молмулкини қўлга киритиш мақсадида Моҳуви уни ўлдирмоқчи бўлади. Буни сезиб қолган Яздигурд қочади, лекин бир тегирмончи томонидан ўлдирилади.

Хуросонда ҳам Мовароуннаҳрга ўхшаш қишлоқларнинг хўжайини деҳқонлар бўлиб, экиштикиш ишларини кашоварзлар — корандалар бажарарди. У ерда ҳам катта қишлоқ ва шаҳар хўжайинларини «худот» деб аташарди; бу худотлар ҳам ўзаро чиқишолмасди. Наршахийнинг айтишича, Сомонийлар сулоласининг асосчиси Балхдаги бир қишлоқни обод қилгани учун унга Сомон деб ном беришган ва «сомонхудот» деб атай бошлашган. (Унинг асл номини аниқлай олмадик.)

Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросонда ҳам маишатбозлигу дабдабали базмлар ўтказиш авжга чиққан эди. Уларда ишлатиладиган ва қўлланиладиган асбоб-анжомларнинг аксарияти мана шу сарзаминда тайёрланарди. «Равзатус сафо» асари муаллифининг маълумотига қараганда (3-жилд, 122-бет), Бани Умий халифаларидан Валид бинни Язид бинни Абдумалик Хуросон ва Мовароуннаҳр волийси Наср Сайёрга борбат, танбур, тор, шароб соладиган зар ва мис кўзалар, умуман базмларда ишлатиладиган асбоб-анжомлар топиб юбориш ҳақида махсус номалар ёзган.

Бундай нарсаларни Миср ёки Шомдан, Ироқу Форсдан сўрамай, Хуросон ва Мовароуннаҳрдан сўрагани шуни кўрсатадики, бу ўлкаларда қўл ҳунари ашёлари, чолғу асбоблари, базми шароб асбоблари араблар забт этган бошқа жойларга қараганда юксак маҳорат ва санъаткорлик билан ишлаб чиқарилишидадир.

1. АРАБЛАРНИНГ ХУРОСОН ВА МОВАРОУННАҲРГА ҲУЖУМИ

Арабларнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрга ҳужуми Умар бинни Хаттоб ҳалифалиги даврида (13—23 ҳижрий, 635—644 мелодий йиллар) Хуросонга ҳужум қилиб Жайҳун (Амударё) соҳилларигача етиб келган бўлсаларда, Усмон бинни Аффон халифалиги даврида (ҳижрий 23—35, мелодий 644—657-йиллар) ерли аҳоли босқинчиларга қарши бир неча марта исён кўтариб, арабларни қувиб юборгандилар. Хуросонни тамоман забт этиш Муовия (хижрий 41—60, мелодий 662—680 йиллар) ҳукмронлиги давридагина муяссар бўлди.

Рассом С. СПИРИХИН.

Арабларнинг Мовароуннаҳрга ҳужуми эса хижрий 53 (мелодий 673) йилда бошланди. Амударёдан ўтиб Бухорога ҳужум қилган биринчи киши Ҳусайн бинни Алининг қотили Убайдулло бинни Зиёд эди. Дастлаб Убайдулло Пайкандни босиб олди, халқни қатли ом қилди, тирик қолганларни асир олди. Убайдулло Пайканд асирларидан 4 минг кишини ўзига қул қилиб олади.

Убайдулло Пайкандни қўлга киритгач, Бухорога ҳужум қилди. Уша вақтнинг бухорхудоти бўлмиш аёл ҳукмрон Самарқанд ва бошқа жойлардан мадад олиб, босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатди, лекин мағлуб бўлгач, аркка кириб-қамалиб паноҳ топди.

Убайдулло барча экинзорларни, қишлоғу боғларни ер билан яксон қилди, шаҳарга ўт қўймоқчи бўлди. Лекин бухорхудот сулҳ тузиб, бир миллион дирам жарима тўлаб, бу фалокатнинг олдини олди. Мазкур маблағни ундириб олган Убайдулло Хуросонга қайтди.

Ҳижрий 56 (мелодий 676) йили Саид бинни Усмон Мовароуннаҳрга ҳужум қилди. У бухорхудот билан сулҳ тузиб, гаровга 80 кишини олгач, Самарқандга қараб йўл олди. Бу даврда Самарқандда подшо бўлмай, халқ ўз шаҳрини ўзи араблардан ҳимоя қилдилар, мағлубиятга учраган халқ босқинчиларни шаҳарга киритмай, кўплаб ҳирож, сулҳ жаримаси тўлаб, душманни шаҳар дарвозасидан қайтариб юбордилар. Самарқанддан бир қанча асирларни қўлга тушириб, сулҳ ҳирожини ундирган Саид Бухородан гаровга олган 80 кишини ҳам қайтариб бермай, Амударёдан ўтиб кетди.

Шундан сўнг Язид бинни Муовия (ҳижрий 60—64, мелодий 680—684 йиллар), Муслим бинни Зиёд, ундан кейин Асад бинни Абдулло ва бошқалар кетма-кет Мовароуннаҳрга ҳужум қилдилар. Халифалик томонидан Хуросонга амир этиб тайинланган ҳар бир ҳукмрон Амударёдан ўтиб, Мовароуннаҳр шаҳарларига, хусусан Бухоро ва Самарқандга ҳужум қилиб, шаҳар ва қишлоқларни талар, кўплаб сулҳ жаримаси ва асирлар олиб қайтар эди.

Аммо Валид Абдулмалик замонида (ҳижрий — 86—96, мелодий 705—715 йиллар) золим Ҳажжож томонидан Хуросон амири этиб тайинланган Қутайба бинни Муслим Мовароуннаҳрни батамом забт этди ва у ҳатто Фарғонадан ўтиб Чин Туркистони — Хитой давлати этакларигача етиб борди.

Қутайба бинни Муслим маркази Балх бўлган Таҳористонни босиб олгач, ҳижрий 88 (мелодий 707) йилда Амударёдан ўтиб, аввал маркази Шомон бўлмиш Чағониённи босиб олди, сўнгра Нахшаб, Кеш, Пайканд, Бухоро, Варданзеҳ ва Самарқандни қўлга киритди. Қутайба Мовароуннаҳрга тўрт марта ҳужум қилди. У тўртинчи ҳужуми — ҳижрий 94 (мелодий 713) йилда Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳар ҳамда катта қишлоқларда мачитлар қурдириб, бу вилоятларни ҳам ислом мамлакатлари қаторига қўшди. Қутайбанинг ҳар бир ҳужуми пайтида маҳаллий халқлар босқинчиларга қарши қаттиқ жанг қилдилар. Ҳатто енгилгандан сўнг ҳам ислом динини қабул қилиш ёки мажбуран мачитларга элтиш вақтида халқ исён кўтарар, ғалаёнлар уюштирарди. Чунончи, бир сафар Қутайба исломни янги қабул қилган кишиларни мачитга жалб этаётганида тош ва таёқлар билан қуролланган халқ мачитга ҳужум қилиб кўп кишини ўлдирди.

Мовароуннаҳрнинг бойлиги шу даражада эдики, Қутайба ҳужумдан олдин бу сарзамин араб босқинчилари қўшинлари томонидан бир неча марта талангани, миллион-миллион танга сулҳ жаримаси ундирилганига қарамай, Қутайба ҳам ўтмишдошларидан ортиқ пул ва мол-дунёни қўлга киритди.

Мисол учун Пайканддан Қутайба қўлга киритган пул ҳамда мол-дунёни кўрсатиб ўтиш мумкин. «Тарихи Табарий» муаллифининг нақл қилишича, Пайкандга кириб келган Қутайба аёлларнинг олтин ва кумуш тақинчоқлари, бошқа зеб-зийнатларидан сон-саноқсизини ўлжа олди ва уларни эритганда 150 минг мисқол зар чиқди. Улар бу ердан бутун Хуросонни забт этганда қўлга киритгандан кўра кўпроқ мол-дунёга эришдилар». («Тарихи Табарий», 4-жилд, 633-бет).

Қутайба бинни Муслим Мовароуннаҳрнинг кўпгина вилоятлари ва шаҳарларида маҳаллий ҳокимлар (худотлар)ни ислом динини қабул қилгани ёки қабул этмаганига қарамай, ўз вазифаларида қолдириб, уларнинг ёнига араб волийсини тайинларди. Ҳокимиятнинг ихтиёри, солиқ солиш ва йиғиш волий қўлида бўлиб, худотлар дастёрлик қилишар ва арабларга қилган бу хизматлари ҳақини халқдан олардилар. Қутайбанинг бу тадбири сабабини соддароқ ифодаласак, бу маҳаллий аҳолини ўзини ўз ёғига қовуриб емоқ демакдир.

Маҳаллий ҳукмдорлар ўз қўлларида қолган мулки — еру боғларида халқни ишлатиб, уларнинг меҳнатидан олдингидек бемалол фойдаланишарди. Қутайба ислом динини қабул қилганларга баъзи бир енгилликлар ваъда қиларди. Чунончи, янги мусулмон бўлганлар ислом динини қабул қилганлардан жон бошига олинадиган жузъя солиғидан озод қилинарди. Аммо бу енгилликлар ислом динини қабул қилдириш учун эълон қилинган ташвиқот характеридаги найранг бўлиб, аслида маҳаллий халқлар босқинчиларнинг оғир зулми остида, талон-тарож, таҳқир остида яшашга гирифтор этилган эдилар. Чунончи, Қутайба бу тадбирини Бухорони батамом забт этиб, талаб бўлгач амалга оширди.

(Давоми бор)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота РАҲИМ

ЙЎЛДА

(«Уч оға-ини ботирлар» мақомида)

— Қани, ҳамма кириб ўз жойига ўтирсин!

Кенжа йўлак эшигини қия очиб турган проводникнинг бу ҳукмфармо гапига итоаткорона бўйсуниб, вагон ичкарисига йўл олган икки кашандага эргашди. Дераза ёнидаги ўринни сурлиги хатти-ҳаракатидан аниқ-равшан кўриниб турган аллақандай олифта ишғол қилиб улгурибди. Балки сур эмасдир? Нима бўлганда ҳам, йигитча билан пачакилашиш ноқулай. Кенжа ўтиргулик жой қидириб бир муддат туриб қолди. Нима қилсин? Ҳамма бўлмалар тирбанд. Ноилож, ёнгинасидаги узунчоқ кўтарма тахтада бамайлихотир ястанган басавлат бир одамнинг биқинидаги кафтдеккина очиқ жойга омонат чўнқайди. Бир ёнига йиқилиб кетмаслик, қолаверса, йўлакдан ўтувчиларга халақит бермаслик учун тепасидаги кўтарма тахтага қўл юборди. Ёнида нақд икки кишилик жойни эгаллаб ўтирган биққи-бақалоққа, жиндак сурилиб ўтирармикин, деган умидда илтижоли қаради. Биққи-бақалоқ унинг илтижосини англаб етмадими, англаса ҳам парво қилмадими, Кенжага «Бу кунингдан баттар бўл!» дегандек совуқ бир қараш қилиб, рўпарасидаги озғин-қотма ҳамсуҳбатига гап сотишда давом этди:

— ...Шундай қилиб десангиз, кушхонамиз олатасир бўлиб кетди. Ҳаттоки товуқлару ўрдакларгача «қайта қуриш» деб жар солади-я, вей! Эртаиндин патинг юлинишини билмайсан-да, йўқса бошқачароқ сайрардинг!.. Ҳақ-ҳуқуқ даъво қилишади, хумпарлар, «Нега узуккун гўшт чопган бизга атиги калла-поча тегади-ю, директор кабинетида пашша қўриб ўтиради-да, кечқурун қўйнинг бир сонини кажавага юклаб жўнайди!» деб хуноб бўлишади. Бундо-оқ ўйлаб қарасак, уч йилдан бери жонимизни жабборга бериб ишлайверибмиз, ишлайверибмиз. (Биққи-бақалоқ «ишлайверибмиз»ни шундай ихлосу иштиёқ билан айтдики, бу сўз Кенжага «тишлайверибмиз-тишлайверибмиз» бўлиб эшитилди.) Ичимда: «Бор-э, шу кушхонани сенларга қолдириб кетганим бўлсин! Нега ҳаммасини пишириб емайсан? Нафсинг шунда ҳам қонмаса, нега бир-бирларингни ғажиб ташламайсан!» дедим-да, акахонимга дардимни очдим. Уч йиллик ҳордиқ муддатини қўшдиму, «Қайдасан, Подмосков?» деб жўнавордим. Қани, менсиз қайта қуришсин, келиб бир кўрай! Нима дедингиз? Ҳи-ҳи-ҳи!..

Рўпарасида ўтирган қотма киши бақалоқнинг қўлида ишлайдими ё кушхонадаги ҳали музлаб улгурмаган арзон-гаров гўшт унинг ҳам тишига тегиб турадими, ҳайтовур, хўппасемизнинг олдида ипакдек эшилиб, ялтоқланди:

— Яшанг! Ажаб қибсиз, хўп қибсиз, кам бўлманг, ака! Ҳозир мана шундай чеккароқда туриб томоша қилган маъқул. Бироқ... мен-ку, беш-ўн соатдан сўнг тушаман. Сиз то Москвагача бу қурмағур умумий вагонда уриниб қолмасмикансиз, акажон?

— Бе-е! — Бақалоқ сафарда юравериб, корафта бўлиб кетган шекилли, нописанд қўл силтади. — Москвагача ким ўтирар экан бу умумий вагонда?! Ахир, поезднинг нақ ярми Туркистонда тушиб қолади-ку! Нарёғига чертиб-чертиб, мана мен деган юмшоқ купени эгаллайман-қўяманда! Буёғини проводник бола тўғрилайди. Сиз ўшанда кўчишимга ёрдам берсангиз бас, ука!

— Жоним билан, акажон, жоним билан! — Нимагадир қад ростлаб, бақалоққа тепароқдан боқиб турган қотма тағин қўлини кўксига қовуштириб, икки букилгудек бўлди. — Ўзим ҳам яхшиликларингизни қандай қайтарсам экан деб хижолат чекиб юрувдим...

Суҳбат Кенжанинг меъдасига тегди: ҳаммаси тушунарли — рўпарасидаги одам қайта қуриш туфайли пайтавасига қурт тушиб қолганлардан! Бунақа нусхаларни ишхонаси-ю кўча-кўйда кўравериб, Кенжа ҳам ажабтовур корафта бўлиб кетган. Уларнинг гапларини эшитишга ҳам, турқларини кўришга ҳам тоқати қолмаган. Янги гап керак, янги гап! Шу боис, сийқаси чиққан бу гапларга жимгина қулоқ тутиб ўтирган бошқа ҳамроҳларига бирров кўз югуртирди. Ана, Қотманинг нариги тарафида, шундоққина деразага қапишиб эллик ёшлардаги жиккаккина, ранги заҳил, зиёлинамо бир киши ўтирибди. Бичимидан туркистонликка ўхшайди. Рўпарасида ўтирган қиз ҳойнаҳой унинг тўнғичи бўлса керак. Нимагадир қизнинг кўзлари қизариб, қовоқлари шишган. Аллақайси институтда биринчи имтиҳонданоқ йиқилиб улгурганлардан чоғи!.. Ўзига юзма-юз ўтирган манови қилтириқ ўспирин, албатта, Қотманинг ўғли. Отаси билан бирга Қизилўрдага узум олиб кетяпти. Балки олмадир, нокдир? Ҳар қалай, бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими шуки, отасининг таълимини олмоқ учун кетяпти. Сафарга биринчи чиқиши шекилли, отасидек киришимли бўлиб улгурмагани кўриниб турибди: дам атрофга бегонасираб қарайди, дам Бақалоқнинг гапларини маҳлиё бўлиб тинглайди, дам деразага орзиқиб тикилади...

Хў-ўш, энди анови Сурга келсак, бу олифта қайсидир институтнинг учинчи курсини битириб, аллақайда икки ойлик практикани ўтаган. Ҳозир қишлоққа кетяпти. Йўқ, ўзининг чўнтагини ўқтин-ўқтин қаппайтириб турган ота-онасига кўзи учиб эмас, асосан қишлоқи дўстларига шаҳарда кўрган-боққанларини айтиб мақтаниш учун! Сурнинг қаршисида, ўзи билан қарийб ёнма-ён ўтирган кампир... ойисига ўхшаркан! Худди ойисидек сочлари оппоқ, юзларини ажин босган, қўллари саксовулдек. Кўзлари ҳам худди ойисиники — алланечук мунис ҳасратангиз, илтижоли боқади.

— Қийналиб кетдингиз-а, болам? Манови тахтачани тушира қолсангиз бўларди-да! Бемалол ўтириб кетардингиз?..

Кенжа беихтиёр йиғлаб юборай деди. Кампирнинг елкасига бош қўйиб, «Ойи, соғ-омонмисиз? Бормисиз, ойи!» дея ўкраб йиғлагиси келди. Лекин... эрта-индин қирқни қоралай деб турган капкатта киши учун йиғига бало борми! Ҳаяжонини зўр-базўр ичига ютиб, кампир билан Сур ўртасидаги чорбурчак тахтачани бир айлантирди-да, ўтириш учун жой ҳозирлади. У ўтирар-ўтирмас, Сурнинг алланечук палағда товушда нолиши эшитилди:

— Эшак ўз эгасини ортига мингазмас экан! Сизни қари-ку деб жой берсам, менинг ҳисобимдан саҳоватпешалик қиласиз-а, кампир! Энди деразага орқа ўтириб кетамизми!

Кампир ҳали нафас ростлаб улгурмаган Кенжанинг тиззасига қўлини қўйганча Сур тарафга энгашиброқ гап қотди:

— Ношукур бўлмагин, болам! Тағин уч соат қарамасанг қарамассан шу зимистон деразага. Жой ҳаммамиздан қолиб кетади ҳали. Сен бу ерда талтайиб ўтирсанг, у анав ерда михга осилгандек чўзилиб турса, яхшими?

— Об-бо! Насиҳат бошланди-ку!

Кенжа Сурга еб қўйгудек бўлиб ўқрайди. Қани энди бу олифтани тамбурга судраб борсанг-да, яхшилаб чертсанг! Қўй, ўзингни бос, Кенжа, ўзингни бос! Омон-эсон қишлоққа етиб олишни ўйлаганинг маъқул. Яна бир ишкал чиқмасин! Ҳали тафтишчи нима дейди-нима қўяди!..

— Ке, сен ҳам хўрозланаверма, болам! Бир гапдан қолсанг, асаканг кетмас? Болапақир ёш-да, ҳали! — Кампир шундай дея аввал Сурга, сўнг Бақалоққа бирров кўз ташлаб олди-да, Кенжага синовчан тикилди. Кенжа кампирнинг овозидаги алланечук ҳазин, алладек ҳузурбахш, йўқ, асабни аллаловчи оҳангга маҳлиё бўлиб қолди. Боши унга сомеъ лик билан қуйи эгилди. Қани эди бу алла бетўхтов айтилаверса-айтилаверса! Уни ухлатиб қўйса! Шундай донг қотиб ухласаки, то Туркистонга қадар уйғонмаса! Асаби тиниқиб уйғонгач, кампирга раҳмат айтса-ю, қишлоққа қараб — ойисининг ҳузурига қушдек учса!..

— Кимнинг ўғлисан, болам? Кўзимга иссиқроқ кўриняпсан?

Бир муддат асабига ором бериш учун кўзларини юмиб, совуқ деразага бошини босиб ўтирган Кенжа саволни эшитиб кўзини очди. Ҳушламайроқ жавоб берди:

— Зокир муаллимнинг кенжаси. Қорачиқлик Зокир муаллим.

— Ана, айтдим-ку! — кампирнинг кўзлари чақнаб, юзлари яшнаб кетди. — «Ботир полвоннинг кенжа неварасиман», десанг-чи! Қариндош чиқиб қолдик-ку, болам? Тошкентда турасанми ё Қорачиқнинг ўзидами?

— Тошкентда, хола, Тошкентда! — Кенжа бу гапни шу қадар тўлқинланиб айтдики, унда ўкинч-армон ҳам, афсус-надомат ҳам, хижолату фахр ҳисси ҳам, якка танҳоликни тусовчи кўнгилдаги нохуш бир кайфият ҳам — барча-барчаси жамулжам эди. Лекин, афтидан, кампирнинг уни гапга солиш иштиёқи баланд эди.

— Ҳа, майли, туз-насиба экан-да, болам. Қаерда яшасанг ҳам бош-кўзинг омон бўлсин. Ишқилиб, туғилиб-ўсган юртни унутмасанг бас. Туркистонни унутмаганлар хорлик кўрмайди, болам. Бола-чақаларинг ҳам бордир?

— Бор, хола, бор, — Кенжа алланечук орзиқиб, зимистон деразага бурилиб қаради. Кампирнинг кўнглида малол уйғонмаслиги учун яна нимадир дейиши керак эди. — Бир ўғил, икки қизим бор. Каттаси бу йил учинчини битирди.

— Униям ота юртига олиб келавермабсан-да! Ҳарна ёшлигидан меҳр уйғонади?..

Кенжа ғоят дилкаш ва меҳрибон, лекин, барибир, ҳали синашта бўлмаган аллақандай кампирга дардини дастурхон қилишни истамади. Устига-устак, ҳозир кўнглига қил ҳам сиғмасди. Шу боис «намунча тергамаса?» дея ўйлаган кўйи жавобни қисқа ва мужмалроқ қилди:

— Бир зарурат билан шошилинч чиқа қолувдим-да.

Узоқдан проводник бўй кўрсатди. Кенжанинг юраги беихтиёр «шувв» этди: тафтишчи чиқди шекилли-да! Арисга яқин қолди-ку!.. Тахмини тўғри экан! Проводник уларнинг олдига келиб, бақалоққа: «Яхши ўтирибсизларми? Ҳозирча шу ерда дам олаверсаларингиз бўларди» дея мулозамат қилди. Қўлидаги чойшабни қолдирди. Сўнг, ортига буриларкан, кампир билан Кенжа тарафга андак энгашиб, оҳиста шивирлаб ўтди:

— Менинг ортимдан юринглар!

Кампир Кенжага маъноли бир қараб қўйиб, ўрнидан қўзғалди. Кенжа ўзича: «Бу киши ҳам билетсиз чиққанлардан экан-да» дея ўйлаб, унга эргашди.

Икковлон узун-қисқа, тўғрироғи, қисқа-узун бўлиб, чоққина бўлмага кириб келганларида баайни биққи-бақалоқдан нусха олгандек басавлат бир одам ўриндиққа базўр сиғиб, ястаниб ўтирар, проводник йигитча эса, шам теварагида айланаётган парвонадек, унинг атрофида гирграттон бўларди:

— ...худо урсин, неччи марта айтдим буларга! Билетсиз чиқармайман, дедим. Униси «онанг айлансин, момонг ўргилсин, сен ҳам менинг ёшимга етиб юр илойим» деявериб ҳол-жонимга қўймади. Ҳай, майли, кампир экан, Туркистонгача бир амаллаб бориб олар, таваккал, деб унисига рози бўлувдим, бир вақт бу акамиз!..

— Нима дейди «бу акангиз?» «Поезд онамнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота Раҳим — Туркистон район Қорачиқ қишлоғида туғилган. ТошДУ филология факультетини тугатган. Ўзбекистон Ёзувчилар Союзида ишлайди.

маҳрига тушган», дейдими?

Кенжа нақ ҳалқумига келиб қадалган жонини асраш умидида жимгина бориб бўлмага кирди-да, кампирнинг ёнига — тафтишчининг рўпарасига ўтирди. Телеграммани унинг олдига ёзиб қўяркан, ҳаяжонини босишга ҳарчанд уринмасин, қўллари қалтираб кетди.

— «Оноси ўлмаган ким бор, отоси ўлмаган ким бор!» — Тафтишчи фавқулодда бир жиддият билан бош тебратиб, кўҳна оҳангга солиб, Машрабдан байт ўқиди. Сўнг худди шундай жиддият билан Кенжага насиҳат қилишга ўтди: — Замоннинг нозиклигини тушунадиган туппа-тузук зиёли одамга ўхшайсиз, ука! Ҳамма уч кунлик телеграммани дастак қилиб, поездга билетсиз чиқиб истаган тарафига кетаверса, бунақада қайта қуриш бўладими?!

— Ўлмаган! — Беихтиёр ҳайқирди Кенжа. Кейинчалик аниқ эслаёлмади: бу сўзни ҳайқириб айтдими, шивирлабми ё ичида айтдими, шу бир сўз ҳалқумида тошдек қотиб қолган эдими — энди ҳеч қачон билолмайди. Лекин ўша топда унга бор овози билан ҳайқириб айтгандек туюлди.

— Нима? Нима дедингиз??

Такрорий савол Кенжанинг ипсиз боғланган тилларини ечиб юборгандек бўлди:

— «Онам ўлмаган» дедим!

Донишманд насиҳатгўй қиёфасида ўтирган тафтишчи бир зумда ҳамлага шайланган арслон қиёфасига кирди:

— Зардангизни уйингизга бориб, хотинингизга қиласиз, оковси! Давлатнинг поезди сизга катта холангизнинг чорвоғи эмас: истасангиз — тушиб, истасангиз — чиқаверадиган. Билетингиз бўлса, ана, Москвга борасизми, ундан уёғига ўтиб кетасизми, ихтиёрингиз! Билетингиз йўқми, ҳозир — Арисда тўхтаганида тушиб қоласиз. Гап шу! Сизга ҳам гап шу, кампир!

— Инсоф қилинг, иним. Бир кеча минг кеча эмас-ку! Тағин уч соатда Туркистонга етамизоламиз. Болаларингиз ҳаққига дуо қиламан, иним...

Кампирнинг тафтишчи оёқларига бош ургудек ёлворишларига қараб туриб, Кенжа яна сабри чидамади:

— Нима демоқчисиз ўзи? Телеграммани қўлингизда маҳкам ушлаб, оладиган жаримангизни икки баравар олавермайсизми! Лекин одамни бундай хор қилишга, ҳақоратлашга қандай ҳаққингиз бор?!

Тафтишчи энди ўлжасига тил югуртиришни мўлжаллаган буқаламун ва ё ўз хўжасидан садақа кутган лайча қиёфасига кирди. Алланечук ёввош тортди. Авзойи ҳам, тили ҳам ипакдек мулойимлашди:

— Ие, сиз ҳақ-ҳуқуқ совдалашадиганлар хилидан чиқиб қолдингиз-ку! Узр, ука, узр! Бунчалик бойваччалигингизни билмаган эканман. Ана бекатга кириб келяпмиз. Тушинг-да, юз сўмга Туркистонгача такси ёллаб, кетаверинг! Маъқулми?

Кенжа шахт билан ўрнидан туриб, телеграммани тафтишчининг қўлидан юлқиб олди-да, унга еб қўйгудек ўқрайиб қаради. Нима қилсин? Нима қилса бўлади бу аблаҳни?! Тағин ҳамма гапини қайта қуриш номидан айтаётганига ўласанми! Қайта қуришми ё шўрингни қайта қуритишми бу?! Тун ярмида Арисдан такси топиб бўлмаслигини яхши билади-да, аблаҳ!

— Ҳа, нима, урасанми? Е милиция чақирайми? — Тафтишчи бир зумда аслига қайтди. Қўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилида иш тутиб, ўдағайлашга ўтди.

Кенжа ғайришуурий бир тарзда эшик томонга йўналаркан, ўзича ғудранди: «Садқаи одам кет! Амирнинг қиличи қўлингга тегса, ҳой-наҳой жаллодлик қилардинг! Ниҳояти поезд экан-ку, осмон қўлингда бўлса ташлаб юбормайсанми!..»

Кампир Кенжанинг ортидан чиқмоқчи бўлаётгандек, апил-тапил ўрнидан туриб, эшикни ёпаркан, унинг елкасидан ташқарига итарди:

— Сен бир гапдан қолгин, болам! Билетсиз чиққанинг чиққан, бунақа жанжаллашганинг нимаси?! — Сўнг тафтишчига илтижоли қаради. — Бир қошиқ қонидан кечинг, иним! Кўриб турибсизку, совуқ хабар олган экан, ўшанга қонига ташна бўлиб турган-да бола бояқиш. Бир кор-ҳол бўлиб юрмасин. Сиз кенглик қилинг, иним...

Бошқа гаплар Кенжанинг қулоғига кирмади. Тебраниб-гандираклаб бориб, бояги ўрнига ўтирди. Яхшиямки, Сур «сотиб олган» ўрнини уларга бошбутун топшириб, юқоридаги кўтарма тахтага чўзилган экан, йўқса Исонинг аламини Мусодан олган бўлармиди! Чатнай деб турган асабини юмшатмоқ учун кўзларини юмиб, икки чеккасини ишқалай бошлади. Шу алфозда қанча ўтирди — билмайди, бир пайт кафтида алланечук илиқлик туйди. Кампирнинг ҳазиндан-ҳазин шивирлашлари худди бир чақирим жойдан келаётгандек эласэлас эшитилди:

— -а-а, болам-а, болам-а! Бунақада поезднинг ичидаёқ мажақланиб кетасан-ку! Улар билан ҳақ-ҳуқуқ талашиб бўладими? Жаззаси икки оғиз ширин гапу беш-ўн сўм пул-да!

Наҳотки бу кампир пора берган бўлса? Наҳотки у аблаҳ, уялмай-нетмай, онаси тенгги шу кампирнинг пулини олган бўлса? Йўғ-е. У айтган «бир кор-ҳол»дан қўрққандир-да! Нима демоқчи онасига ўхшаб кетадиган бу кампир?..» Ҳали кампирга бир нима дейишга улгурмаган эди, проводник йигитча тағин пайдо бўлиб, уни «қадрдон» купе тарафга имлади. Ортидан борган эди, Кенжа эшикдан кирар-кирмас қўлига шапалоқдек қоғоз тутқазди:

— Мана, жаримани тўланг-да, бораверинг ўша Туркистонингизга!

Кенжа ўзини имкон қадар совуққон-лоқайд тутишга уринган кўйи қоғозни ғижимлаб чўнтагига солди, йигирма бешталикни тахтача устига отиб, ортига бурилди.

Ўрнига келиб ўтирганида гўё кўкси ҳувиллаб қолгандек бўм-бўш эди. Бекатдан аллақачон чиқиб, «қадами»ни жадаллатган поезд ҳам, гўё ҳувиллаган бўшлиқ ичида учиб кетаётгандек эди. Манови дам зимистон деразага кўз тикиб, дам унга жовдираб қараб унсизгина ўтирган жонсарак кампир, онасига жуда-жуда ўхшаб кетар экан!.. Э, воҳ, у ёқда онаси қай аҳволда экан? Омонмикин? Дийдор кўришмоқ насиб қиларми-кин? Намунча имилламаса бу поезд?!

— Мени танимадинг-а, болам?

Кенжа, гарчи қонига ташна бўлиб турса-да, бу аллаловчи овоздан тағин кўнглида алланечук таскин туйди. Кампирга қараб синиқ илжайди:

— Ҳизр бўлсангиз керак-да! Лекин, очиғи, аёллар орасида ҳам Ҳизрлар борлигини эшитмаган эканман.

— Йўқ, мен Ҳизр эмасман. Билсанг, сенга бўла бўламан! — Кампир шундай дея алланечук ҳалимлик билан ўзининг Кенжага қандай қариндошчилиги борлигини батафсил тушунтира кетди: — Ойинг Шаҳодатхоннинг «кес-кес», «чоп-чоп» пайтида Самарқандга бош олиб кетган Усмон тоғасини биласанми? Уша тоғангнинг Ирисбика деган хотинини эшитганмисан?

Кенжа ҳайратдан донг қотиб қолди. Ботир бобоси ё отаси Зокир муаллимни-ку, Туркистонда кўпчилик танийди. Бироқ ойиси, Усмон тоғаси, Ирисбика бибиси!.. Бу аёл ростдан ҳам қариндош шекилли!

— Ҳа, эшитганман! — деди Кенжа алланечук орзиқиб, болалик хотираларининг туб-тубига шўнгиркан. — Ойим кўп айтарди ўша хотинни! Айтишича, қирқ кунлик чақалоқлигимда шу хотин туфайли бир ўлимдан қолган эканман. Хўш? — У кампирга беадад бир ҳайрату бесабрлик билан тикилди.

— Ҳа, балли! — Кампир энди эзилиб кулди. — Ўша хотинни ўзинг ҳеч кўрганмисан?

— Тўғрисини айтсам, кўрмаганман, хола. Лекин жуда-жуда кўргим келади. Ўқиш, иш билан бўлиб... очиғи, кўпчилик қариндошларимни танимайман. Ойимнинг айтишича, Самарқандда, Гулистонда, Бекободда, ҳатто Қаршида ҳам қариндошларимиз бормиш...

— Ўша хотин мен бўламан! — Кампир шундай дея, гўё Кенжанинг ҳайрату ҳаяжонини сезмагандек, юмшоқлик билан гапида давом этди: — Бунақа қилиш ярамайди, болам! Ўқишинг ўз йўлига. Бироқ қариндош-уруғни таниш, билиш керак! Ўз палагини тузук-қуруқ билмаган одамнинг боши эрта бир кун сапчадек узилиб кетади. Билсанг, мен сенга икки томонлама қариндошман. Ойингга — кеннойи, сенга — амма бўламан. Ҳали ўзим ҳам ўйлаб эдим-а, нега бу бола Ботир полвонга мунча ўхшайди, деб. Билмасанг билиб қўй, болам, сенинг ўша Ботир бобонг билан менинг отам бир ота, бир онанинг неваралари бўлади. Қачонлардир Туркистонда Зоҳир аълам деган бир одам ўтган. Ундан уч ўғил қолган. Тўнғичи Муҳаммад — Ботир бобонгнинг отаси. Кенжаси Аширмат — менинг отам бўлади... Кўрдингми, болам, суриштириб келсанг, бутун Туркистон бирбирига қариндош бўлиб чиқади. Сен бўлсанг, киндик бибинг Турди шанғидан бошқасини танимайсан!

— Йўғ-е, нега энди? — Кенжа беихтиёр шундай дейишга деди-ю, тағин ичида ўзини сўкди: яна ўша гап! Оббо, галварс-эй! Турди бибингдан бошқани танимаслигинг, манови ўз халоскорингни ҳам танимаганинг аниқ-ку?! Ўзини оқламоқчидек синиқ илжайиб, ҳазиломуз гап қилди: — Танимасам ҳам, ҳарқалай, билгандек, сизга «хола» деб мурожаат қилибман-ку!

— Қон тортган-да, айланай болам, қон тортган! Мен ҳам, мана қон тортиб, анови проводнойга ялина-ёлбора худди шу поездга чиқиб қолдим-да! Йўқса, Тошкентда яшайдиган ўғлим бояқиш худонинг зорини қилди: толиқиб қоласиз, эрта-индин ўзим машинада олиб бораман, деди. Унамадим. «Йўқ, мен шу бугун Туркистонга бориб, тезроқ Кенжамни кўрмасам бўлмайди», деб оёқ тираб туриб олдим.

— Икки Кенжани бир йўла кўрай дебсиз-да, бундан чиқди? — Кенжа беихтиёр хушнуд жилмайиб, сўз ўйини қилди.

— Сенинг отинг Ботир эди, шекилли?

— Аслида Ботирман-у, лекин, барибир, Кенжаман-да, хола. «Кенжа ботир» десангиз ҳам бўлаверади.

Ундаги шўхлик кампирга ҳам юқди:

— Бундан чиқди, ҳали, тафтишчининг олдида «Кенжа ботир»лигинг тутибди-да, а? Мен бўлсам, бир пайтлар сени қўй оғзидан чўп олмайдиган, юввош бола бўлади, деб каромат қилиб юрибман! — Кутилмаганда кампир жиддий тортди: — Ҳай, Шаҳодатхон тузукми, ахир?

Кенжанинг яна юраги зирқиради. Ҳалигина хушнуд жилмайиб турган одам, йиғлагудек алфозга кирди:

— Мен ҳам шуни билолмай доғдаман-да, хола. Акам «аҳволи ёмон» деб телеграмма жўнатибди. Икки ой аввал келганимда бардам-бақувватгина эдилар...

— Яратган эгам паноҳида асрасин ҳаммамизни! Элбурутдан кўнглингни бузма! Ҳали мен тирик юрибману Шаҳодатга йўл бўлсин! Мен билган Шаҳодат бўлса, уни жин ҳам урмайди.

— Айтганингиз келсин, хола.

— Омон бўлади, болам, омон бўлади. Ҳай, энди-и, агар бу эзма кампирдан кулмасанг, мен сенга бир чўпчак айтиб берай, болам. Йўлнинг таноби тортилади. Туркистонга ҳам келиб қолдик шекилли?

Кенжа андак энгашиб, соатини олисдаги хира чироқ нурига тутиб қаради:

— Ҳали бирор соатлар бор, хола.

— Унда айтиб улгураман. Сираси, бу чўпчак ҳам эмас. Аслида бўлган воқеа. Раҳматлик бобокалонинг Зоҳир аъламнинг бошидан кечирганлари. Отам бечора ўлимидан аввал: «Туркистонликни кўрсанг бас, шу нақлни айтиб бер» деб васият қилувдилар. Энди-и, сен ўзимизники экансан. Яхшилаб айтай — диққат билан тингла! Эрта бир кун болаларингга айтиб бер! Қаттиқ тайинла: улар ҳам ўз болаларига айтишсин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эшикни адолатли бўлмади

(Қамоқхонадан келган фарёд)

ҲАЛ ҚИЛИНИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛАМАН!

Яқинда редакциямизга бир мактуб келди. Уни судлангунга қадар Сурхондарё область Ленин йўли районида истиқомат қилган Икром Исмоилов ёзганди. У 5 йил озодликдан маҳрум қилинганди. Лекин тергов ва суд томонидан қўйилган айбга у рози эмас. Тергов бир ёқлама олиб борилган деб ҳисоблайди. Редакция И. Исмоиловнинг шикоят хатини журналда босишга қарор қилди.

Шикоят

Ассалому-алайкум ҳурматли редакция ходимлари! Мен, Исмоилов Икром Усмонович — 11 май 1964 йили Сурхондарё область Сариосиё районида туғилганман. Тошкент социал таъминот техникумининг 4 курс сиртқи бўлимида ўқир эдим. Ленин йўли райони ПГС посёлкасида Ҳамза номли кўча, 16-уйда ота-онам билан яшар эдим. Ўрта мактабни тугатиб Ленин йўли район халқ судида «Суд мажлиси секретари» (1981-82-йилларда), район ички ишлар бўлимида секретарь-бухгалтер (1982-1984 йилларда) 1984 йилдан 1987 йилнинг 27 февралигача эса район алоқа пунктида масъул лавозимда ишладим.

1987 йил 27 февраль кунидан буён мен ноҳақдан қамоқда ётибман. Мен ўзимнинг айбсиз эканлигимни тўлиқ исботлаб бера оламан. Менинг хизмат вазифамга почталар, қимматбаҳо посилкалар билан ишлаш ва бошқалар кирар эдики, мен уларни сидқидилдан бажараётгандим.

Юқорида кўрсатилган ҳужжат ва посилкаларни ҳар қандай хавфдан сақлаш ҳам менинг хизмат бурчимга кирар эди. Шунинг учун почтани кўз қорачиғидек сақлашим лозим эди.

Мен, 1987 йил 27 февраль куни эрталаб ҳар кунгидай ўз хизмат вазифамни бажариш учун ишга бордим. Маҳаллий вақт билан соат 11-00 да областдан районимиз учун мўлжалланган почта келди. Уни тегишли тартибда қабул қилиб олдим. Соат 11-20 да почталарни портфелимга солиб, эгаларига етказиш учун маршрутга чиқдим. Район партия комитетининг умумий бўлимига телефон қилдим. Ҳеч ким жавоб бермади (91-290 номерли телефон эди). Район ички ишлар бўлимига бориш мақсадида Алоқа узели олдидан жўнаётган вақтимда, йўлда тушиб қолиш мақсадида шу алоқа узелида ишловчи Муртазақулов Собир машинамга ўтирди. Бир ташкилотда ишлаганлигимиз сабабли уни машинамга ўтиришига рухсат бердим.

В 26 62 СД давлат номерли «Москвич—214054» маркали машина онам Саидова Р. номида бўлиб, уни мен Ленин йўли район нотариал конторасн томонидан берилган «Ишонч қоғози»га асосан бошқариб юрар эдим.

Уша вақтда мен КПСС аъзолигига номзодликка ўтиш учун тайёрланиб юрган эдим. Менга «КПСС Устави» керак эди. Кутубхона менинг йўлимда бўлганлиги сабабли, кутубхонага кириб йўл-йўлакай КПСС Устави ва яна 2 та китоб олдим. Кейин район ички ишлар бўлимига ва ҳарбий комиссариатга бориб уларга аталган почталарини топшириш учун кутубхонадан чиқиб машинамга ўтирдим. Машинам район матлубот жамияти идораси олдида РайПО идорасининг дарвозаси томонга қараб турарди. Муртазақулов Собир ҳам машинага ўтирди. Моторни юргизиб, машинамни орқага олмоқчи эдим нотаниш бир кишининг мотоцикл етаклаб йўлимга кўндаланг бўлаётганлигини кўрдим. Унинг кетишини бир оз кутдим. Охири, у кишидан мотоциклини менинг йўлимдан олишини илтимос қилдим. У эса мени ҳақорат қилди. Кейин мен машинадан тушиб, ўзимни таништирдим, йўлимдан мотоциклини олишини сўрадим. Нотаниш киши эса: «Қаерда ишлашлигингни яхши биламан, сени ахтариб юргандим, сен билан гаплашмоқчи бўлиб келдим», деб айтди. Шунда мен унга: «Мен сизни танимайман, йўлдан мотоциклингизни олинг», дедим. Нотаниш киши эса «Мени танимасанг, ҳозир танитиб қўяман», деб мотоциклини четга қўйиб, машинамнинг олдинги ўриндиғига ўтириб олди. Машинадан тушинг, десам, тушмади: «Ҳайда машинангни» деб айтди. Мен уни машинамдан туширолмагач, навбатдаги маршрутим район ички ишлар бўлимига бўлганлиги сабабли ўртамиздаги можарони ўша ерда ҳал қилишни ўйлаб машинамни ҳайдадим.

Катта йўлга чиқиб, район ички ишлар бўлимига буриладиган кўприкка етганимизда, яъни «Яшил гумбаз» ошхонасига яқинлашганимизда, у машинани тўхташимни сўради. У тушиб қолса керак, деб машинамни тўхтатдим. Машинага нотаниш кишини мен миндирган эмасман. Ўз қўли билан машина эшигини очиб машинага ўзи ўтирганлигини судда ҳам тасдиқлади. Чорраҳада тўхтатганимдан кейин, нотаниш киши Муртазақулов Собирни машинадан тушириб юборди. Сўнг чап қўли билан костюмимдан ушлаб, буйруқ оҳангида: «Машинани мен айтган томонга ҳайда, бўлмаса ўзингдан кўр» деб ўнг қўлидаги пичоқни кўрсатди. Шунда унинг спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини, маст эканлигини билдим. Қўлидаги пичоқни кўриб қаттиқ қўрқиб кетдим. Шу вақтда унга бирон-бир қаршилик кўрсатиш имкониятим йўқ эди. Чунки, биринчидан у менга нисбатан ёши катта, иккинчидан жисмонан бақувват, учинчидан қўлида совуқ қурол—пичоқ бор эди. Тўртинчидан эса у маст эди. Индамай қараб турсам у қўлидаги пичоқни уриб олар эди. Шу сабаб унинг буйруғига бўйсунишга мажбур бўлдим ва машинамни ҳайдадим. Бу пайт маҳаллий вақт билан соат 11-40 лар эди.

Ихтиёримдаги почталар солинган портфель машинамнинг олдинги икки ўтиргичининг ўртасида эди. Нотаниш киши йўлда портфелимни очишга ҳаракат қилди. Лекин мен иложим борича қаршилик қилиб боравердим. «Коллектор» ёнида машинамни тўхтаттирди ва мендан машина калитини олиб қўйди. Мени машинадан тушишга мажбур этди. Мендан портфелимни ва бор пулимни беришни талаб қилди. Мен унга ҳеч нарса бермаслигимни айтдим. Бу вақтда иккаламизнинг орамиздаги масофа уч метр чамаси эди. Шундан сўнг у киши оғизга олиб бўлмайдиган уятли сўзлар билан мени ҳақоратлаб, мен томонга кела бошлади.Мен уни қайтариш учун «яқинлашманг, акс ҳолда ўзингизга ёмон бўлади», деб жиддий огоҳлантирдим.

Шунда нотаниш киши «Сен мени дўқ-пўписанг билан қўрқита олмайсан, мен сени ахтариб юрган эдим, мени танимасанг таниб қўй — Жарқўрғонда телемастер бўлиб ишлайман» деб кутилмаганда чап қўли билан бошимнинг ўнг томонига мушт урди. Бу вақтда орамиздаги масофа ярим метрдан камроқ қолган эди. Кутилмаганда ўнг қўлидаги пичоқни менга тўғирлаб, менга ташланди. Мен, шошилиб, ҳаяжонланганимдан ўзимни ҳимоя қилишга ўтдим. Шунга ўзи мажбур қилди-да. Мен ноилож қолганимдан, ўзимни ва почталарни сақлаш, яъни «зарурий мудофаа» вақтида «охирги зарурат» туфайли унга тан жароҳати етказдим. Буни экспертиза хулосаси тасдиқлайди. Мен «охирги зарурат»дан «зарурий мудофаа»га ўтган эдим. Чунки бундан бошқа чора қолмаган эди. Тан жароҳати етказишим натижасида нотаниш киши ерга йиқилди. Мен унинг шериклари қўлига тушиб қолмаслик учун бу ердан кетдим ва ўзимнинг ҳаракатларим ва бўлган воқеани орган ходимларига айтдим. Воқеа жойидан кетиш вақтимда нотаниш кишининг чап қўлидан машина калитини олдим. Ўнг қўлидаги пичоғини олиб дарахтлар томонга отиб юбордим. Махсус почталарни ҳеч бир жароҳатсиз тегишли органларга топширдим. Бориб воқеани органга айтган заҳотимоқ мени қамоққа олишди.

Прокуратура терговчиси Панжи Ташанов кечаси мендан тергов олди. Мен чарчаган эдим ва ҳаяжонланганимдан уйқусираб нималар ёзганлигимни билмайман. Ташановнинг диктовкаси билан ёзиб кўргазма бердим.

Терговчи Ташанов Панжи дастлабки тергов ҳужжатларини қалбакилаштириб, ишни жиноят процессуал кодексини бузган ҳолда фақат бир томонлама олиб борди.

Менга маълум бўлган қуйидаги тергов ҳужжатлари қалбакилаштирилган: 1. Жабрланувчи Холиқов Шербойнинг 1987 йил 4 март кунги сўроқ протоколини терговчи Ташанов қасддан ўқиб бўлмайдиган қилиб ёзган. Бу сўроқни умуман ўқиш имконияти йўқ.

2. Иш вараги (ИВ)нинг 83-бетида гувоҳ Ҳайдаров Абдиназарнинг кўргазмаси мавжуд. Унда гувоҳ Ҳайдаров А. Холиқов Шербойга хат ёзиб берганлигини, лекин уни қачон, кимга, нима мақсадда ёзганлигини билмаслигини кўрсатган. Буни қандай тушуниш мумкин? Сирли маънода 1987 йил 27 февраль куни ёзилган. У шу хатни ўзи ёзганлигини тан оляпти-ю, лекин кимга, нима мақсадда ёзганлигини билмайди.

3. И. В. 1-том 29-бетда гувоҳ Холиқова Гулсаранинг кўргазмаси мавжуд.

4. И. В. 245-бетида «далил қидириш протоколи» бор. Яъни Норматов, Исаев К, Қулсоатов Х, Алимназаровлар далил қидирдик, топмадик, деб имзо қўйишган. Пичоқ тўғрисида мутлақо ёзилмаган, қидирмаган ҳам. Аслини олганимизда юқорида фамилиялари кўрсатилган холислар мени кўришмаган, мен ҳам уларни кўрганим йўқ. Улар воқеа жойини билишмайди ҳам. Шундай ҳолда улар далилни қаердан қидиришди экан?

5. И. В. 2-том 118-бетида машинкада ёзилган сўроқ протоколи мавжуд. Унда ҳам: жабрланувчи Холиқовнинг пичоғи, мендаги почталар тўғрисида ёзилган ва булар терговчи томонидан мутлақо текширилмаган.

6. И. В. нинг 2-том 73-бетида Тошкент экспертизасининг костюмимнинг чап томони йиртилган, деб берган хулосаси мавжуд. Бу хулоса Холиқов билан мени почта солинган портфелни талашган вақтимизда костюмимнинг йиртилганлигини кўрсатиб, исботлаб берган.

7. И. В. 1-том 212-бетида «Костюмимни олиш протоколи» бор. Костюмимни экспертизага юбориш учун терговчи мендан 4.03.1987 йилда олган. Аммо уни менинг иштирокимсиз 10 март куни ўраган. Экспертизага юборишда эса костюм 3 март куни олинди деб яна қалбакилликка ўтилган. Костюмим 4 март кунидан 10 март кунигача 6 кун давомида прокуратура биносида нега сақланди, қандай ҳолатда сақланган? Буни ҳеч ким айта олмаса керак.

8. И. В. нинг 8- ва 9-варақларининг ўртасида Холиқов Юсуфнинг тушунтириш хати мавжуд. Лекин унинг давоми йўқ. Рўйхатда ҳам йўқ.

9. Ленин йўли район нотариал конторасининг прокуратурага ёзган 26 март 1987 йилги 7-сон жавоб хатида: Исмоилов номига 1985 йил, 86- ва 1987-йилларда «Ишонч қоғози» берилмаган деб ёзиб, нотариус Алимардонова У. имзо чеккан. Шуниси қизиққки, айнан шу Алимардонованинг имзоси билан 1985, 86 ва 1987 йилларда «ишонч қоғози» олганман. Бу ҳақда унинг қайд дафтарида ёзилган. Яна шуни ҳисобга олиш лозимки, Алимардонова У. гувоҳ Ҳайдаров Абдиназарнинг қайин синглиси бўлади. Юқорида айтиб ўтганимдай гувоҳ Ҳайдаров А., жабрланувчи Холиқовнинг айбларини яширган. Ушбу жиноятни келиб чиқишида унинг ҳам қўли борлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

10. Терговчи Ташановга 1987 йил 6 март куни «ёзма отвод» берганман. Ҳозир у делода йўқ. Буни қандай тушуниш мумкин? Хуллас бошқа камчиликлар ҳам беҳисоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

11. Гувоҳ Улуғбердиева Сапия ўз кўргазмасида Холиқов Шербой ўртоғи Қиличев Сапар билан 26 февраль куни уникида ароқ ичишиб ўтирганлигини, 27 февраль 1987 йил куни яна шу ерда ароқ ичишганлигини, Холиқов Шербой кимнидир сўймоқчи бўлганлигини ёзган. Бу факт тажовуз реал бўлганлигини тасдиқлайди. Буни Холиқов Шербой ҳам тасдиқлаяпти. Лекин, ҳазиллашиб сўймоқчи бўлдим, деб судда важ келтирди.

Шундай ҳолда ҳам, нима сабабдан айнан ҳазиллашиб бир кишини сўймоқчи бўлгандан кейин орадан 2 соат ўтар-ўтмас қўлида пичоқ билан Холиқов менга тажовуз қилди? Бу воқеани терговчи, судья ва прокурор кўриб, эшитиб, билиб турибди-ку. Бу жиноятни яшириш эмасми?

1987 йил 23 июнь куни суд тергови бошланди. Суд состави: Судья — Маматраимов Н., халқ маслаҳатчилари: Толстоногова ва Мусаев ва бошқалар эди.

1987 йил, 24 июнь куни жабрланувчи Холиқов Шербойни суд залига мажбурий олиб келиш тўғрисида ажрим чиқарилди. 25 июнь куни Холиқов Шербой — милиционер Ҳайитов Раимназар томонидан судга олиб келинди. Милиционер Ҳайитовнинг айтишича: Холиқов уйида спиртли ичимлик ичиб ўтирган экан. Милиционерга ҳам таклиф қилган. Бундан хулоса келиб чиқадики, суд тергови давомида Холиқов маст ҳолда бўлган.

23, 24 июнь ва 13, 15, 17, 18, 19, 20, 21 август кунлари 1987 йил Холиқов Шербой судга сабабсиз келмаганлиги учун суд қолдирилди. 1987 йил 4 сентябрь куни суд мажлиси давом этди. Судья ҳеч бир сабабсиз маслаҳатчи Толстоноговани суд залидан четлатган, унинг ўрнига райПО ходими Юсупов Ғози судда иштирок этди. Воқеа куни Холиқов Шербой шу РайПО да ишловчи ўртоғининг олдига келган. Бу қалбакиликни қандай изоҳлаш керак?

1987 йил, 10 сентябрь куни суд процессида судга Холиқов Ш. нинг овози ёзиб олинган магнитофон лентаси тақдим қилинди ва суд иштирокчилари иштирокида эшитилди. Бу кассетада Холиқов ўз овози билан «Ҳақиқатдан ҳам Икромда айб йўқ, мен ичган эдим» деган гапларни ва ишга алоқадор гапларни гапирган. Ҳозирги вақтда бу лента ишга қўшилган. Холиқовнинг бу гапларидан ҳам унинг айбдорлиги яққол кўриниб турибди.

1988 йил 29 январь куни Сурхондарё область жиноят ишлари судлов коллегиясида «кассация-шикоятим» кўриб чиқилди, лекин қалбакилик ва ишнинг бир томонлама олиб борилиши натижасида ҳукм ўз кучида қолдирилди.

Хуллас терговчи терговда қандай айблаган бўлса, айблаш фикри тузган бўлса, судда судья ҳам айблаш фикрини ҳукмга нуқта, вергулигача кўчирган. Ҳаттоки шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, айблаш фикрида хато ёзилган сўзлар ҳукмда ҳам хатолигича кўчириб ёзилган.

Қани бу ерда суднинг одиллиги, мустақиллиги, фақатгина қонунгагина бўйсуниши?

Бу қалбакиликлардан ташқари, Сурхондарё область судининг раиси Ш. Жумаевни «Совет Ўзбекистони» газетасига ёлғон, қалбаки жавоб хати ёзишга ким, нима мажбур қилди. Жумаевнинг мақсади нима?

Ҳукмдан кўчирма: Холиқов Шербой заборга суяб қўйилган мотоциклини минганида орқасидан бир киши машинасини тўхтатиб, Холиқовни йўлини тўсди дейилган. Бу ўз-ўзидан кўриниб турибдики — туҳмат. Чунки кетмоқчи бўлиб мотоциклига минган кишининг орқасидан борган транспорт унинг ҳаракатига тўсқинлик қила олмайди. Энди бу кўргазмани ўзгартириб: «Холиқов мотоциклига минганида унинг олдига Исмоилов машинаси билан кўндаланг бўлган, деб ёзишибди.

Ҳукмнинг 4-варағида Холиқов «маст» ҳолда бўлган, жанжалга Холиқов сабабчи дейилган. Шундай ҳолда нима учун мен айбдор бўлишим керак?

Гражданка Улуғбердиеванинг уйида Холиқов Шербой кимнидир сўймоқчи бўлганлигини Улуғбердиева ва Холиқовнинг ўзи тасдиқлайди. Агар Холиқовнинг пичоғи бўлмаса, нима билан сўймоқчи бўлди? Холиқовнинг пичоғи бўлмаганлигига ким кафолат бера олади? Агар Холиқовнинг шериклари бўлмаса унинг мотоциклини райПО ташкилоти олдидан ким олиб кетди? Мотоцикл 27-февраль кунлари ички ишлар бўлимида бўлмаган. Сабаби нимада?

Прокурор Мирзаев С. га отвод берганман. Чунки иккаламизнинг ўртамизда низо бор эди. Лекин отводим инобатга олинмади. Судья Маматраимов Норбой, суд ҳайъати мен айбимга иқрор бўлмасам ҳам ўз ҳукмида жабрланувчи Холиқов Шербой кўргазмасига асосланди. Ваҳоланки, у спиртли ичимлик истеъмол қилган. Айб асосан унда бўлган. Жанжалнинг келиб чиқишига унинг ўзи сабабчи бўлди. Буни ўз кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитиб турган ягона гувоҳ — Муртазақулов Собир исботлаб, терговда ҳам, судда ҳам кўргазма берди. Шундай бўлишига қарамай, Исмоиловнинг айби гувоҳ Муртазақулов Собир кўргазмаси билан исботланди деб ҳукмда кўрсатилишини қандай тушуниш мумкин?

Тергов даврида бир гувоҳ кўргазмасини иккинчи гувоҳ билмаслиги керак, бу тергов сири. Жиноят ишининг 1-том 59, 60-бетларидаги ва 61,62-бетлардаги кўргазмалар бир-биридан кўчириб ёзилган. Бу билан ЎзССР ЖПКнинг 135-моддасининг талаблари бузилган. 63, 64- варақлардаги кўргазмалар Ташанов раҳбарлигида ёзилган ва бу кўргазмалар жиноят ишининг 199 ва 225-бетларида мавжуд бўлган характеристикалар билан рад этилмоғи лозимдир.

Бу билан терговчи ЎзССР ЖПКнинг 14-моддаси талабларини бузган. Суд бир неча ойлаб чўзилиб, узлуксизлик принципи бузилди. Яъни ЎзССР ЖПКнинг 223-модда талаби бузилди.

Ҳукмда Исмоиловда тан жароҳати йўқ дейилган. Урса жароҳат қолиши мумкин эди дейилган. 1987 йил 27-февраль куни урилган бир муштдан жароҳат қолиши мумкинми? Чунки уриш билан уришни фарқи бор-ку, мушт билан урилганда жароҳат қолмайди-ку.

Суд терговида гувоҳлик қилган область алоқа узели бошлиғи Айсугуров кўргазмасига асосланган. Ваҳоланки, жанжал устида у бўлмаган. Менга ягона гувоҳ — Муртазақулов Собир. Унинг кўргазмасини мен учун ниҳоятда аҳамияти катта. Лекин суд, у Исмоилов И. билан бир ташкилотда ишлаган, деб аҳамиятга олмаган. Лекин ўша Исмоиловнинг айби Муртазақуловнинг кўргазмаси билан тасдиқланди, деб кўрсатилган. Қани бу ерда мантиқ? Бориб турган қалбакилик-ку!

Мен катта ният ва орзулар билан халқ суди ҳукмидан норози бўлиб область жиноят ишлари судлов коллегиясига шикоят қилдим. Лекин суд томонидан ЎзССР ЖПКнинг 309-моддаси талаби бузилиб, иш шикоят аризам билан область судига юборилмади. Ҳукмнинг бир нусхаси менга анча вақтгача берилмасдан келинди. Мен область судьяси ўртоқ Жумаевга шикоят аризаси ёздим. Бироқ аризам район халқ судига қайтарилди. Суд мажлиси протоколига эса қайта-қайта ўзгаришлар киритилди.

Мен суд мажлиси протоколи билан ҳимоячи Нортўраев Й. иштирокида танишиб чиқдим. Жиноят ишининг 336-339-варақларидаги 8 пунктдан иборат эътирозни ёздик (23 октябрь, 1987 йил). Шуниси таажжублики, суд мажлиси протоколида «Бошқарув мажлиси протоколи» деб кўрсатилган, демак эътироз бошқарув мажлисида кўрилар экан-да. Ажримда эса очиқ суд мажлисида деб кўрсатилган. Бу катта муҳим хато ҳисобланиб, ишни бекор бўлишига асос бўла олмайдими?

Эътирозни рад этиш ҳақидаги ажрим ўта юзаки, номигагина ёзилган. Хуллас, иш область судига келди, ўрганилди. Ҳар хил гап, иш бузилди деган гаплар чиқди, лекин район халқ суди ҳукми тасдиқланди. Чунки, коллегия куни халқ судьяси Маматраимов ҳам негадир келиб қолди. Область суди ажрими Холиқовнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилишига қаратилган кўргазмасига асосланди.

Суд ҳайъати Холиқов, гувоҳ Муртазақулов, гувоҳ Айсугуров кўргазмаларига асосланиб ҳукм чиқарган. Асоссиз далилларга қайта асосланган.

Ўзбекистон ССР Олий суди раиси ўринбосари ўртоқ Добронравов жавобидан мутлақо норозиман. Чунки ёзган шикоятимга тўлиқ жавоб бермаган. Фақат Исмоилов Икромнинг айби тасдиқланди деб қўйилган. Жиноят ишини чақириб олиб, текшириб кўрилмаса мен ёзган муҳим камчиликларни билиб бўлмайди. Шунинг учун қуйидагиларни ёзиб маълум қиламан.

1. Жиноят ишининг 194-бетида 1987 йил 11 май куни судья Маматраимов Исмоилов Икром судга юборилсин, деб қарор чиқарган. Жиноят ишининг судга бериш масаласини ҳал қилишдан олдин айблаш фикрини топшириш учун 4 кун олдин турмага юборилган. Жиноят ишини ижро этишга қабул қилмасдан, айблаш фикрини топшириш муҳим камчилик ҳисобланиб, ҳукмни бекор қилишга асос бўла олмайдими?

2. Жиноят ишининг 213-варақасида 1987 йил 23 июнь куни суд мажлиси бошланган. Мен прокурорга отводим борлигини айтдим. Лекин ишда отводим йўқ экан. У шахсий ишга тикилган деб тушунтирди. Жиноят ишининг 114-варақасидаги ажрим кейин ёзилиб, шу ерга тикиб қўйилган. Ишни кўришда Мусаев билан Толстоногова маслаҳатчи бўлиб қатнашди, деб кўрсатилган. Аслида эса Толстоногова ўрнига Юсупов Ғози қатнашган.

Ажримнинг сохталиги шу билан ҳам кўриниб турибдики, суд мажлиси протоколининг 215-бетида эртага соат 10 гача танаффус эълон қилинсин, деб кўрсатилган. Кейин суд мажлиси давом этган. Жиноят ишининг 231-варақасида ишни кўришни 26 июнь 1987 йилга қадар танаффус эълон қилганлигини кўрсатган.

Суд мажлиси протоколи сохталаштирилганлиги кўриниб турибди. Чунки бетларини тўғри чиқариш учун ажрим варақларининг иккинчи томони ёздирилмай қолиб кетган.

Суд мажлиси протоколини ҳамма варақаларининг иккинчи томонига ёзилиб келинди, нима сабабдан жиноят ишининг 273, 278-варақаларининг орқа томонидаги ёзувлар қолдирилиб кетган. Сабаби протокол соҳталаштирилиб, қайта ёзилган. Қоғоз варақаларини тўғри жойлаштириш мақсадида шундай қилинганлиги кўриниб турибди.

Суд мажлиси протоколига музокара сўзлари ва судланувчининг ҳимоя сўзлари туширилиши шарт. Лекин туширилмай илова қилинган. Жиноят ишининг 281-варақасида суд мажлиси протоколида сўз жамоат ҳимоячисига берилди дейилган. Лекин, у ким, қандай жамоат ҳимоячисилиги суд мажлиси протоколида кўрсатилмаган. Лекин ҳукмда жамоат ҳимоячиси Джиоева деб кўрсатилган. Буни қандай тушуниш мумкин?

Жабрланувчи Холиқов Шербойга Жарқўрғон йигирув тўқиш фабрикаси дирекцияси томонидан ижобий характеристика берилган. Яъни унда қуйидагича ёзилган:

13 январь 1987 йил ишга кирган. 18 кун ишлаган. 1987 йил 2 февралдан буён сабабсиз ишда йўқ.

Бу ижобий характеристикага директор Маҳмудов, бош энергетик Атамуродов ва бош мастер Қаршиевлар имзо чекишган.

Ҳурматли қонунщунослар! Редакция ходимлари! Шу юқорида ёзилган характеристикани ижобий характеристика дейиш мумкинми?

1987 йил, 25 февраль куни Холиқов Шербой Жарқўрғон касалхонасидан чиққан. Медицина варақасига асосан 1987 йил, 26 февраль куни давлат ишида бўлиши кўрсатилган. Лекин, Холиқов Шербой давлат ишига сабабсиз бормай, 26, 27-февраль кунлари Ленин йўли районида гражданка С. Улуғбердиевани уйида спиртли ичимлик истеъмол қилиб юрган. Ўртоғи Қиличев Сапар билан икки кун ҳам ароқ ичишиб, номаълум кишини сўймоқчи бўлган. Нотаниш кишини сўймоқчи бўлганлигини Улуғбердиевага айтганидан кейин орадан икки соат чамаси ўтар-ўтмас менга тажовуз қилган.

Агар Холиқов Шербой айбсиз бўлса, нима учун унга Эркин исмли киши пичоқ уради? Нима учун судга келмай яшириниб юради?

Мен, ишонч билан айтаманки, менинг ҳаракатларим «охирги зарурат» ҳолатида бўлди. Мен «зарурий мудофаа»га ўтган эдим. Акс ҳолда у почта»ларни олиб кетган бўларди.

Мен, ҳаётимни хавф остига қўйиб, ўзимга топширилган почта ва посилкаларни, қолаверса ҳаётимни сақлаб қолдим. Бунинг эвазига эса беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилдим.

Терговчи Ташанов, судья Маматраимовлар ва прокурор Мирзаев учун бу қоғозлар арзимас, аҳамиятсиздир. Лекин мен учун жуда катта аҳамиятга эга. Мен зиммамга юклатилган вазифани белгиланган-дай бажаришим керак эди. Бу қоғозлар пул эмас-ку, ўрнига тўлғазиб қўйилса?

Шахсан мен бу воқеалар туфайли бирон-бир манфаатдор бўлган жойим йўқ. Мен фақатгина ўзимга топширилган почталарни ҳимоя қилдим, холос.

Давлат томонидан менга бир дона оддий велосипед биркитилган эди. Лекин мен давлат ишида ўз шахсий машинамдан фойдаландим. Ахир зиммамга юклатилган почта ва посилкаларни машинада олиб юрган билан велосипедда олиб юрганликни фарқи бор-ку.

Мен, ўзимнинг ноҳақ қамалганлигимни биламан. Қачонлардир ҳақиқат қарор топишига ишонаман. Фақат қачонгача ҳақиқат — ноҳақлик олдида тиз чўкади? Қачонгача мен айбсиз айбдор бўлиб ёш умримни қамоқда ўтказаман? Шуни билмайман, холос...

Холиқовнинг пичоғи бўлганлигини гувоҳ Муртазақулов, Улуғбердиева тасдиқлайди. Яна унинг ҳазиллашиб сўймоқчи бўлдим, деган ўзининг кўргазмаси ҳам бор.

Сурхондарё область жиноят ишлар судлов коллегиясига, ЎзССР Олий Суди раисига кассация тартибида ва назорат тартибида область ва ЎзССР прокуратураларига назорат тартибида мурожаат этдим. Афсуски, ҳозиргача натижа йўқ.

Ушбу аризамни ижобий текшириб, менга ёзма жавоб беришларингизни илтимос қиламан.

ИСМОИЛОВ ИКРОМ УСМОНОВИЧ

РЕДАКЦИЯДАН: Муҳтарам журналхонлар! Мана И. Исмоиловнинг тақдири билан танишиб чиқдингиз. Бизга ўз мулоҳазаларингизни ёзиб юборарсизлар. Юқорида босилган материалларга тегишли мутасадди ташкилотлар, айниқса Сурхондарё область прокуратураси, область халқ суди беэътибор қарамайди, деган умиддамиз. Биз улардан ҳам бу масалага теранроқ ёндошилган ва сўнгги оқилона ҳамда одилона хулоса ёзилган жавобларни кутамиз. Расмий жавоблар ҳам тўлалигича журнал саҳифаларида босилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Еш математиклар!
Еш физиклар!
Еш химиклар!

Бу суҳбат шу йилнинг 8 июль куни редакцияда бўлиб ўтган эди:

— Намангданман, Тошбоев Бахтиёрнинг онасиман. Ўғлим сизлардаги математиклар олимпиадасида қатнашган эди...

— Ҳозир, шошмангчи, — деб стол устида турган рўйхатга кўз югуртирдик. Бахтиёрнинг исми ғолиблар қаторида кўринмади. — Йўқ экан, — дедик сал ҳижолат чекиб.

— Нима йўқ экан? — сўради аёл.

— Дипломлилар қаторида йўқ экан. Бахтиёр ўқишга кириш учун ҳужжат топшираётган бўлса...

— Йўқ, йўқ ука, мен унга келмадим. Бахтиёр ҳужжатини ТашДУга топширди. Бир оғиз раҳмат айтай деб келдим. «Еш куч»да бошланган олимпиада ўғлим учун энг яхши ўқитувчи бўлди. Сизлардан пешма-пеш бориб турган хатлар уни тамоман бошқача одам қилиб қўйди. Мактабни олтин медаль билан тамомлаганидан ҳам билиб олаверинг. Бу хайрли ишинглар ҳечам тўхтамасин. Раҳмат ўша академик Азаровгаям, ўғлимга хат йўллаб турган Қўрғоновгаям...

Биласизми, азиз журналхон, «Еш куч»да эълон қилинаётган ҳар бир материалнинг ўзига яраша ташвишлари бор. Математика, физика, химия олимпиада машғулотларинику асти кўяверасиз. Биз уларни битта ном билан «Аниқ фанлар академияси» деб атаймиз. Шу журнал саҳифасидаги икки саҳифалик машғулот билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси: Т. А. Азларов, У. Ғ. Ғуломов, Н. А. Парпиев, Н. Ю. Сатимов, профессорлар: А. Саъдуллаев, Э. Н. Назаров, А. Аъзамов, фан кандидатлари ва доцентлар А. А. Одилов, А. Муфтахов, С. Б. Мусаев, М. Мирзаахмедов, А. Абдурахмонов, Б. Рихсиев, Н. Ғанихўжаев, М. С. Исомуҳамедова, Н. А. Бринских, Р. Ҳошимов, М. Маматов шу соҳанинг ташкилотчи ва тарғиботчилари А. А. Акмалов, Т. Қўрғонов, М. Қурбонов ва А. Умаровлар машғул бўладилар. Олимпиада жавобларини текшириш, хат йўллаганларга жавоб ёзиш, ғолибларни аниқлаш, боз устига редакцияга келиб, қайта-қайта корректура ўқиш — бу ишларнинг бари раҳмат учун, шахсий ташаббус билан қилинади. Уларга ҳақ тўланмайди.

Лекин бу хайрли, катта оворагарчиликнинг заминида битта эзгулик ётибди. У ҳам бўлса Ўзбекистонимиз болаларининг битта бўлсаям, ўнта бўлсаям аниқ фанларга бўлган қизиқишини ошириш. Ахир жаҳон фан тараққиёти илдизлари бобокалонларимиз ал Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Улуғбек, Умар Ҳайём, Алиқушчиларга бориб тақаладику. Наҳотки авлодлар қонида уларнинг илм бобидаги зукколиклари оқмаяпти дейсиз? Оқяпти! Ана шу туйғуларни уйғотиш, парваришлаш, фан йўлига олиб чиқишдир, бизнинг мақсадимиз.

Шундай қилиб, севимли журналингиз «Еш куч» қошидаги «Аниқ фанлар академияси» янги, навбатдаги 1989-90 ўқув йили сиртқи беллашувларига Сизларни таклиф этади.

Республикамиз ва қўшни республикалар мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юрти талабалари иштирок эта оладилар. Сиртқи мусобақалар беш турда ўтказилади. Ҳамма турларда фаол қатнашиб, топшириқларни ўз вақтида ва тўғри ечиб, редакцияга юборган ўқувчилар ғолиб деб эълон қилинади.

Ғолиб қандай мукофотланади?

Ғолиб ЎзССР Фанлар академияси, республика Халқ таълими министрлиги, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг дипломи ҳамда «Еш куч» журналининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланади. Эсдалик совғалари топширилади.

«Аниқ фанлар академияси» мусобақаларига ЎзФА мухбир аъзоси Т. А. Азларов бошчилигидаги жюри раҳбарлик қилади. Жюри жавобларни текширади, баҳолайди ва ғолибларни аниқлайди.

Бир ўқувчи ўзи севган фанларнинг бирини танлаб олиб, мусобақада қатнашади. Лекин бир вақтнинг ўзида уччала фан беллашувларида қатнашиши ҳам мумкин. Фақат топшириқларнинг жавоблари алоҳида-алоҳида жўнатилади ва конверт устига «физика» «химия», «математика» деб ёзиб қўйиш шарт.

Бугун 1 тур топшириқларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Биринчи турда жавоб йўллашнинг охирги муддати — 30 ноябрь. Жавоб хатингизда исм-шарифингиз, мактабингиз, ўқийдиган синфингизни, почта индексини тўлиқ кўрсатинг.

Хатларингизни кутамиз.

АНИҚ ФАНЛАР

Турсун АЗЛАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси,
«Аниқ фанлар академияси»нинг президенти.

ЮТУҚЛАР БОР

Шундай қилиб, «Аниқ фанлар академияси» сиртқи олимпиадасининг навбатдаги давраси якунланди ва янги беллашувларга эса старт берилмоқда. Келган хатларнинг кўлами ва ички мазмуни ёшларимиз орасида аниқ фанларга — математикага, физикага, химияга қизиқиш орта боратганидан, беллашувнинг танланган формаси чакки эмаслигидан далолат беради. Математика олимпиадаси масалаларига 1640 та жавоблар олинди. Шуларнинг кўп қисми барча — олтита турда ҳам қатнашган ўқувчиларнинг мактабларидир. Албатта, ҳар бир ишда бўлганидек, математика фанини эгаллашда ҳам муайян изчиллик, муттасил шуғулланиш, доимий машқнинг аҳамияти каттадир.

Келган жавобларнинг сони бўйича Хоразм, Наманган ва Самарқанд области ёшларининг олимпиадада фаол қатнашганликларини таъкидлаш лозим. Хатларнинг мазмуни, масалаларнинг тўғри ҳал этилганлиги бўйича эса Тошкент шаҳар, Тошкент области, Хоразм области ёш математикларининг пешқадамлигини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Кези келганда шуни ҳам айтиш жоиздирки, умуман, кейинги йилларда Хоразм областида математик ўқитилишининг яхшиланиши, жонкуяр ўқитувчи, мураббийларнинг сидқидил меҳнатлари туфайли область ёшларининг республика ва иттифоқ олимпиадаларидаги, ютуқлари салмоқли бўляпти. Тошкент Давлат Университетининг математика факультетларига кирувчи студентларнинг ичида ҳам хоразмлик ёшларнинг вакиллари сони анча ортди.

Икки оғиз режалар ҳақида. «Аниқ фанлар академияси» доирасида севимли журналимиз саҳифаларида сиртқи олимпиада давом эттирилиши билан бирга яна қуйидаги тадбирлар мўлжалланмоқда.

Аввало, журналнинг олтинчи (1989 й.) сонидаги абитуриентлар учун берилган материаллар туркуми давом эттирилади.

Республикамиз фани шуҳратини иттифоқимизга, ундан ташқарига таратаётган ёш, умидвор математиклар, физиклар, химиклар ҳақида туркум ҳикоялар уюштирамиз.

Таниқли олимларнинг ўз ҳаёт йўллари, илм-фанни эгаллашдаги машаққатлари, устозларининг ўгит-насиҳатлари ҳақидаги хотира, эсдаликлари ёшлар учун қизиқарли бўлади деб ўйлаймиз.

Сизларга янги беллашувларда ҳам омадлар тилайман, ёш дўстлар!

Биринчи тур топшириқлари

Математика:

1. n нинг исталган натурал қийматларида $n^5 - n$ сон 30 га бўлинишини исботланг.

2. 37 сонини натурал сонларнинг кублари айирмаси сифатида ифодаланг.

3. Томонлари бутун сонлар билан ифодаланиб, айирмаси 2 см. бўлган арифметик прогрессия ташкил қилувчи барча ўтмас бурчакли учбурчакларнинг энг кичик томонларининг узунлигини топинг.

4. Бизнинг қўлимиз иккита. Лекин марсликларнинг қўллари исталганча бўлиши мумкин. Бир куни марсликлар ўзаро қўл ушлашган эди, уларнинг барча қўллари банд бўлиб қолди. Қўллари сони тоқ бўлган марсликлар сони жуфт бўлишини исботланг.

5. Агар а, в, с лар рационал сонлар бўлиб $ав + вс + са = 1$ бўлса, у ҳолда $(а^2+1)(в^2+1)(с^2+1)$ ифода рационал соннинг квадрати бўлишини исботланг.

Физика:

1. Шлангдан горизонтга нисбатан b бурчак остида v тезлик билан сув чиқарилмоқда. Агар шлангнинг кўндаланг кесим юзи s ва ерга нисбатан баландлиги h, сувнинг зичлиги p_0 бўлса, муайян пайтдаги ҳаводаги сувнинг массасини аниқланг:

2. Ҳажми V=10 л бўлган берк идишда босими $P_0 = 10^5$ Па, температураси $t_0 = 20^0$C бўлган қуруқ ҳаво жойлашган. Шу идишга массаси m=3 г сув қуйилиб, уни $t = 100^0$C гача қиздирилди. Берк идишдаги босимни аниқланг. Идишнинг иссиқликдан кенгайишини ҳисобга олманг.

3. Одам эскалатор бўйича чопиб кўтарилмоқда. У биринчи ҳолда $n_1 = 50$ та зинани санаган бўлса, иккинчи ҳолда эса у ўз тезлигини уч марта оширганда $n_2 = 75$ та зинани санаган. Эскалатор ҳаракат қилмаётганда у неча зина санаган бўлар эди?

4. Бошланғич тезлиги $v_0 = 20$м/с бўлган 2 кг. массали жисмга 60^0 ва 120^0 бурчак остида $F_1 = 3$ Н ва $F_2 = 4$ Н куч таъсир қилмоқда. (расмга қ.) Шу жисмнинг тезланишини, 10-секунд охиридаги тезлик ва шу вақт ичидаги кўчишни аниқланг.

5. Радиуси R, баландлиги H бўлган цилиндрни зичлиги бўлган суюқликка перпендикуляр ҳолда ботирилганда, кўтарувчи кучни енгишда бажарилган ишни аниқланг.



Химия:

1. Карбонат ангидридни сув парларидан тозалаш (қуритиш) учун қуйидаги моддаларнинг қайсиларидан фойдаланиш мумкин: кальций хлорид, кальций оксид, концентрланган сульфат кислота, ўювчи натрий, фосфат ангидирд?

2. Қўрғошин ацетат ва алюминий хлориднинг совуқ эритмалари бир-бирига қўшилганда чўкма ҳосил бўлади. Эритмани чўкмаси билан қайнатилганда содир бўладиган реакциялар тенгламаларини ёзинг. Жавобингизни изоҳланг.

3. Ҳаво рангли кристалл модда X қиздирилганда А ва В газлар аралашмаси ва сув буғи ҳосил бўлиб, қора рангли қаттиқ модда В қолдиқ сифатида ҳосил бўлган. Газ Б ни тозалаш мақсадида газлар аралашмаси ишқор эритмаси орқали ўтказилган. Агар тозаланган Б газни қиздирилган Г металл устидан ўтказилса, қора рангли модда В ҳосил бўлади.

А, Б, В, Г ва X моддаларининг формулаларини топинг ва тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

4. Мўл миқдорда олинган калий ишқор эритмаси орқали 0,448 л (н..)углерод (IV) оксид ва сульфит ангидрид аралашмаси ўтказилганда эритма массаси 1,2 граммга ортган. Бошланғич газлар аралашмасининг масса ва ҳажм бўйича процент миқдорини аниқланг.

5. А ва Б элементлар даврий системанинг бир группасида жойлашган. Улар ABO_3(I) ва $A_2Б_3O_{12}$ (II) (модда 1-да элементларнинг масса нисбатлари 1,625:1:2 ва модда II-да 1,3:1,2:2,4 га тенг) бирикмаларини ҳосил қиладилар. АО ва A_2O_3 оксидларнинг эквимолекуляр аралашмасидан 22 г миқдорини қайтариш учун 8,96 л (н. ш.) водород сарф бўлади. Модда Б (сариқ рангли) ҳавода ёниб В газини ҳосил қилади ва у нитрат кислота билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

АКАДЕМИЯСИ

ДИҚҚАТ КОМПЬЮТЕР САБОҚЛАРИ!

Маълумки, шу йилларда «Вариант» ишлаб чиқариш корхонаси ёрдамида республика мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари «Правец» туридаги шахсий компьютерлар билан жиҳозланмоқда. Ушбу машғулотларимиз ана шу хил компьютерлардаги Бейсик тилини фаол ўрганишга аҳд қилган ўқувчиларга мўлжалланган.

Диалог тарзида кечадиган бундай мулоқотни соддалик учун икки қисмга ажратиш мумкин:

а) ўқувчи (фойдаланувчи)нинг компьютерга юборадиган ахбороти;

б) компьютернинг шу маълумотга жавоби.

Гарчи, ҳар икки хил маълумот компьютер дисплейида тўлиқ ва бир текис намоён бўлсада, биз қулайлик учун компьютер жавобларини тагига чизиш билан белгилаб борамиз. Компьютер жавоблари «саломига яраша алиги» тарзида шаклланади. Хусусан, экранда «?SYNTAX ERROR» кўринишдаги жавобнинг пайдо бўлиши сиз компьютерга нотўғри (еггог — хато) маълумот юборганлигингизни англатади. Бундай ҳолларда, одатда, тўғри маълумот диққат билан қайтадан клавиатура орқали киритилади.

Компьютерга изҳор қилмоқчи бўлган ҳар қандай маълумот фақат клавишалар орқали киритилади. Машғулотнинг қолган қисмини бевосита компьютер ёрдамида бажаришни тавсия этамиз.

Энди бирор клавиша, масалан, А Ф клавишасини бир марта босиб, дисплей экранига эътибор беринг. У ерда сиз ўша киритилган ҳарф (А) ва унинг ёнида эса «*» белгисининг пайдо бўлганлигини кўрдингиз. Бу белги программачилар тилида курсор дейилади. Курсорнинг аҳамияти шундаки, у ўша онда киритилаётган ҳар бир символнинг қаерга ёзилиши, аниқроғи, кўринишини билдириб туради. Ахборот киритилиши мобайнида у чапдан ўнгга ҳаракатлана бошлайди. Курсорни орқага суриш учун [←] клавишасидан фойдаланилади ва шу усулда хато терилган белгилар тўғрисига алмаштирилади... Энди [RETURN] клавишасини босинг. Курсор кейинги қаторнинг биринчи катагига тушди. Шундайми? Мисол сифатида LIVE сўзини теринг-да, сўнгра [←] клавишасини 3 марта босинг. Ҳозир курсор «1» ҳарфи устида милтиллаб турибди. Агар шу ҳолда «О» «V» «Е» ҳарфли клавишалар босилса, LIVE сўзи LOVE сўзига айланади. Бинобарин, «〈---» клавишаси ҳатто терилган белгини тўғирлашга, [RETURN] эса курсорни кейинги қаторга ўтказишга хизмат қилади.

Мамлакатимиздаги компьютерларнинг қарийб барчаси фақат лотин ва рус алифбосидан тузилган «сўзларни» тушунишга қодир. Сизнинг компьютерингизда лотин алифбоси ҳарфлари мос клавишанинг чапки юқори бурчагида, рус ҳарфлари (кириллица) эса қуйи ўнг бурчагида (кўк рангда) жойлашган. Компьютер ёқилган заҳоти, у фақат лотин ҳарфларинигина қабул қиладиган ҳолатда бўлади. Машқ сифатида 1 ш клавишасини бир неча марта босиб, экранда лотинча «1» ҳарфи пайдо бўлаётганлигига эътибор беринг. Сўнгра клавиатуранинг қуйи чапки четида жойлашган [C/L LOCK] клавишасини бир марта босиб, яна қайтадан ўша [1 ш] клавишасини ишлатиб кўринг. Ишонч ҳосил қилишингиз мумкинки, энди ана шу ҳолатда компьютер рус алифбоси ҳарфларинигина тушунади. Агар яна, хусусан, «1» ҳарфини териш талаб этилса, [C/L LOCK] клавишасини бир марта босиш кифоя. Мустақил ҳолда қуйидаги қаторларни тўғри теришга ҳаракат қилинг (компьютер жавобига ҳозирча эътибор берманг).

BEATLES — БИТЛЗ
RIIIYWSU — NONSENSE

Шундай қилиб, биргаликда чиқарган хулосамиз қуйидагича: бир турдаги алифбодан иккинчи тур алифбосига ўтиш [C/L LOCK] клавишасини бир марта босиш орқали амалга оширилади.

Энди сонларни қандай киритиш ҳақида тўхталамиз. Улар клавиатуранинг энг юқори қисмидаги рақамли клавишалар орқали лотин алифбоси режимида киритилади. Едингизда бўлсин, барча компьютерларда ҳақиқий соннинг каср қисмини ифодалаш учун вергул ўрнига нуқта белгиси ишлатилади. Нуқта белгисини ҳосил қилиш учун [>. ю] клавишасини босиш кифоя. Энди, бир мунча маънилироқ ишга ўтиш мақсадида қуйидаги қаторни теринг:

PRCNT [ ] 195.703 [RETURN]

бу ерда баъзи изоҳлар беришни лозим топамиз:

а) программачилар нулни «О» кўринишида ёзишади;

б) «[ ]» кўринишида «пробел» деб аталадиган, клавиатура қўйисидаги энг узун клавиша белгиланган;

в) [RETURN] клавишаси курсорни бошқа қаторга ўтказиш билан бирга сизнинг «қабулга» ўтганлингизни билдиради. Шу клавиша босилганидан сўнггина ЭҲМ сиз киритган ахборот устида «ўйлай» бошлайди. Бу вақтда, ЭҲМнинг жавоби экранда тўлиқ кўрингунча, ҳар қандай клавишани (ҳаттоки «←» ни ҳам) босиш деярли фойдасиздир. Биз қулайлик учун [RETURN] белгисини тушириб қолдирамиз, аммо киритилаётган ҳар бир қаторнинг [RETURN] клавишаси билан тугалланиши зарурлигини эслатиб ўтамиз.

Машқ сифатида ўша қаторни 195, 703 сонининг ўрнига бошқа сонларни териб, ЭҲМ жавобларига эътибор беринг ва мустақил хулоса чиқаришга урининг кўринг.

Клавиатуранинг қуйи қисмидаги ҳар иккала тарафда [SHIFT] клавишалари жойлашган бўлиб, улар ўзаро тенг кучлидир. Бу клавишанинг бир қизиқ хусусияти бор: у ҳамиша бирор бошқа клавиша билан биргаликда ишлатилади. [SHIFT] нинг муҳимлигини англаш учун қўштирноқ белгисини («) [» , э] клавишасининг ўзинигина босиб ҳосил қилишга уриниб кўринг. Бўлмаяптими? Ундай бўлса, [SHIFT] ни чап қўл билан босиб турган ҳолда ўнг қўл билан [« ,э] клавишасини қайта босинг. Экранда сиз кутган («) белгиси пайдо бўлди, тўғримми? Худди шу клавишани [SHIFT] сиз ишлатиш («) белгисининг терилишига олиб келади. Шундай қилиб, [SHIFT] клавишасининг биргаликда ишлатилиши клавиатура имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Хусусан «-» белгиси лотин ҳарфлари режимида [±] клавишасини тўғридан-тўғри босиш билан «+» белгиси эса [SHIFT] ёрдамида ҳосил қилинади.

Маҳоратингизни ошириш учун Бэйсик тилида кўп учрайдиган қуйидаги белгиларни териб кўришга ҳаракат қилиб кўринг: * / — , : ( ) ∧ > <

Шунинг билан машғулотни тугатиб, кейинги машғулотгача ушбу машқларни бажаришни тавсия этамиз.

а) қуйидаги ҳисоб-китобни компьютерда бажаринг:
33*5; 10.5+100,33; 13.255/2.43; 13.255:2.43

б) Шундай қаторни терингки, компьютернинг жавоби сизнинг исмингиз ва фамилиянгиздан иборат бўлсин.

Абдулла НУРИЛЛАЕВ,
Нурмуҳаммад ҚОСИМБЕКОВ
ТошДУ илмий ходимлари.

бирикиб Г моддага айланади. Элемент А иккита туз — сариқ рангли Д ва қовоқ рангли Е ни ҳосил қилади. Бу бирикмаларда элементнинг оксидланиш даражаси бир хил. Агар Д ва Е га Г нинг концентрланган эритмасидан қўшилса, қизил рангли А нинг оксиди(ж) ҳосил бўлади.

Агар туз Д ва Г нинг иштирокида газ В билан таъсир этилса модда П ни олиш мумкин. Модда 1 кучли қайтарувчи, у сувдан водородни сиқиб чиқаришга ҳам қодир, кислород иштирокида осон оксидланади. Модда П бром ёки водород пероксид билан ишқорий шароитда реакцияга киришиб Д ни ҳосил қилади. Г ва Е аралашмаси лабораторияда кўп ишлатилади (нима мақсадда?) Эслатилган реакция тенгламаларини ёзинг.

Физикадан 2-тур масалалари ечими

1-масала.

Берилган: h; l; α.

Топиш керак: F—?

Ечилиши. Бизга маълумки суюқлик баландлиги ўзгариши билан идиш деворига берилаётган босим ҳам ўзгариб боради. Суюқлик сиртида идишнинг ён сиртига бериладиган босим атмосфера босимига тенгдир, яъни $P_0=P_{атм}$, идиш тубида суюқликни ён деворига берадиган босими P_h у қуйидагига тенгдир. $P_h=P_{атм}+pqh$ бу R_h — босим баландлик ўзгариши билан ўзгариб туради. Шунинг учун уни ўртача босим билан алмаштирамиз, у ҳолда $P_{ўр}:P_{ўр}=(P_0+p_h):2=P_{атм}+(pqh::2)$ (1)

Аквариумнинг ён сирти $S=l(h:\cos\alpha)$ (2) тенгдир. Идишнинг ён деворига таъсир этувчи босим кучи эса $F=P_{ўр}\cdot S$ (3) тенгдир. (1) ва (2)ни (3) тенглмага қўйиб F ни аниқлаймиз. $F=[P_{атм}+(pqh:2)]\cdot l(h:\cos\alpha)$

2-масала.

Берилган: R

Топиш керак: h —?

Ечилиши: Жисм ҳали сфера сиртида бўлганда, унда оғирлик кучидан ташқари яна таянч реакцияси таъсир қилади (расмга қаранг Сфера бўйлаб ҳаракат учун Ньютоннинг иккинчи қонуни қуйидаги кўринишга эга: $mv^2:R=mq\cos\alpha$ — № (1) N нолга тенг бўлиб қолган моментда жисм сферадан ажралади. Шу моментга мос келган бурчак α нинг қиймати $mv^2:R=mq\cos\alpha$ (2) тенгламадан аниқланади. Энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаланиб $mv^2:2=mqh$ (3) (3)ни ёзиш мумкин. Лекин $\cos\alpha$ ўз навбатида қуйидагига тенг. $\cos\alpha=(R-h):R$ (4) (2), (3), (4) тенгламаларни биргаликда h га нисбатан ечсак, у ҳолда $R-h=2h$, $mqR[(R-h]:R]=2mh$, $R=3h$, $h=R:3$

3-масала.

Берилган: $E_1=2В$; $E_2=1,5В$; $r_1=0,60м$; $r_2=0,40м$.

Топиш керак: U_1 —? U_2 —?

Ечилиши: Элементларнинг Э. Ю. К. бир-бирига қарама-қарши бўлганлиги учун, умумий Э. Ю. К. $\mathcal{E}=\mathcal{E}_1-\mathcal{E}_2$ Занжирнинг умумий қаршилиги $r=r_1+r_2$. Занжирдаги ток эса $J=(\mathcal{E}_1-\mathcal{E}_2):(r_1+r_2)$ га тенгдир. Биринчи элементнинг ички қаршилигидаги потенциал тушуви $U_{r_1}=Jr_1$, иккинчи элементдаги эса $U_{r_2}=Jr_2$ Элементларнинг клеммаларидаги кучланиш $U_1=\mathcal{E}_1-U_{r_1}=\mathcal{E}_1-Jr_1=\mathcal{E}_1-r_1[(\mathcal{E}_1-\mathcal{E}_2):(r_1+r_2)=1,7В$.
$U_2=\mathcal{E}_2+U_{r_2}=\mathcal{E}_2+Jr_2=\mathcal{E}_2+r_2[(\mathcal{E}_1-\mathcal{E}_2):(r_1+r_2)]=1,7В$
Ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, $U_1=U_2$ лиги келиб чиқади.

4-масала:

Берилган: $\alpha=60°$; $l=6см$.

Топиш керак: d — ?

Ечилиши: Пластинкадаги ёруғлик нурининг йўли қуйидагича бўлади. (Расмга қаранг). Расмдан кўриниб турибдики $d=AC\cdot\sin(\alpha-\beta)=AC(\sin\alpha\cos\beta-\cos\alpha\sin\beta)$ ёки $AC=l:\cos\beta$ ва $\sin\beta=\sin\alpha:n$ тенглигидан $\alpha=l\sin\alpha[\ell-(\cos\alpha\ \ell::\sqrt{h^2-\sin^2\alpha}]$ Шишанинг синдириш кўрсаткичи $n=1,5$ бўлса, у ҳолда $d\approx3,3$ см.

5-масала.

Ечилиши: Крандан тушаётган сувнинг тезлиги V_1 қуйидагича аниқлаймиз. Агар 1 с давомида V_1 ҳажмдаги сув қуйидагига тенг бўлади $V_1=v_1-S_1=V_1(\pi D_1^2:4)$ бу ерда D_1 — краннинг диаметри.

Масалан t вақт давомида V ҳажмга тенг сув оқиб тушса, у ҳолда $V=v_1\cdot t(\pi D_1^2:4_2)$ бундан $V_1=4V:\pi D_1^2t$.

Тажриба асосида олинган натижалар асосида v_1 ва v_2 тезликларни аниқлаймиз. Агар $V=2л=2\cdot10^3$ м^3; $D_1=9\cdot10^{-3}$ м; $t=15$ с бўлса, у ҳолда $v_1=(4\cdot2\cdot10^{-3}):(3,14\cdot81\cdot10^6\cdot15)=2$ м/с тенгдир.

Трубадаги сувнинг тезлигини эса, қуйидаги пропорция асосида аниқлаймиз, яъни: $(V:V_2)=(S_2:S_1)$, бу ердан $V_2=V_1-D_1^2=(2\cdot81\cdot10^{-6}):(1,27\cdot10^{-2})^2=1$ м/с

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийхонлик

МУАММО ВА ЧИЙИСТОНЛАР ҚАНДАЙ ЕЧИЛАДИ?

«Чийистон» сўзи «чий ист он» шаклида бўлиб соф луғавий маъноси «у нимадир» деган мазмунни англатади. Бу сўз тожикчадир. «Муаммо» эса араб тилидан олинган сўз бўлиб, «топишмоқ, жумбоқ» мантиғини беради.

Ўтмиш адабий муҳити ғазал, достонлар битишда унинг ким томонидан, қачон яратилганини чийистон, муаммо, тўғрироғи абжад тартибида яширин ёки ошкора сатрлар орасига сингдириб юборишни тақозо қилгандир.

Араб-форс алифбосидаги ҳар бир ҳарф абжад (ҳисоб) усулидаги сон қийматига эга бўлган. Масалан.

Алиф ҳарфининг қиймати — ا 1, бе яъни Б — ب 2, жим — Ж ج 3. изоҳ: айрим ҳолларда чим Ч چ ҳам 3 рақамини беради), дол Д د — 4, ҳе Х ح — 5, вов В — و — 6, изоҳ: ўрни билан вов у, у), з, зе ز — 7, ҳо Х ه — 8, итқи Т ط — 9, ёй Е ي 10) изоҳ: ўрни билан й, и ёки е, алиф билан э, ў), коф К ک — 20, (изоҳ: айрим ҳолларда гаф) Г گ ҳам 20 рақамини бера олади), лом Л ل — 30, мим М م 40, нун Н ن — 50, син С س — 60, айн И (Ы) Ъ ع 70 (изоҳ: айрим ҳолларда апостроф ёки и, у, ў, а), фе Ф ف — 80, сод с ص — 90, қоф Қ ق — 100, ре Р ر — 200, шин Ш ش — 300, те Т ت 400, се С ث — 500, х خ — 600, зол З ذ 700, зод З ظ — 800, изғи З ظ — 900, ғайн Р غ 1000 рақамларини ифода этади. Бир-бирига ўхшаш ҳарфларни, уларнинг ифодавий рақамларини адаштирмаслик керак. Акс ҳолда чийистонда айтилган сана чиқмай қолади. Бунинг учун эса араб-форс алифбосини яхши ўрганмоқ керакдир. Зотан тарихимиз, қимматли мозийномаларимиз, ота-боболаримиз ўгитлари, гўзал таъби-назмлар ана шу алифбода битилган. Даврлар тақозоси билан ислоҳ қилинган (Бобур хати, шикаст, настаълик, жадид) ҳарфларида битилган чийистон ва муаммоларни фақат ундошлардан иборат бўлган ўша 28 та ҳарф билан ечилади холос.

Чийистон ва муаммолар ўзбек адабиёти тарихида жуда кўп давр ижтимоий-сиёсий воқеалари, тарихи, ҳодиса ва табиий офатлар саналари, ривоятлар санасини шеърий йўл билан ифодалашга қаратилгандир.

1898 йилда Андижон темир йўлининг қурилиши, халқ қўзғолони ва бу қўзғолонда юз берган қонли ҳодисалар, мингтепалик Мадали ҳалфа (Мадали пучуқ, Мадали эшон — О. Э) иғвоси билан юзлаб бегуноҳ кишиларнинг тиғга тортилиши демократ шоир Убайдулло Завқий ғазабини келтирган. Шоир ўзининг машҳур «Ҳажви йигчи эшон» сарлавҳали шеърида бу ҳодисани бошидан охиригача ўткир сатира тили билан тасвирлайди. Шеър мақтасида (хулосасида) шоир ўз тахаллусини қўйиш билан бирга «иғво эшон» муаммосини киритади.

Ҳар киши бу шўриши Фарғонадин сўрса нишон,
Завқий айтур: жон чиқиб, тарихидур: иғво эшон.

«Иғво эшон» араб ёзувида اغوا ایشان шаклида берилган. «Жон» сўзи جان кўринишида битилган.

Муаммони абжад ҳисобига солиб кўрилганда «иғво эшон» сўзларидаги ҳарфларнинг сон қиймати 1370 дан «жон» сўзи қиймати — 54 ни чиқариб ташлаб, воқеа содир бўлган йилни топиш мумкин. Яъни, 1316 ҳижрий ёким 1898 милодий йилни назарда тутган. Бу ҳисобни ечишда араб ёзувидаги касра ва фатҳалар эътиборга олинмайди. Зероки, боя эслатиб ўтганимиздай 28 ҳарфнинг барчаси ундошлардир. «Иғво эшон» сўзларидаги алиф ا — 1, ҳисобга олинмай, ғайн f غ 1000, жон сўзидаги Ж ج — 3, айн (эшон) ع — 70 олиниши ва ундан 54 ни, яъни «Эшон ва жон»даги нун Н ن — 50 ҳамда унга тўртни қўшиб 54 сонини айириб ташлаш керак бўлади.

Узоқ ўтмишдан яна бир мисол олайлик. XIV асрда яшаган ўзбек шоири Дурбек ўзининг машҳур «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг матласи (биринчи байти)да

«Зод» эди торих тақи «ҳе»ю «дол»,
Муддате ҳижратдин ўтиб моҳу сол —

деган чиройли ибораларни келтиради.

Шоир алоҳида белгилаган «зод» ذاد агар 800 ни ифода этса, ҳам «ҳе»ни, ҳам «торих»даги Те—Т ни ت ҳам ақл кўзи билан топишга тўғри келади. Демак, асар 809 ҳижрий, 1406 милодий йилда битилган. Шоир ҳам айни замонда биз XIV аср деб тилга олган 1400 йилларда яшаб ижод этгандир.

Энди яна яқин ўтмишга қайтайлик. Бундай абжад муаммолари шоира Увайсий чийистонларининг 38 тасига яширингандир. Тил ва ҳисобот илмини чуқур эгаллаган шоира Увайсий араб ёзувидаги отларни музаккар (мужской род), муаннас (женский род)ларини ҳам уларга, яъни муаннасдаги отларга — атун ( ), музакаардаги отларга танвин дамма ( ) қўйишни ҳам унутмаганки, бу чийистонларда тилга олинган предметлар жинсини аниқлашга осонлик туғдиради.

Ул на қушдирким, қаноти уч эрур,
Жисми бир, аммо пути эллик турур —

байтида шоир «жон» сўзини яшириб ёзиб кетган. Яъни 3, 1, 50 рақамларининг сонларни абжад бўйича қайси ҳарфларга таллуқли эканига разм солсак: ўша «жон» сўзи топилади.

Энди яна айрим муаммоларга мурожаат этайлик:

Бобомнинг белида дудук,
Биз ҳам бир муаммо дедук.

Муаллифнинг кимлигини топиш учун «дудук»нинг «най» деб олиниши, олдига «жим» ج қўшиб, «дедук» сўзининг биринчи ҳарфини Д د дол د ни «най»нинг охирига қўйишга тўғри келади. Шунда муаммода яширинган исм «Жўнайд» келиб чиқади. Демак, байтнинг муаллифи Жўнайдхон бўлиб, у қурдирган мадраса устунларидан бирига ёзиб қўйилган.

Отим чиқсин десанг, солғил иморат,
Иморатни солиб, отни чиқорғил.

Бу муаммо ҳам юқоридаги сингари оддийгина сўзлар йиғиндисига ўхшагани билан «имор» сўзидан «от» сўзини чиқариб ташлашни тақозо қилади. Бу араб ёзувида қуйидагича берилган: عمارتنی

Демак, «имор» сўзидаги бош ҳарф айн билан берилган бўлиб, уни ўқиса ҳам бўлади. Қамария ҳарф бўлган عليب айн ўз навбатида «имор» эмас, «Умар» ўқилишини тақозо қиларкан. Бу ёзув ҳозиргача сақланиб қолган Саид Умархон (Амирий) ишратхонаси пештоқига рақам этилган муаммодир.

Марҳум профессор, филология фанлари доктори, шоир ва драматург Хошимжон Раззоқов 1959 йилдаёқ Увайсий чийистонларидан 53 тасини китобхонга армуғон этиб, шундан 38 та муаммони тўла ва ниҳоятда диққат кўзи билан ечиб берганлиги адабиёт мухлисларини хушнуд этганди. Афсуски, бу жанрга, абжад илмига оид тарихий саналарни ўқувчига ойдинлаштириб беришдай хайрли ва фахрли иш давом эттирилмади. Кези келганда, чийистон ва муаммоларнинг нозик йўлларини атрофлича мисоллар билан ечиб берган ҳурматли олимлар Насим Маматов, Тўхтасин Жалолов, Фаҳриддин Насирдинов, Фатҳидин Исҳоқовлар хизматларини ҳам таъкидлаб ўтиш таъбирга жоиздир.

Чийистон ва муаммолар анъанаси Ҳамид Олимжоннинг «Мусофият тарафайн»ларида, Ғафур Ғулом экспромтларида, Туроб Тўла «Суюк Момо»сида, Миртемир «Тупроқда ҳикмат кўп» шеърида, Муҳаммад Солиҳнинг айрим триолетларида, Анвар Обиджоннинг болаларга ёзган ғазалларида давом эттирилганлиги киши дилини хушнуд этади. Юқоридаги муаллифлар асарларидаги чийистон ва муаммолар гарчанд ҳозирги рус алифбосида баён этилган бўлса-да, уни абжад ҳисобига солинса, кўзда тутилган мақсадни еча олиш мумкин. Тўғри, ҳозирги алоқадаги графикамизда чийистон ва муаммолар битиш анча қийинчилик туғдиради. Бироқ, адабий жанрининг мўъжаз, айни замонда жуда қизиқарли бу қисми айтилажак фикрни, фалсафий оттенкани кучайтиради. Чийистон ва муаммонинг «Муашшаҳ» шакли янада қизиқ ва ўқимишли чиқади. Бунинг учун қофия, сатр, вазн, маъно бирлиги, адабиёт назариясини четлаб ўтмаслиги керак. Биз мақоламиз ниҳоясида «Ёш куч»нинг муштарийларига Енғин Мирзонинг икки мисра шеърини ҳавола этиб, ундаги фикрни ўқиш ва редакцияга маълум қилишларини истардик.

Ер фаслига етиб бўлмас Енғин ёр-ёр
бўлмаса...

* * *

Муқаддасона тупроқда, умидворим онам
дерман...

Одилжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент Давлат университети, ўзбек адабиёти кафедраси тадқиқотчиси,
Андижон районидаги 14-ўрта мактаб адабиёт муаллими.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бола — ёшидан...

Математика кишидан маълум бир қобилиятни, иқтидорни талаб қилади. Ана шу фазилатга эга бўлган ўқувчиларни топиш, улардаги қобилиятни тарбиялаш жиддий муаммолардан биридир.

Кишидаги математик қобилият ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди, унинг намоён бўлиши учун меҳнат, меҳнат системали меҳнат зарур.

Ўқувчиларнинг математик қобилияти дарс, мактаб математика тўгаракларида, факультатив машғулотларида, олимпиадаларда, математик сиртқи мактаб, «Квант», «Еш куч» журналларидаги вазифаларни бажаришда намоён бўлаборди.

Республика математик олимпиадаларида маълум ютуққа эришганлар Кичик фанлар академияси аъзолигига қабул қилинадилар. Бу Фанлар академиясининг сессияларида унинг аъзолари етакчи математик олимлар билан учрашадилар, уларнинг лекцияларини тинглайдилар, танлаган темалари бўйича докладлар қиладилар.

Математикага қизиқувчилар учун Тошкент шаҳри ва областларда Физика-математика бўйича махсус мактаб-интернатлар бор, деярли ҳар бир районда математика чуқур ўргатиладиган синфлар мавжуд.

Ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири математикага иқтидори бор ўқувчини пайқаб, у билан махсус шуғулланиш, ундаги қобилиятни ривожлантириш, очишдан иборат.

Математика — ёшлар фани, математикада яхши натижалар, ажойиб теоремалар олимларнинг ёшлик даврларида очилган. Ҳозирда етакчи олимларимиз ёшликларидаёқ математик иқтидорларини намоён этганлар. Атоқли олимимиз, СССР Давлат мукофоти лауреати Т. А. Саримсоқов 27 ёшида Физика-математика фанлари доктори, профессор, 28 ёшларида ЎзФА академиги бўлганлар. Устоз 1942 йилда, докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, яна ҳарбий қисмга қайтган.

Ўз илмий ишлари билан дунёга танилган машҳур олим С. Ҳ. Сирожиддинов 32 ёшида физика-математика фанлари доктори.

ЎзФА мухбир аъзоси, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Шавкат Алимов 28 ёшида физика-математика фанлари доктори.

ЎзФА В. И. Романовский номли Математика институтининг директор муовини Шавкат Аюпов 31 ёшида физика-математика фанлари доктори эди. Ш. Аюпов ўз шогирдлари, физика-математика кандидатлари М. Бердиқулов, Ш. Усмонов, Р. Абдуллаевлар билан биргаликда 1986 йили Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлишди. Улар ҳозирги замон математикасининг истиқболли йўналишларидан бири — нокоммутатив эҳтимоллар назарияси бўйича муҳим натижаларни қўлга киритдилар. Бу йўналиш эҳтимоллар назарияси, функционал анализ, замонавий алгебранинг туташ жойида туғилди. Нокоммутатив эҳтимоллар назарияси жуда катта синф-квант физик системаларининг математик моделидир.

Классик эҳтимоллар назарияси бундай системаларда бўлаётган ҳодисаларни тушунтириб бера олмади. Бу масалани ҳал этиш эса янги математик аппарат қуришни тақозо этди. Ана шундай математик аппарат Тошкентда, академик Т. А. Саримсоқов бошчилигида яратилди. Бу йўналишда олинган илмий натижалар жаҳон математик жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Ш. Аюпов ГДР, Англия, Италияда ўз илмий натижалари билан инглиз тилида маърузалар ўқиди. Риёзиёт илмига ёшликдан қизиққанлик, ёшликданоқ математик масалалар «мазаси»ни тотиш, риёзиётнинг шайдоси бўлиш, унга ёшликдан кўнгил бериш математик касбга хос фазилатдир.

Сиз келгусида математик бўлиб етишиб, бу соҳада илмий ишлар қиласиз, кўп математиклар билан алоқада бўласиз. Халқаро математик анжуманларда қатнашишга, чет элларда босилган математик журналлардан фойдаланишга тўғри келиши мумкин. Ўзингизга тегишли мақолаларни бемалол ўқиб тушунишингиз учун, ҳорижий меҳмонлар билан илмий мулоқотда бўлиш учун чет тилини ҳам мактабданоқ яхши билиш зарур.

Математикага оид илмий-оммабоп адабиётларни йиғиб боринг, қарабсизки, ўзингизнинг «математик кутубхона»нгиз ҳам вужудга келади. Қўшимча адабиёт билан ишлаш кўникмаларини ёшликдан бошлаган маъқул.

Кўп математиклар музикага, айниқса, классик музикага, тасвирий санъатга, шеъриятга қизиқишади, уларни таҳлил қилишни яхши кўришади. Спорт билан шуғулланишади. Булар математикларнинг асосий қизиқишларидир. Математик касби кишидан ҳар томонлама ривожланганликни талаб қиладиган ана шундай мураккаб, фахрли, ажойиб касбдир.

М. МИРЗААҲМЕДОВ
доцент.

ОБУНА — 90 ОБУНА —90 ОБУНА —90 ОБУНА —90

ЖУРНАЛ САҲИФАСИДА УЧРАШГУНЧА...

«Қадрдоним «Еш куч!» «Маслаҳатгўйим «Еш куч»! Биз худди шундай сўзлар билан бошланадиган хатларни бир кунда юзлаб оламиз. Бу сўзлар биз учун қанчалик ёқимли бўлмасин шунчалик чўчитади ҳам. Андак хаёлга толиб ҳам қоламиз. Нимага дейсизми? Ахир бу мукофотли сўзларга муносиб бўлиб қолиш осон эмас-да. Қадрдон бўлмай қолишдан асрасин. Сизнинг бундай мурожаатларингиз азиз журналхон бизни ҳамиша ўз ишидан қониқиб қолмасликка ундайди. Назаримизда сиз чанқоқлик билан кутаётган масалаларнинг ўқ илдизларига ҳам бориб етмагандекмиз. Тўғри, йўл бошида адашманг деяпмиз, дарслигингизга қўшимчалар қиляпмиз, суд, прокуратура ходимларининг ноҳақ ҳукмларидан озми-кўпми ҳимоя қиляпмиз. Эски ўзбек ёзувини ўрганишга оид машғулотларга чорлаяпмиз сизни...

Лекин мактабларимизга, билим юртларимизга демократия, ошкоралик ҳавоси кириб боряптими? Ўқувчиларимиз ҳур фикрлаш ва рўйи-ростлик маданиятини қанчалик эгаллашяпти?

«Ўқитувчи ўз ўқувчисига нисбатан бўлар-бўлмасга қасдлашиши мумкинми?» деб ёзади Турсунбой Матанов, Андижон область Жалолқудуқ районидан. «Мактабимиз мактаб директорининг принципи бўйича бошқариляпти деб норозилик билдиради бир эмас ўн олти ўқувчи Қашқадарё область Китоб районининг 5-мактабидан. «Ўқитувчилар қўпол сўз билан сўкишади» деб хабар қиладилар Сурхондарё область Қумқўрғон районининг 35-мактаб ўқувчилари, «Қанийди мактаб бизнинг қўлимизга топширилса, муаллимларимиз бизга раҳбарлик қилса» дея орзулайди сирдарёлик Шоҳсанам Худоёрова.

Мазкур хатлар бизни анчагина «эсимизни киритиб қўйди» деб тан олишга мажбурмиз. Сабаби биз мактабнинг бундай ички муаммоларини «Еш куч» саҳифаларида атрофлича кўтарганимиз йўқ. Эҳтимол, шу гапларга яқинроқ гаплар қилаётганидирмизу, зийрак, талабчан ўқувчиларимиз қўлимиздан тутиб ичкарироқ юришга даъват қилмоқдалар. Журналхонларимиз билан бўлган олдинги суҳбатимизда «биз келгуси йилда уни ёритамиз, буни ёритамиз деб ваъдалар бермаймиз, яъни ҳаётни бир қолипга ёки ўз режамизга солиб олмаймиз, келажакда нималар ёритишимизни редакциямизга келган хатлар, таклиф ва мулоҳазалар белгилайди деганга яқин гап қилган эдик. Юқоридаги хатлар шу гапларнинг исботидир азиз муштарийларимиз.

Дарҳақиқат, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги устоз ва шогирдлик муносабатлари ҳозирда қандай асосга қурилгану, қандай бўлиши керак? Ўқитувчи

Ф .СП-1

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на ~~газету~~ журнал | 75242 (индекс издания)

«Ёш куч» (наименование издания) | Количество комплектов:

на 1990 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
×	×	×	×	×	×	×	×	×	×	×	×

Куда | (почтовый индекс) (адрес)

Кому | (фамилия инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в. | место | литер | на ~~газету~~ журнал | 75242 (индекс издания)

«Ёш куч» (наименование издания)

Стоимость | подписки / переадресовки | 4 руб. 20 коп. / — руб. коп. | Количество комплектов

на 1990 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
×	×	×	×	×	×	×	×	×	×	×	×

Куда | (почтовый индекс) (адрес)

Кому (фамилия инициалы)

ОБУНА — 90 ОБУНА —90 ОБУНА —90 ОБУНА —90

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўқувчининг ҳамиятига қай даражада тегиши керагу қай даражада тегмаслиги керак? Дарвоқе, мактабни ким бошқариши зарур? Ўқитувчими, ўқувчими? Ўқувчи бошқарса қандай бошқариши кераку, ўқитувчи бошқарса қандай бошқариши керак? Охир оқибат мактабнинг эгаси ким? Ростини айтсак, мактабнинг ички демократияси билан боғлиқ шунга ўхшаган жуда кўп саволлар шу кунгача ўз жавобини тополмай, очиқ келди. Ҳа, биз юқоридаги хатлар турткисидан фикримизни чуқурлаштиряпмиз.

Янаям чуқурлаштирадиган бўлсак қиш пайтлари ёқилмайдиган, ёки ёқилса ҳам исимайдиган мактабларда ҳаво даражаси неччига етганда ўқитиш керагу, нечага етганда ўқишни тўхтатиб қўйиш керак? Еки бўлмасам акси бўлган шамоллатиб бўлмайдиган, туйнуксиз, яхлит ойналар қўйиб ташланган хоналарда болаларни димиқтириб, соғлигининг емирилиши эвазига дарс ўтавериш керакми? Синф хоналари шамоллатиб бўлмайдиган мактабни биз Самарқанд область Пастдарғом районидаги 34- мактабда кўрдик. Бир хил мактабларда программадаги темаларни ўтиш учун на дарслик бор, на амалий машғулот ўтказиш учун асбоб-анжомлар бор. Масалан, компьютер дарси бору, ўзи йўқ, спорт дарси бору, спорт зали, стадион йўқ... Хўш, шунга ўхшаш дарсларни ўтиш керакми, ёки тўхтатиш керакми?

Биламизки, бу муаммоларни бизда аниқ чизгилар, йўл-йўриқлари йўқ. Йўқ бўлса, қачон бор бўлади?

Агарда биз бу муаммоларни ҳал қилиб беришни район, шаҳар, область, республика маориф идораларидан кутсак унда ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Биз бу масалаларни мактабларнинг ўзида, ошкора демократия усулида кўриб «Еш куч» саҳифаларида муҳокама қилмоқчимиз. Бир хулосага келгандан кейин уни қонунлаштириб беришни ҳуқуқий идоралардан талаб қилмоқчимиз.

Ҳа, «Еш куч» бу ўқув йилида мактаб ҳаёти ва уни қайта қуриш билан боғлиқ муаммоларга ўз эътиборини сезиларлироқ қаратмоқчи. Зотан қайта қуриш мактабдан бошланмас экан, у ўзининг кўзлаётган нурли манзилларига ҳадеганда ета олмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Демак, ана шу муаммоларни ҳал қилишда журнал саҳифасида учрашгунча. Лекин бир оғиз гап, журнал саҳифасида учрашиш учун «Еш куч»га обуна бўлишни унутиб қўйманг. Бунинг учун қуйидаги эътиборингизга ҳавола қилинаётган ёрлиқни тўлатиб, союзпечатга элтсангиз олам гулистон.

ОБУНА — 90 ОБУНА — 90
ОБУНА — 90 ОБУНА — 90

Яна бир эслатма. 1990 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ШУ ЙИЛНИНГ 30 СЕНТЯБРИГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ. БУНДАН ЧИҚДИ СИЗНИНГ ИХТИЕРИНГИЗДА БОРЙЎҒИ ЎН-ЎН БЕШ КУНЧА ВАҚТ ҚОЛИБДИ. ШОШИЛИНГ, ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ, «ЕШ КУЧ»ГА ЕЗИЛИШГА УЛГУРИНГ!

На абонементе должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонементе проставляется оттиск календарного штемпеля отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресовки издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовке издания, а также клетки «ПВ — МЕСТО» производится работниками предприятий связи и союзпечати.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЕШ КУЧ
МОЛОДАЯ СМЕНА

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ
1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 9 (39) сентябрь, 1989.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Бош муҳаррир
Худойберди ТЎХТАБОЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Шоҳрух АКБАРОВ
(масъул котиб)
Шуҳрат АЛЛАМУРОТОВ
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО
(бош муҳаррир ўринбосари)
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Мирза КЕНЖАБОЕВ
Эркин МАЛИКОВ
Латиф МАҲМУДОВ
Вадим НОВОПРУДСКИЙ
Неъмат НОРХОНОВ
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Александр ФАЙНБЕРГ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ

Бадиий муҳаррир:
Султон СУЛАЙМОНОВ
Техник муҳаррир:
Улуғбек ЯКВАЛХЎЖАЕВ

«Ёш куч» («Молодая смена»)— ежемесячный, общественно-политический и литературный художественный иллюстрированный журнал

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.
«Правда» газетаси кўчаси, 60

Телефонлар:
бош муҳаррир ўринбосари — 78—94—67,
масъул котиб — 78—57—84,
масъул котиб ўринбосари: рассом — 78—94—73.
Бўлимлар:
мактаб ва комсомол ҳаёти — 78—85—64,
ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат — 78—48—85,
хатлар — 78—85—64.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.
Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч»— «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч»—«Молодая смена» 9 сентябрь, 1989.

© «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмахонага туширилди 14.07.89 й. Босишга рухсат этилди 17.08.89 й. Р-08890. Офсет усулда чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108 1/8. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 310600 нусха. Буюртма 1236. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЙҒОНИШ ДЕМАКДИР!

«Жавлон Умарбеков энди нимани чизаркин?» деган ўйда юради рассомнинг мухлислари. Лекин бу саволга жавоб бериб башорат қилишга уриниш қийин. Шунга қарамай мусаввирнинг кейинги йиллардаги ижодида ажралиб кўринаётган ўзига хосликни пайқамаслик мумкин эмас. Бу — мазмунан ва моҳиятан кенг қамровлиликка мойилликдир!

Ижодининг жуда кўп босқичларида шахснинг руҳий-ботиний дунёсини очишни бош мақсад қилиб олган мусаввир айрим асарларида қамровни кенгайтиришга уринар — ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида меҳнат қилаётган, яшаётган қаҳрамонларини умумий, яхлит манзарасини яратар эди. Шу тариқа Жавлон Умарбеков мўйқалами нафис ижоднинг икки улкан қирғоғи бўлмиш — шахс руҳий дунёсини тадқиқ қилиш ва ҳаётнинг қамрови кенг манзарасини бирлаштириш йўлини танлай бошлади. Айни чоқда рассом бўёқлари ҳаёт қатламларини ранг-баранг тимсоллар, ташбеҳлар рамзлар орқали бутун мураккаблиги билан ифода эта борди. Масалан, «Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро» билан «Тафаккурли инсон» орасида бир дунё тафовут бор. Биринчи асарда тасвир воситалари мураккаб эмас. Енма-ён ўлтирган ўсмир ёшидаги икки тарихий шахс сиймоси кўрар кўзни қийнамайди, кейинги полотно эса биздан бирмунча томоша қилиш, кўриш малакасини тақозо этади.

Дарвоқе, мен атайин «кўзни қийнаш» дедим, зеро, Жавлон ака ижодида рамзийлик, шартлиликнинг кучайиши, бўртиб кўриниши — ҳозирги замон санъатшунослиги ибораси билан айтганда интеллектуал тасвир воситаларининг бош планга кўчиши, табиий, томошабиндан ҳам интеллектуал, яъни маърифатли, малакали ёндошишни тақозо этади.

Кичик бир мисол: «Эрувгарчилик» доим кўз ўнгимиздан кетмайди. Унда эски пастак уйлар бир чеккадан бузиляпти, орқа планда кўп қаватли бинолар шиддат билан қад ростлаяпти. Баҳорда кечиккан қор аста эриб сувга айланмоқда. Хўш, нега муаллиф уни «Эрувгарчилик» деб атади, наҳотки, у қорни ё фаслни назарда тутаётган бўлса? Йўқ, албатта. Асарда Тошкентнинг эриб, яъни бузилиб бораётган кўҳна уйларига бўлган армон, изтироб балқиб турибди...

Фавқулодда рамзий-символик воситалардан фойдаланиш ҳаёт ҳақиқатини хаёл ҳақиқати орқали ифода этишга олиб келди.

«Эрувгарчилик»даги ўхшатиш чандон кучайди. Унда биз бир ё икки рамзийлик аломатини кўрсак, «Ой» натюрморти, «Тафаккурли инсон» ва ниҳоят, мана, «Наврўз»да рамзийлик қатлами инсон тафаккури бойликларининг барини қамраб олмоқчидек тасаввур уйғотади.

Одамлар қалбидаги ягиликка, шоду хуррамликка чанқоқлик, беғубор бир самимийлик билан йўғрилган. Ўрта Осиё халқларининг азалий табиат байрами рассомнинг болалиги ўтган (менга шундай туюлди) Тошкентдаги Чиғатой дарвозаси мавзейидаги аҳоли учун ҳам (суратнинг ўнг қисмига қаранг) буюк Пикассонинг Ер шари устида рақсга тушаётган (суратнинг чап қисмида) қизалоғи учун ҳам бирдек шодиёна! «Наврўз» — тўкин-сочинлик, уйғониш, меҳр-оқибат туйғуларига битилган мадҳиядек томоша қилинади.

Сўзни мухтасар қилсак, полотно марказини чақалоқ ташкил этган. Бу ҳам тимсол! Ҳаётдаги барча қувончлар, уйғонишу севинчлар келажак авлоднинг баркамол, тўқ, маърифатли, ўз шахсининг, ўз қадрининг эгаси бўлиб етишмоғи йўлида хизмат қилади.

«Наврўз» қайта-қайта томоша қилинадиган ва ҳар сафар янги-янги маъно топилаверадиган асар. Фақат ҳаммаси биз ўзимизни тасвирий асарни янгича, таҳлилий нигоҳ билан кўришга кўниктиришимизга боғлиқ бўлиб қолган, холос...

Х. НАБИЕВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ойдин Ҳожиева

Китоблари: «Шабнам», «Манзиллар», «Мен севган қўшиқ», «Тароват», «Мушфиқ онажон», «Тамал тоши».

Рус тилида босилган китоблари: «Звёзди верности», «Утренняя роса», «Жаворонок», «Урюковая косточка».

1975 йили «Она ер соғинчи» поэмаси ва «Орзу гули», «Утренняя роса» китоблари учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлган.

Баҳоси 35 тийин Индекс 75242

"ЁШ НУҚ" ДАРСХОНАСИ

www.ziyouz.com kutubxonasi